

АДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ



Тошкент
«Адолат»
2015

Тўхтамурод ТОШЕВ

АДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ

(Суд очерклари)

УЎК: 347.9:82-43
КБК 84(5Ў)7
T71

Адашганлар қисмати / Т. Тошев. – Тошкент: «Адолат», 2015. –
128 бет.

ISBN 978-9943-4512-7-8

УЎК: 347.9:82-43
КБК 84(5Ў)7
67(5Ў)

ISBN 978-9943-4512-7-8

- © Т. Тошев, 2015.
- © Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги «Адолат» нашриёти, 2015.

МУҚАДДИМА

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда жиноятчиликка барҳам бериш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этиш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг раҳнамолигида янги ҳуқуқий-демократик жамиятни равнақ топтириш жараёнида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавият, таълим ва бошқа муҳим жабҳалар қатори жиноятчилик билан кураш ҳам кун тартибидаги муҳим масалага айланди.

Сир эмаски, мустақилликнинг илк йилларида айрим минтақаларимизда жиноятчилик ўсиб, ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик, давлат мулкани талон-тарож қилиш, айниқса, кенг тарқалди. Бу жиноятлар кўп ҳолларда қотиллик, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, зўрлаб номусга тегиш, ашаддий безорилик каби жиноятларга туртки бўлди. Натижада бир қанча вилоятларда уюшган жиноятчиларга дастлабки зарбалар берилди. Мазкур тадбирлар ҳамон изчил равишда давом эттирилмоқда. Бу курашда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ҳимоясида турган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат идоралари ҳамжиҳатликда эл-юрт осойишталигини сақлашга улкан ҳисса қўшмоқдалар.

Давлатчилик тарихидан маълумки, ҳар қандай жиноят ортида жазо бор. Лекин бир дард вужудни касал қилгач, унга чора кўргандан кўра, ўша дарднинг олдини олган минг бор афзал. Шунинг учун ҳам жамиятимизда аҳолини жиноятчиликнинг аянчли оқибатларидан хабардор қилиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда ҳар бир шахснинг ҳуқуқий билимлари катта аҳамиятга эга. Чунки, ҳуқуқ ҳақидаги умумий билимлар ёрдамида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳоли

онгида қонунларнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантириш мумкин.

Тўхтамурод Тошевнинг ушбу китоби ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз. Мазкур тўпلامда мустақиллик йилларида жиноятчиликка қарши кураш тарихининг энг ёрқин саҳифалари ўз ифодасини топган. Ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган суд очеркларида жиноятчилик иллатининг келиб чиқиши, унинг туб илдизлари, уни бартараф этиш омиллари ва бу иллатнинг фош этилишида ички ишлар, прокуратура, адлия, суд органлари ходимларининг машаққатли меҳнати маҳорат билан очиб берилган.

Миллий матбуотимизда суд очерклари устаси дея эътироф этиладиган муаллифнинг тадқиқот намунаси сифатида вужудга келган публицистик ишлари китобхонларни кенг мушоҳадага ва огоҳликка чорлайди, деб умид қиламиз.



ТУНДАГИ ҚОТИЛЛИК

Ҳаммаси ўша дабдабали тўйдан бошланди. Судланувчи Жамиловнинг ота-онаси «шоҳона» тўй қилиб, обрў топмоқчи бўлди. Қизиқ, оила бошлиғи Раҳимбой Жамилов ҳеч қаерда ишламаса, онаси Холбуви Жамилова бор-йўғи ошпазлик қилса, бундай дабдабали тўйга на ҳожат?! Ахир, ўзбекларда «Кўрпангга қараб – оёқ узат» деган нақл бор-ку! Аммо улар бу халқ нақлига амал қилишмади.

– Ўғлимнинг тўйи тўйдек бўлсин, – дея туриб олди онаси. – Йигит киши бир марта уйланади. Тўй-томошаси келин-куёвнинг эсида бир умр қолсин. Қолаверса, душманларим кўриб, куйсин...

Орзу-ҳавасга муккасидан кетган ота-она қарз-ҳавола қилиб тўйни ўтказишди-ю, кўнгиллари бироз жойига тушгандек бўлди. Бироқ оила сармоясига путур кетганди. Кўп ўтмай ошпаз хола нағма чиқарди. Ўғли Раҳмонни сиқувга олди, унга таъна тошларини ота бошлади.

– Мана, қўйнингга гулдек жононни солиб қўйдим. Лекин бунинг ўзи бўлмади, болам, данғиллама тўй қилай, деб отанг билан менинг нақ белимиз чиқаёзди. Қариганимизда қарзга ботдик. Одамларнинг юзига

қаролмай қолдим... Ҳадеб санғиб юрмасдан, тузукроқ пул топсанг-чи...

Бундай таъна тошлари бора-бора Раҳмонга баттар-роқ таъсир этадиган бўлди. Уйга келишга юраги безилларди. Улфатлари билан кўча-кўйда ичиб, ярим тунда уйига қайтарди. Унинг миясини биргина фикр банд этганди. У қандай бўлмасин «бебилиска» пул топиш йўлларини изларди. Кунлардан бирида Раҳмон хотинига дўсти Собирнинг туғилган кунига кетаётганини айтди. Бу хотинини одатдаги алдашларидан бири эди. У ҳеч қандай туғилган кунга бормади. Раҳмон улфатлари қошига – мўмай пул ишлаш учун шошилаётган эди.

Дарвозадан чиқа туриб, хотинига тўнғиллади:

– Музхонадаги ароқни олиб бер... – Хотини бир зумда айтганини муҳайё этди. Чиқиб кетаётиб ичкарига бақирди:

– Ётиб қолишим мумкин...

Келишувга мувофиқ улфатлар Раҳмон Жамилов, Аҳмад Тошбоев, Обид Назиров ва Адаш Илоҳомов Тошбоевларникига тўпланишди. Аввал обдон ичишди. Ҳасратларидан чанг чиқди. «Бебилиска» пул топиш пайида юрганларини бир-бирига изҳори дил этишиб, алжираб, валдирашди. Сўнгра кўчага чиқишиб, ярим тунгача ўғирлик режасини тузишди...

Тошкент оқшоми... У доимо осуда. Кундузги ғала-ғовурлар, катта шаҳар ҳовури тинган. Шаҳар тинч уйқуда. Ёз шабадаси шундай ёқимлики. Мусаффо ҳаво шаҳар кезади. Кўкдан тўлин ой ёғду сочаяпти. Сон-саноксиз юлдузлар унга парвонадек.

Омбор қоровули Сагит Элмурзин ҳам тунлари ўтириб юлдуз санайди. Бу унга «хобби» бўлиб қолган. У постда ухлаб қолмаслиги учун шунга одатланган. Айтишларича, ҳар бир кишининг юлдузи бўлармиш... Сагит ҳам кўпдан ўз юлдузини ахтаради. Ёруғроқ ёғду сочаётган юлдузни кўрса «Шу меники бўлса керак» деб ўйлайди. Гоҳида бир

зум юлдуз учиб сўнганини кўрса, «Эссиз, кимнингдир юлдузи сўнди» деб, ачинади.

У энди учаётган юлдузга тикилган ҳам эдики, олисдан машинанинг гуриллаган овози сукунатни бузди. Қоровул хушёр тортиб, кўча тарафга тикилди.

Келаётган машинанинг овози Сагитга танишдек туюлди. «Жамилов ярим кечада нима қилиб юрибди», деб ўйлади қоровул. «Ёки бирор кор-ҳол бўлдимикан?...»

Машина дарвозадан анча нарида тўхтади. Лекин чироғи ўчмади. Ичидагилар қисқа маслаҳат қилиб олишаётганди.

– Бугун постда чўлоқ Сагит турибди, – деди «Омбор» операцияси бошлиғи Назиров. – Уни гумдон қилиш осон.

– Агар соат 23 гача келганимизда оғзига латта тиқиб, оёқ-қўлини боғлаб қўярдик, – деди унинг ёрдамчиси Илҳомов...

У шундай дея соатига қаради. Соат тунги 3-00.

– Кечикдик, – деди у яна. – Уни ўлдиришимиз керак.

– Тўғри, – уни қувватлади Назиров. – Қоровул Раҳмонни танимайди. Уни сен ўлдирасан.

Болта ва пичоқ билан қуролланган жиноятчилар «олға» дегандек Жамиловга ишора қилишди. Машина жойидан жилди. Тўғри омбор дарвозасига келиб тўхтади. Шарпалардан бири давозани тақиллатиб, қоровулни чақирди.

– Ҳў, Сагит ака, очинг бу мен, Обидман. – Сизга жонон олиб келдик. Ҳадеб юлдуз санаб ўтираверасизми?

У «қойиллатдимми», дегандек шерикларига маъноли кўз қисиб қўйди. Қоровул омбор ишчиси Обидни таниб, овоз берди.

– Тинчликми ўзи. Бир нимадан қуруқ қолгандек, ярим кечада нима қилиб санғиб юрибсанлар?

– Эрталабгача машинани шу ерда қолдирмоқчимиз, – дейишди тунги шарпалар бирваракай. – Зарур бўлиб қолди.

Қоровул ночор дарвозани очди. Қароқчилар бир зумда ичкарига кириб олдилар. Назиров билан Илҳомов тилёғламаликка ўтишди. Элмурзиннинг енгидан кириб, қўйнидан чиқишди. Уни гап билан чалғитган ҳолда Назиров қоровулнинг қўлидаги протез оёғи ҳассасини бир тепиб учирворди. Илҳомов шартта қоровулни бўғди. Қўлида болта билан шай турган Жамилов чорасиз қолган Элмурзиннинг бошига болта юзи билан беш марта туширди. Қоровул «шилқ» этиб ерга йиқилди. Кўзи қонга тўлиб, ваҳшийга айланган Жамилов ерда қонга беланиб ётган Элмурзиннинг биқинига болта билан яна бир марта туширди.

Зум ўтмай Жамилов ўзининг ваҳшийлигидан, жиноий хатти-ҳаракатидан даҳшатга тушди. Бошини чангаллаб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Назиров Илҳомовга буюрди:

– Бошини бочкага тиқ. Жинни бўлиб қолади, шекилли. Сал ўзига келсин.

Жамилов бочкага уч марта шўнғигач, сал ўзига келгандек бўлди.

– Оғайнилар, энди менга рухсат, – деди у хириллаб. – Ўзимни ёмон ҳис этяпман. Машинамни сизларга қолдирдим. Жамилов шундай дея қоронғуликка сингиб кетди.

Назиров билан Илҳомов ер тишлаб ётган Элмурзиннинг жасадини машина кузовига ташладилар. Ҳозир бўлган Тошбоев уччаласи челақда сув ташиб, ердаги қон изларини ювишди.

Сўнгра учовлон болта билан омбор қулфини бузиб, машинага 19 қути коньякни, 13 қути пивони, жойлай бошладилар. Яшиқларни машина кузовига жойлаётган Илҳомов қоровулнинг инграётганини сезиб қолди. Чўнтагидаги «Финка» пичоғини олиб, чала ўлик Элмурзиннинг кўкрагига шафқатсизларча уч марта санчди. Элмурзин бир тўлғаниб, бутунлай тинчиб қолди.

Қотиллар бир зумда омбордан ғойиб бўлдилар. Йўлда Тошбоев мурдани сувга чўктириб юборишни маслаҳат берди. Кўп ўтмай уч қотил Элмурзиннинг жасадини Бўзсувга ташлаб юбордилар...

...Жамилов уйига бир ҳолатда кириб келди. Унинг ранги қув ўчган эди. Бундан бир соат аввал қонга бўялган қўлларини қандай яширишни билмайди, тентакдек довдирарди. Тонг отгунча мижжа қоқмай титраб-қақшаб чиқди. Эрталаб хотинига дабдурустан:

– Агар қамалиб кетсам, кутасанми? – деди.

Қўққисдан бундай саволнинг берилишини кутмаган хотини бир зум довдираб қолди.

– Вой, Раҳмон ака, нафасингизни ел учирсин, нима деяпсиз? – дея, ажабланди Гўзал. – Бу гапни бир айтдингиз, иккинчи айтманг.

Шу пайт дарвоза тақиллаб қолди. Раҳмоннинг юраги «шиғ» этиб кетди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Гўзал эшикка қараб юрди. Назиров шошганича машинани ташлаб кетганлигини айтди.

«Тинчлик бўлса керак, – деб ўйлади Жамилов ўзича. – Бўлмаса уйга кирарди. Ҳайрият». Бироз дадиллашган Жамилов хотинига буюрди:

– Машинани супуриб-артиб қўй.

Машина кузовини супураётган хотини қонни кўриб ҳайкалдай қотиб қолди. Назарида, иссиқ қондай туюлди. Юраги пўкиллаб, қўрқувдан дағ-дағ титради. Раҳмоннинг бояги гапининг мағзини энди чаққандек бўлди. Лекин унга айтишга журъат қилолмади. Авзойидан қўрқди.

Назиров, Илҳомов ва Тошбоев бўлса ўғирланган молларни ўзларига тегишли жойга яшириб қўйдилар.

Элмурзиннинг жасади сувда узоқ ётмади. Орадан бир неча соат ўтмай жиноят бўлимидаги телефонлардан бири жиринглади.

– Алло, бу жиноят қидирув бўлимими?

– Ҳа, сизни навбатчи эшитади?

– Бўзсув каналининг Оқтепа қисмидан мурда топилди. Сизларни кутяпмиз.

– Ҳозир махсус гуруҳ етиб боради. Ҳеч кимни йўлатманг.

Орадан кўп ўтмай изқуварлар биқинига «02» рақами туширилган сариқ «Нива»да айтилган жойга етиб боришди. Шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси, ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бўлими катта инспектори, Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бўлими бошлиғи, туман прокуратураси терговчиси зудлик билан ишга киришдилар.

– Биринчи жумбоқ, – деди катта терговчи, – жасаднинг шахсини аниқлашдан иборат. Шунда биз калаванинг учини топишга яқинлашамиз.

Бу қийин бўлмади. Мурданинг ёнидан ҳужжатлари топилди. Мурда 3-омбор қоровули Сагит Элмурзин бўлиб чиқди.

Эртасига маҳалладагилар Элмурзинни дафн этишди. Унинг қотилларидан бири – Илҳомов эса ўзидан шубҳаланмасликлари учун қабристонга тобуткаш бўлиб борди.

– Мана Сагит акани ҳам дафн этиб келдик, – деди у ўртоқларидан бирига. – Хўп, яхши одам эди, раҳматли...

У бу сўзни ҳаяжон билан эмас, балки шундай совуққонлик билан айтдики, гўё назарида ўта раҳмдил киши эди ўзича.

Ажабо, ўзи ўлдирган одамнинг дафн маросимига бориши учун шундай сабр-тоқатни қаердан олдийкан? Ҳа, бу одамийлик нуқтаи назаридан эмас, балки зўрқўрқувдан, ўзини ниқоблашдан бўлак нарса эмас эди.

Жон – ширин, ҳамманинг жони ўзига ширин. Шунинг учун «Пичоқни ўзинга ур, оғримаса бировга» дейишган. Ҳар қандай бағритош одамнинг бундай ҳолда ўзини тутиб туриши тасаввурига сиғмайди.

... Изқуварлар қоровул турган жойни, омборни синчиклаб кўздан кечирдилар. Йўлакда қон излари топилди. Бу қон резуслари Элмурзинники эканлигини экспертиза аниқлади. Машина изи ҳам аниқланди. Жамиловнинг машинаси текширилганда ундан ҳам из топилди. Қотиллар васвасага тушиб қолдилар. Ўзларини ҳар томонга уришди... Жиноят қидирув бўлими ходимларининг тадбиркорлиги туфайли икки кечаю-икки кундузда Элмурзиннинг қотиллари қўлга олинди...

Мана, уларнинг асл башараси. Суд қора курсисида тоғни урса талқон этадиган тўрт барзанги ўтирибди. Уларнинг ёшлари қарийб тенг – 25 ёшга етмаган ёшлар. Тарих бу ёшда қаҳрамонлик кўрсатган, эл, Ватан учун жон фидо этган минглаб кишиларни билади. Лекин, минг афсуски, инсонга бир марта бериладиган умрини совурган бу кимсалар эли учун, юрти учун бирор-бир наф келтирмадилар. Улар нафс йўлида энг қабиҳ ишга қўл урдилар – қотиллик қилдилар.

Қотилларнинг башараларида, қон тўлган кўзларида меҳр-шафқатдан асар йўқ. Улар қамоққа олингунларига қадар шундай «апоқ-чапоқ» эдиларки, ораларидан қил ўтмасди. «Улфати чор – анда маза бор» деб кўчамакўча тентираб, хиргойи қилардилар. Энди-чи? Энди бир-бирларини кўргани кўзлари йўқ, қўйиб берса бир-бирларини оч бўридек ғажиб ташлашга тайёрлар. Энди бир умрга «дўст» бўлиш учун қадаҳ олдидан ичилган қасамёдлар бир пул. Ўз айбини енгиллатиш учун бир-бирига лой чаплайдилар, туҳмат, разолат, бўҳтон тошини отадилар...

Улар тез-тез залга ғазабнок боқишади. Олазарақ кўзлар кимларнидир излайди, оч бўридек тишларини ғижирлатиб, ўз ота-оналарига ҳам еб қўйгудек боқишади. Уларнинг бу ҳолатини кузатиб, беихтиёр бир ҳикоятни эслайсан киши.

Қадим замонда бир йигит нопок йўл билан мол-дунё тўплашга киришибди. Тунларни бедор ўтказиб, ўғирлик

қилибди. Йигитнинг онаси ўғлининг топган-тутганига барака тилабди, ўз ўғлини ўғирликдан, бу нопок йўлдан қайтармабди. Кунларнинг бирида йигит ўғирлик устида қўлга тушибди. Подшо унга энг олий жазони лозим топиб, дорга осмоқчи бўлибди. Йигитни дор тагига олиб келишгач, у онамни бир кўрсам, дея илтижо қилибди. Унинг илтимоси қондирилибди. Йигит нури дийдасига:

– Эй она, бери кел, тилингни чиқар, – дебди. Шунда йигит бир интилиб онасининг тилини узиб олибди.

Подшо бундан ҳайратланиб: «Эй бадбахт, бу нима қилганинг», – деса, йигит: «Агар онамнинг шу тили менинг нопок ишларимни мақтамаганида, мен ҳозир шу дор остида турмас эдим», – дебди...

Мен бу ҳикоятни бежиз келтирмадим. Суд ишлари билан танишаётганимда бу қотилларни ҳам қора курсига етаклаб келган «ота-оналарининг тили» деган хулосага келдим. Залда кўз ёши тўкиб ўтирган бу ота-оналар ўз ўғилларини вақтида нопок йўлдан қайтармадилар. Улар фарзандларидан қаерда, ким билан, нима ишлар қилиб юрганларини суриштирмадилар. Аксинча, «топармон-тутармонликлари»дан шод эдилар, кўзларини ёғ босганди. Лекин энди кеч. «Сўнгги пушаймон – ўзинга душман» деб шунга айтадилар-да!



БОЛА ЎҒРИЛАРИ

Халқда шундай гап бор: «Алдагани бола яхши!» Дарҳақиқат, мурғак қалбни алдашдан осон иш борми? Йиғлаб турган болага хўрозқанд ёки сақич, қизчага ўйинчоқ беринг-чи, дарров йиғидан тўхтайди. Жиққа ёш тўла кўзлари билан сизга миннатдор боқади...

Лекин болаларнинг соддалигидан, ишонувчанлигидан фойдаланаётган хавfli кимсалар ҳам бор. Улар ким! Улар ўзларининг беғубор болалигини унутиб, одам ўғирлаш каби энг жирканч ва оғир жиноятга қўл урган нафс бандаларидир.

Гарчи ҳозирги вақтда ҳар қандай «миш-миш» ёки «шов-шув»лар кишиларни таажжубга солмай қўйган бўлса-да, аммо бировнинг боласини ўғирлаб, яна уларни ўз ота-оналарига мўмай пуллашаётганликларини эшитиб, ҳар қандай кишининг ҳам қалби ларзага келади...

Эсингизда бўлса, О. Генрининг новеллалари асосида суратга олинган «Ишбилармон кишилар» бадий фильми бўларди. Унда икки «ишбилармон» бир бойнинг якка-ю ягона ўғлини ўғирлаб, уни ўрмонга яширишади. Бола-си тушмагур шўх чиқиб, охири ўғриларнинг таъзирини

беради. Тавбасига таянган икки «ишбилармон» мўмай пулдан воз кечиб, болани уйига олиб бориб, орқасига қарамай қочишади...

Аммо биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бола ўғрилари уларга мутлақо ўхшамайди. Улар анча «ўсишган», иш услуби ҳам замонага қараб мослашган, кишиларнинг энг нозик «нуқта»ларига усталик билан уришади...

Ахир, инсонга боладек азиз нарса борми дунёда? Бола учун ҳар бир ота-она жонини ҳам беради-ку! Бу уларга жуда қўл келади. «Болажонлик» дан усталик билан фойдаланиб, текин пул топишмоқчи бўлишади...

Кунлардан бир куни пойтахт шифохоналаридан бирида, ҳамшира бўлиб ишлаган Мастуранинг (исмлари ўзгартирилган) миясига бола ўғирлаш фикри яшиндек урилади. Унинг бу ўйи дугонаси Лобархонга ҳам мойдек ёқиб тушади.

– Ҳозир ишбилармонлар даври, – дейди Мастура дугонасига айёрона боқиб. – Лўлининг эшагини суғорасан-да, пулини оласан, лекин қилганга яраша дурустроқ иш қилиш керак.

– Тўғри айтасан. Арзимаган нарсага «пачкитса» қилиб юрамизми?! Бирорта бойваччароқ одамнинг боласини ўғирлаб, ўн миллион сўрасак ҳам беради.

– Эҳ, қанийди, пулга зор бўлиб ўтирмасак. Жонга тегди зориқиш. Э, ҳа, эсимга тушди, – деди Лобар ўйноқлаб, – бир қариндошим бор. Мойли жойда ишлайди. Топар-тутари яхши. Данғиллама участка-ю, қўш-қўш машинаси, ҳатто «Мерс»и ҳам бор. Жуда пули кўп, деб эшитганман. Ёш қизчаси ҳам бор...

Унинг бу гаплари нафси ҳакалак отиб турган Мастурага маъқул тушди. У тезда Лобарнинг тоғаси Б.Т.нинг қизалоғи Шоҳистанинг қайси мактабда ўқиши-ю, қаерда яшаши ва уй телефонларигача билиб олди. Шу тариқа икки дугона орасида «мудҳиш режа» тузилди – жиноий тил бириктирилди.

Энди ишга киришиш қолди, холос. Мастура хўб ўйлади. Охири бу жиноий ишни амалга оширишда ўз туғишган укаси – ҳали вояга етмаган, муқаддам ўғирликда айбланиб, судланган ва ҳукм ижроси кечиктирилган 17 ёшли Фолиббойнинг «тажриба»сига суянмоқчи бўлди.

Ҳеч қаерда ишламай тентираб юрган Фолиббойга опасининг режаси маъқул бўлди. Дарҳол кўз ўнгида бир дунё пул намоён бўлди. Ўзича режалар тузди. Охири «бўлди» деганини ҳам билмай қолди.

Одатда, инсон қалбида ғаразли ўй, қабиҳ истак ҳеч қачон ўз-ўзидан туғилмайди. Бундай мақсад, аввало, ўз манфаатини кўзлаган, қилмиши жазосиз қолишига ишонган, ёвуз ниятли кишиларда пайдо бўлади. Жиноятлар «керакли» кишиларни танлаш билан ниқобланади. Ўзларининг ғайриқонуний ҳаракатлари доирасига эгри йўлга киришни хаёлига келтирмаган янги кишиларни жалб этишади. Уларнинг жиноят сари қадам қўйишга оғдирувчи сўз ва усулларни моҳирлик билан топишади. Виджонан иш тутиш хислати эса, қордек эриб кетади...

Саргузашт фильмларда кўпгина ғайритабиий ҳодисалар тунда содир бўлади. Чунки, қоронғулик жиноятчилар учун кўпинча ниқоб вазифасини ўтайди. Лекин бола ўғриларига туннинг ҳам кераги йўқ эди. Улар куппа-кундузи, ҳамманинг кўз ўнгида соат 9.00 да Шоҳистани ўғирлаш учун у ўқийдиган мактабга етиб келишади. Ўзаро келишувга кўра, Фолиб мактаб яқинидаги катта кўчада қолиб, йўловчи машина тутиб туради. Мастура эса, мактабга кириб биринчи синфда ўқийдиган Шоҳистани аврайди...

– Мени даданг юборди, сенга роса зўр кийимлар олиб қўйибди, ҳозир бориб кийиб кўришинг керак экан... Кейин туғилган кунга борамиз. Хўп-ми?

Ёш, беғубор қалб тилёглама Мастурага осонгина «асир» тушди. Фолиб йўловчи машинада пойлаб турарди. Опа-ука Шоҳистани олиб бир зумда гавжум шаҳар

кўчаларига сингиб кетишди. Улар «Ишбилармон кишилар» фильмидаги каби ўрмонга эмас, балки тўғри Чилонзор даҳасига келишди. Бу даҳадаги уйларнинг бирида муқаддам фуқароларнинг шахсий мулкани ўғирлашда айбли деб топилган, икки нафар балоғатга етмаган болалари бўлмиш ва ҳеч қаерда ишламайдиган Н.В. яшар эди. У ҳам пул учун виждонини сотди. Шоҳиста ва унинг отонасини вақт ўтиб не аҳволга тушишларини ўйламади ҳам. Уни ўз уйида жон ҳолатда олти кун сақлаб турди. Олти кун ичида нималар бўлмади дейсиз. «Пул олиш» операцияси оғир кечди. Мастура билан опа яна Фолибни ишга солишди. Унинг қўлига Шоҳистанинг уй телефонини бериб, товламачилик қилишни ўргатишди.

Фолиббой ҳали хўроз қичқирмасдан туриб соат 4 ларда Б.Т.нинг уйига сим қоқди. Тунлари мижжа қоқмай, тик этса эшик пойлаб, телефонга кўз тикиб ўтирган ота-она баравар телефонга ташланишди.

– Қизингиз тирик, – деди Фолиб бамайлихотир. – Уни қайтариб олмоқчи бўлсангиз, ўн миллион сўм тўлайсиз. Акс ҳолда қизингизни бошқа кўрмайсизлар.

– Бу қандай разиллик, аблаҳлар. – Шоҳистанинг отаси фиғони фалакка чиқиб, хонада у ёқдан бу ёққа юрарди. Онаизор эса, аллақачон ҳушидан кетганди. Узига келгач эса, эрига ёлворди:

– Пул топинг, жон дадаси, қизимни қутқаринг. Болам-сиз яшолмайман...

Оҳ, онаизор, шу алфозда унинг аҳволини тушуниш мумкин эди. Бу борада товламачилар қизалоқнинг ўзига ҳам қўнғироқ қилдиришди:

– Мени қутқаринг, ойижон. Сизларни соғиниб кетдим, – деди Шоҳиста йиғлаб...

Онаизор яна ҳушидан кетди. Ахир, фарзанди, жигаргўшаси қаерда, қай аҳволда экан, кимларнинг қўлида у... Ҳоли не кечяпти?...

Диёнатсиз бола ўғрилари қабристонни ҳам оёқости қилиб, уни жиноий маконга айлантиришга киришдилар.

Ғолиб иккинчи бор сим қоққанда пулни даҳада жойлашган заводлардан бири олдидаги қабристонга олиб келишни талаб қилди...

Шоҳистанинг отаси елдек югуриб, ўз жамғармасидан ва қариндошларидан қарз-ҳавола қилиб, базўр пул топди. Пулларни елим халтага солиб, соат 14:00 да қабристонга ташлаб кетади. Ғолиб шу заҳоти йўловчи машинада келиб қабристондан пул солинган елим халтани олиб кетади.

Пуллар бола ўғрилари қўлига ўтгач, Шоҳистани соат 16.00 да Н.В.никидан олишиб, машина билан уни уйи яқинига қўйиб кетишади.

Тутқунликда олти кун изтироб чеккан Шоҳиста йиғлаганча уйи томон чопади. Отасининг бағрига отилган қизча ўкиниб дейди:

– Дада, сиз менинг олдимга ёмон одамларни юборибсиз. Сиз ёмон дадасиз... Улар мени қийнашди.

«Бола ўғирлаш» операцияси муваффақиятли ўтганидан хурсанд бўлган қаллоблар текин пул эвазига обдон ўйин-кулги қилишди, еб-ичишди, кийинишди, кекиришди... Мўмай пул уларни қутуртирди.

Қуръонда таърифланишича, инсон бойлиги ортганда ва ўзида куч-қудрат ҳис қилганда ҳаддидан ошиб, босартусарини билмай қолар экан. Бой бўлиши билан ақл ва адолат чегарасини унутиб, номаъқул ишларни қилишга ўтаркан.

Бола ўғрилари ҳам худди шундай – яна иккинчи ноъмақул ишга қўл уришга ҳозирлик кўра бошладилар. Инсоннинг табиати қизиқ-да, токи пешонаси «тақ» этиб деворга тегмагунча кўзи очилмайди.

Бели оғримай пул топган Мастура билан Лобар кўчада тентираб, маишат қилиб юришганда метро бекатида Лобарнинг опаси Насибага дуч келиб қоладилар. Қош қораяётган пайт эди. Биров уйига шошган, яна кимдир дўконга. Ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Уч ўртоқ эса бирлашиб ва тиллашиб, кўчанинг ўзида кимни-

дир қақшатиш режасини тузишарди. Охири, улар Насибанинг таниши С.Т.нинг уйига борадиган бўлишди. Ўзаро келишувга кўра Лобар кўчада қолиб, йўловчи машина тўхтатиб турадиган бўлди. Мастура эса С.Т.нинг ҳовлисига киради. Ҳовлида эса ёш болача ўйнаб юрарди.

Мастура ёш болани ёлғон-яшиқ гаплар билан обдон алдади. Охири «Юр дадангни олдига олиб бораман, сенга зўр нарсалар олиб қўйибди», деб кўчага етаклаб чиқади. Уни йўловчи машинага ўтқазиб, тўғри Учтепа туманидаги бир хонадонда яшовчи танишлари Т.Э.никига олиб келишади.

– Т., бу менинг жияним, сеникида бир-икки кун яшаб турсин, – дея Мастура уй эгасидан илтимос қилади.

Орадан уч кун ўтгач, Фолиб билан Лобар ўғирланган болани Фолибнинг таниши ва никоҳсиз хотини К.га олиб келишади.

– Шу ерда турасан, – дейди Фолиббой ёш бола Сарварга дўқ қилиб, – ғинг десанг калтак ейсан, уйингни кўрмайсан, билдингми?!

Бола бечора пиқиллаб йиғлаб қолаверади. У ёқда ота-онаси тунлари бедор. На қидиришни, на милицияга айтишни билишади. Худди юраклари сезгандек қўнғироқ кутишади.

– Алло, бу С.Т.нинг уйими? – Фолиб бамайлихотир кўча телефонидан сим қоқиб гаплашади. – Болангиз тирик. Хоҳласангиз овозини ҳам эшитишингиз мумкин. Боламини тирик кўрай десангиз шартимизга кўнасиз. Акс ҳолда...

– Майли, майли, қанақа шарт... – базўр гапира олди ота.

– Шарт шуки, – кескин кесди унинг сўзини Фолиб, – бола керак бўлса ўн миллион сўм чўзасиз.

– Мен розиман, – деди С.Т. титраб-қақшаб.

– Ундай бўлса пулни қоғозқопга солиб, завод олдидаги қабристонга олиб боринг. Сўнг болангизни кўрасиз.

Сарварнинг ҳақи тешиб чиқди. Фолиб қабристонга пулни олгани келганда осмондан тушдими, ердан чиқдими, бирдан орган ходимлари пайдо бўлиб қолишди. Фолиб ҳар қанча чиранса ҳам қабристондан қочиб чиқиб кетолмади. Товламачилар тумшуғидан илинишди.

Жинойтчилар тергов жараёнида ва суддаги кўрсатмаларида иложи борича ўзларини «оппоқ», қўй оғзидан чўп олмаган кишилар қилиб кўрсатишга, тергов ва судни чалғитишга уриндилар. Аммо далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари уларни қора курсига михлаб қўйди. Қанчалик чиранишмасин, ўзлари ижод қилган «Бола ўғрилари» операциясининг айбдори сифатида айблов сиртмоғидан чиқиб кетолмадилар. Суд уларни айбига яраша жазолади. «Қилмиш-қидирмиш» деб шунга айтсалар керак-да, «Бола ўғрилари» операциясига шу тарихқа нукта қўйилди.



Бир куни Искандар Зулқарнайндан сўрашибди:
– Турмушнинг шодлиги ёки қайғу-алами нималардан иборат?

– Турмушнинг шодлиги – топганинга қаноат, қайғу-алами эса ҳирс ва таъмадир, – деган экан Искандар.

Бу гапнинг замирида катта ҳикмат ётибди. Кимки ҳалол меҳнат қилиб, тер тўкса, ошини ейди, кимки қинғир йўл билан бойлик орттирмоқчи экан, у албатта, тошини ейди. Биз қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеалар ҳам мол-дунё учун муккасидан кетган разил кишилар ҳақида. Қиссадан ҳисса чиқариб олиш эса, сиз азизларга ҳавола.

Бир пайтлари Светлана Россиянинг Липецк вилоятининг Рязанский туманидаги Дружба қишлоғи фермасида туппа-тузук сут соғувчи бўлиб ишларди. Табиатан энгил-так бу аёл маишатга берилиб, меҳнатсиз даромад топишга ишқибоз бўлиб қолди. Турмуш ўртоғи ҳам қаердадир узоқда қилмишига яраша жазо муддатини ўтарди.

Бир куни у Тошкентдаги 2-Шимоли-шарқ мавзеида жойлашган 77-уйда яшовчи қайнотаси Геннадий Иванович Чеглаковникига меҳмон бўлиб келди (айрим сабаб-

ларга кўра исм-шарифлар ўзгартирилган). Тўғриси айтганда, анча ёшга бориб қолган қария ичкиликни яхши кўрар, баъзан ғирт маст бўлиб, диванга чўзилиб ётиб қоларди. Гоҳида Светлананинг дўстлари (уларнинг кимлиги билан қайнотаси мутлақо қизиқмасди) тўкин дастурхон атрофига тўпланганларида Геннадий Ивановичга янада жон кирарди. Меҳмонлар қарияни спиртли ичимликлар билан сахийларча сийлашарди.

Бугун Светлананинг опаси Людмила Жабборова болалари билан меҳмонга келган. Ширакайф Геннадий Иванович сигарета тутатиб, алланималарни ёлдираб ўтирарди.

– Леонтий келармикан? – Людмила синглисига саволмуз қаради. – Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди...

– Аллақачон ҳидингни сезгандир? – Светлана Людмиланинг қулоғига бир нарсалар деб пичирлади. Опа-сингил бир-бирларини туртишиб, хиринглашди.

Айтмоқчи, Леонтий Долгов Людмиланинг жазмани, яъни ўйнаши. Тез-тез шу ерда учрашиб туришади. Чолдан-ку, чўчимаса ҳам бўлади. Унга ҳаммаси барибир. Ароқ ақлини ўтмаслаштириб қўйган.

... Леонтийнинг ҳийлагина кайфи бор эди. У қўлтиғидан икки шиша винони намойишкорона олиб, стол устига тантанали вазиятда қўйди. Қарияга жон кирди. Қўлларини бир-бирига ишқалаб, келинига буюрди:

– Тезроқ ул-бул тайёрланглар. Меҳмон кутиб қолмасин...

Бироздан кейин опа-сингил икки эракни ҳоли қолдириб, нариги хонага кириб кетишди. Геннадий Иванович ҳам, Леонтий ҳам оғизларидан чиқаётган сўзларни идрок қилишолмас, борган сари қизишиб боришарди.

– Бекор айтибсан! – қария столга муштлади. – Кўрсатиб қўяман сенга!

Ёш, кучли Леонтий ваҳшийлашди. Шу «одамча»дан кўрқиб ўтирадимми? Виносини ичиб, гердайишини қаранг.

У пайт пойлаб туриб, Геннадий Ивановичнинг елкасига мушт туширди. Чол диванга йиқилди. Леонтий ёввойи мушукдек сапчиб, унинг томоғига тиззасини тиради. Қариянинг кўзлари олайди, оғзи кўпикланди. Бироқ, кучли кўллардан қутулолмасди. Бироздан сўнг тизза остидаги гавда бўшашди...

– Бўлар иш бўлди, – пишиллади Леонтий гандираклаб стулга ўтирар экан, опа-сингилга қонталашган кўзларини қадади. – Байрамни чақириб кел. Буни кўздан йўқотиш керак.

Байрам Йўлдошев қурилиш трестининг катта муҳандиси, «Луначарский» кўчасида яшайди. Светлана билан «ошиқ-мошиқ». «Тадбиркор» йигит эмасми, вазиятнинг қалтислигини тез тушуниб етди. Улар биргалашиб, Геннадий Ивановичнинг совиб улгурмаган жасадини шолчага ўраб, маҳкам боғлашди. Ярим кечада шарпа чиқармай юришиб, мурдани Қибрайдаги Тимирязев номили жамоа хўжалиги ҳудудидаги оқова қудуқларидан бирига ташлаб юборишди.

– Чойшабни ёқиб, йўқ қилинглар, – деди Светлана.

Эртасига «ошиқ-мошиқ»лар Бекободга, Светлананинг туғишган акаси Владимир Петрович Соннинг олдига етиб боришди. Светлана бошига тушган мусибатни айтиб, ундан маслаҳат сўради. В. Сон илгари икки марта судланган. Бекобод шаҳридаги автопаркда шофёр бўлиб ишларди.

– Иш анча мушкулга ўхшайди, – деди Владимир.

– Албатта, мурдани қудуқда қолдириб бўлмайди. Эртами-индин пайқаб қолишади. Сизлар сабр қилинглар. Игорь билан маслаҳатлашай-чи, нима деркан?

Жиноий гуруҳнинг фаол аъзоси Игорь Кабан гўшт комбинатида оператор, муқаддам судланган. Ниҳоятда хавfli одам. Пул учун одам ўлдириш унга ҳеч гап эмасди. Воқеани эшитиб, «ҳамкасб»ларига ёрдамга ошиқди. Ўзи ясаган қирқма милтиқни олиб, Светлана ва Байрам билан Тошкентга келди.

Мурдани чўзилтириб кўтариб юриш, албатта, хавfli. «Омад»ни қарангки, қўшни йўлак ёнида «УАЗ-469» автомашинаси турарди. Уни анча ергача овоз чиқармай итариб боришди. Бироқ шунча овора бўлганлари бекор кетди: мурдани қудуқдан тортиб олишнинг иложи бўлмади.

Светлана Игорь Кабаннинг маслаҳати билан ички ишлар бўлимига кириб, қайнотаси Г. Чеглаков изсиз йўқолганини айтди.

Орадан кўп ўтмай мурда топилди. Тошкент вилояти суд-тиббий экспертизаси Г. Чеглаков чўкиб ўлган, деган хулосага келди. Ана шу хулосага асосланган Қибрай туман прокуратураси терговчиси «жиноят таркиби йўқлиги» учун терговни тўхтатди.

Светлана қайнотасининг дафн маросимини «тантанали» ўтказди. Дафн маросимидан сўнг «шукрона»сига кичкинагина зиёфат уюштирилди.

– Ишимиз ўнгидан келди, – деди Игорь Кабан мамнун оҳангда. – Геннадий Иванович сирни ўзи билан гўрга олиб кетди...

Эгасиз қолган қабоҳат уясида жиноятларнинг янги режалари ишлаб чиқила бошланди.

Қуролланган «йўловчи»лар

Кеч соат тўққизларда «Россия» меҳмонхонаси олдида тўрт киши нималарнидир суҳбатлашиб туришар, енгил автомашиналарга қўл кўтаришарди. Афтидан қаёққадир шошилаётган бўлишса керак.

Шу пайт «ВАЗ-2102» маркали автомашина уларнинг олдига келиб тўхтади. Игорь Кабан эшикни очиб, илтимос қилди:

– Биродар, жуда шошилаяпмиз. Бизни вокзалга олиб бориб қўйсангчи? Рози қиламиз...

Ҳайдовчи Р. Алишев ҳеч нарсадан шубҳаланмай, кўнди. Машина Чехов кўчасига яқинлашганда Игорь қирқма милтиғини унинг биқинига тиради, шериги Р. Ши-

баев эса пичоқ яланғочлади. Ранги докадек оқарган йигит бир зумда важоҳатга тўла йўловчиларга қўрқув аралаш тикилди. Юраги товонига тушиб кетгандек бўлди. Шунча титкилашганлари билан чўнтагидан беш юз сўмдан ортиқ пул чиқмади. У ҳозир бир бало бўлишини сезиб турарди. Шунинг учун жон аччиғида ялинди:

– Йигитлар, уйимдан пул олиб бераман. Чин сўзим...

Кутилмаганда йўловчилардан бири (судда шахси аниқланмаган) рулга ўтирди. Улар Зангиота туманидаги Охунбобоев кўчаси, 45-уйга етмасдан тўхтадилар. Р. Алишевни қуролланган Игорьь ва Р. Шибаевлар кузатиб боришди.

– Ҳушёр бўл бола, – огоҳлантирди Игорьь, – биқинингдан дарча очиб қўймай яна...

Эшикни Р. Алишевнинг онаси очди. У ўғлининг юзига қараб, юраги ҳовлиқди:

– Тинчликми, болам?

У онасига машинаси билан бир кишини уриб кетганлигини, бу ишни босди-босди қилиш учун анча пул зарур бўлиб қолганлигини айтди. Онаси каловланганча эрини чақиргани кетди. Йигит отасига «Улар қуролланган», деб шипшитишга улгурди. Отаси эса қўни-қўшнилари чақирди. Бундай бўлишини кутмаган жиноятчилар жонжаҳдлари билан машина томон югуришди.

Овлари юришмаган «ҳамкасблар» машинани катта кўчада қолдириб, уй-уйларига тарқаб кетишди.

Жиноий гуруҳнинг энг хавфли, шафқатсиз қатнашчиларидан бири Вячеслав Хан ва Игорьь Кабан «ов»га чиқишдан олдин келишиб олишди: Игорьь шофёр ёнига ўтириб, хилват жойга келганда ишора қилади, орқа ўриндиқдаги Хан эса қўлидаги сиртмоқни ҳайдовчининг бўйнига солади...

Улар Оҳангарон йўлида «Москвич» автомашинасини тўтатишди. Игорьь кўз қири билан шеригига қараб қўйди. Лекин у негадир ҳужумга ўтишга шошилмасди. Бу пайтда

Хан шофёрнинг барваста гавдаси, кенг елкаларига қараб иккиланарди. Йўқ, иш чиқмайди. Бошқа, бўйи пастроқ ҳайдовчилардан танлаш керак.

Шундай қилиб, номаълум ҳайдовчининг баланд бўйи уни ўлимдан сақлаб қолди. Игорь бошқа машинага қўл кўтарди. «ВАЗ-2105» маркали енгил автомашина ҳайдовчиси А. Янкин «йўловчи»ларга савол назари билан қаради. Улар Максим Горький шоҳқўчасидаги «Светлана» дўкони олдиғача олиб бориб қўйишни илтимос қилди. Машина пастқам кўчага етиб келганда шартли сигнал бўйича орқада ўтирган Хан ҳайдовчининг бўйнига сиртмоқ ташлаб, бўға бошлади. Машина тўғридаги дарахтга бориб урилди. Хан сиртмоқни сал бўшатиб, «Орқага қайт», деди. Шу пайт кўчада одамлар кўринди. Кабан шеригига: «Кетдик», дея ишора қилди. Янкин кутилмаганда Кабаннинг қўлига ёпишиб, унга мушт туширди. Игорь орқа чўнтагидан ов пичоғини олди-ю, зарб билан унинг юрагига ботирди. Қотиллар машинадан отилиб чиқишиб, кўздан ғойиб бўлишди. Уларнинг буюмлари қонга беланиб, хириллаб ётган Янкиннинг ёнида қолиб кетди...

Видеомагнитофон касофати

«Ўсаров деган йигитда зўр япон видеомагнитофони бормиш. Ҳар куни одамларга Фарб фильмларини кўрсатиб, пул ишлаётганмиш...»

Бу миш-мишлар Сергей Шакиров билан Вячеслав Ханнинг қулоқларини динг қилди, кўзларида ёвуз ўт чақнади. «Келиб-келиб, қандайдир бир ландавур видеомагнитофонга эга бўлармишу, биз қараб турарканмизми?!» дея икки олғир ноёб буюмни қандай бўлмасин қўлга киритишга аҳд қилишди.

Улар видеомагнитофон эгаси З. Ўсаровни учратиб, тилёғламалик билан уйларига таклиф этишди: «Ўша матоҳингни биз ҳам кўрайлик. Пулингни берамиз...»

Мезбонлар ичкиликни аяшмади. Алёр айтилиб, қадаҳлар бўшатилаверди. Бошлар айланиб, кўзлар «ғилай»лангач, Сергей томдан тараша тушгандек гап бошлади:

– Энди, ука, ўзинг биласан, биз билан ҳазиллашиб бўлмайди. Гап шу: видеомагнитофонни сотдим, пулини ҳам олдим, деб тилхат ёзиб берасан...

Ўсаровнинг кайфи тарқаб кетди. Уларнинг кўзларидаги ёвузлик учқунларини кўриб, эти уюшди.

– Йўқ, биродарлар, сотолмайман. Бировнинг буюми...

Унинг қайсарлиги Шакиров билан Ханнинг қонини «қайнатди». Хан қирқма милтиғини ўқталаб «Отиб ташлайман» деб дўқ урди. Кейин иккаласи «меҳмон»га ташланиб, бир зумда оёқ-қўлларини боғлашди. Сўнг сочиқ билан димиқтириб ўлдиришди. Жонсиз танани икки буқлаб, чойшабга ўрашди, чилвир билан маҳкам боғлашди. Шу орада Ханнинг хотини Татьяна келиб қолди.

– Эшик олдида турган нарса нима ўзи? – сўради у.

Хан номаълум киши билан ўғирликка тушганларини, ўзларига видеомагнитофонни қолдириб, ҳалиги «буюм»ларни кўчада кутиб турган шерикларига олиб чиқмоқчи эканликларини айтди.

Бироздан сўнг, қўшнининг велосипедида жасадни ахлат уюмларига олиб бориб ташлашди. Қайтиб кетишгаётганларида Шакировнинг назарида Ўсаровнинг гавдаси қимирлагандек туюлди. Чўнтагидан пичоғини чиқариб, унинг елкасини мўлжаллаб бир-икки санчиб олди...

Қотиллар видеомагнитофонни қўлга киритганларидан мамнун эдилар. Улар фоҳиша аёллар, зўравонлик, ур-йиқит тўғрисидаги фильмларни «мириқиб» томоша қилишди, турли кишиларга фильмлар кўрсатиб, анчагина пул ҳам ишлаб олишди.

Кейинчалик Шакиров видеомагнитофонни ўзи билан олиб кетиб, Янгибозор қўрғонида бировга 23000 сўмга пуллаб юборди.

Қотиллик

Экранда ғирт яланғоч аёл кўринди. Сигарета тутуни ва ароқнинг нохуш ҳиди билан тўлган хонада ўтирган маст-аласт кишилар экрандан кўзларини узишмасди. Кимдир: «Зўрлигини қаранг, ёндиради-я!», деди. Бироздан сўнг, ваҳшийлашган одамлар бир-бирларини савалаб кетишди. Уларнинг қонга беланган башараларини кўриб, Хан билан Шакиров пинакларини ҳам бузишмасди.

Одамлар тарқаб кетишгач, С. Смоляков деган киши пул ишлаб олишнинг бошқа йўли борлигини айтди. Хан қизиқиб қолди.

– Одам ўлдириш бизга ҳеч гап эмас, – деди у. – Фақат кўп пул топилса бўлди...

С. Смоляков Ханга «Внешторг» чекларини қўлга киритиш лозимлигини, бунинг учун шахсан ўзи 50 минг сўм тўлашга розилигини айтди.

Элик минг сўм дарагини эшитган Вячеслав Хан оромини йўқотди. У ҳийла ишлатиб, Смоляковни лақиллатишни режалаштирди. Шу мақсадда тоза қоғозлардан 50 сўмлик ҳажмида тахлам тайёрлаб, ҳар бирининг ости ва устига банк билетларини қўйди.

Хан Байрам Йўлдошев билан маслаҳатлашиб, Смоляковни ўз уйига таклиф қилди.

– Пулни олиб келдингми? – сўради у. – Ҳа, 50 минг сўм ёнимда турибди. Чекларинг қани?

Хан жавоб ўрнига қирқма милтиғини яшин тезлигида олиб, унга тўғрилади: «Қани, яхшиликча, пулларингни стол устига қўй!»

Смоляков кўнмади. Шунда Хан ҳужумга тайёрланиб турган Байрамга буюрди:

– Оёқ-қўлларини боғла. Энди ўзидан кўрсин.

Байрам Смоляковни йиқитиб, боғлаб ташлади. Хан қўлидаги сиртмоқнинг бир учини шеригига бериб, бошқа учини қўлига ўради. Арқон икки томонга қаттиқ тортилди. Смоляковнинг кўзлари катталашди, гавдаси қаттиқ

типирчилади. Инсонийлик қиёфасини йўқотган икки ваҳший унинг жон аччиғида азобланаётганига бепарво қараб туришарди. Салдан кейин жонсиз тана полга чўзилди. Унинг кийимлари, пулларини шилиб олишди.

Жасадни чойшабга ўраб, бировнинг арачасида Маданият институти ҳудудига олиб боришди. Наридан бери қазилган чуқурга Смоляковни ташлаб, устини текислаб юборишди...

Иблис қиёфасидаги одам. Шериклари Вячеслав Хани шундай деб аташарди. Чунки у ҳеч нарсадан қайтмас, «қурбон»ларининг азобланишидан роҳатланарди.

Ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмаган Хан Тошкент автомобиль йўллари институтини битириб, мутахассис бўлмоқчи эди. Бироқ ўқишни иккинчи курсдан ташлаб кетди. Бир корхонага ишга жойлашди. Тўғриси айтганда, ёмон ишламасди, ойлиги ҳам ўзига, оиласини тебратишга етарди.

Уни «шайтон» йўлдан урди. Бу «шайтон» Вячеславнинг мол-дунёга, меҳнатсиз даромад топишга ўчлиги эди. Шубҳали дўстлар орттирди. Улар орасида панжара ортида тажрибали бўлиб қайтганлари ҳам бор эди. Бундан ташқари, кундалик маишат, ароқ, коньяклар учун пул керак. Ўзингиз биласиз, фақат ойлик билан Худоёрхондек даврон суриш мумкин эмас. Корхонадаги ҳамкасбларининг кўпчилиги ҳар йили курорт, санаторийларга боришар, оила аъзолари билан саёҳатларга чиқишарди. Уларнинг «камтарона» ҳаётлари Ханга ёқмас, эртаклардагидек бой-бадавлат бўлгиси, одамлар устидан ҳокимлик қилгиси келарди.

Шу-шу, унинг ичидаги «шайтон» – мол-дунё васвасаси авжга чиқди. Хан қисқа вақт ичида кўп ўғирликлар қилди, одамларни ўлдирди. Ҳатто ўзи ишлаётган цех ишчиларининг буюмларини ўмаришдан ҳам тортинмади. У профессионал ўғри, қотилга айланди. Қаерга бормасин, кўзлари олма-кесак терар, кишиларнинг ҳамёнларини хаёлан чамалаб кўрарди.

Хан хотин-халажларнинг гап-сўзларига кўпроқ қулоқ соларди. Улар кимнинг хотини қандай қимматбаҳо буюм ёки тақинчоқ сотиб олганидан тортиб, уйларидаги ҳашамларигача қолдирмай айтишарди. Вячеслав ана шу гап-сўзларидан тегишли хулоса чиқариб, ўғрилиқ режаларини тузарди.

Бир куни унинг уйига таниши Т. Захарова деган аёл меҳмон бўлиб келди. У гап орасида катта Миробод кўчасида яшовчи О. Халимова қимматбаҳо қадимий тақинчоғини сотмоқчи бўлиб юрганлигини айтди.

– Жуда қиммат турса керак-а? – ҳовлиқиб сўради Хан.

– Бунақа тилла буюмлар арзон турмайди...

Кеч соат ўнларда Хан уйқу дори солинган шампан виноси, ароқ ва коньяк олиб Халимоваларникига борди. Уй бекаси дарров қўшниси Т. Захаровани чақириб чиқди. Бир зумда стол тузатилди. Ичкилик мияга урилиб, салпал қизиби олишгандан сўнг Хан шундай деди:

– Қўшнингиз тилла тақинчоғингизни сотмоқчи эканингизни айтиб қолди. Ўзингиз биласиз, ҳозир ёмон одамлар кўп. Бир кечада тинчитиб кетишлари мумкин. Шунинг учун нақд пулга сотиб оладиган харидор топдим...

– Вой, раҳмат сизга, – қувониб кетди Халимова. – Қанчага оларкан?

– 120 минг сўмга. Лекин хизмат ҳақимизни унутманг. 90 минг сўми сизга, ўн минг сўми воситачилик қилганлиги учун Захаровага, 20 минг сўми менга тегади.

Қадаҳлар пайдар-пай бўшатилаверилди. Хан сезиб турибди: уй эгаларининг уйқулари келаяпти. Захарова келини ва ўғли билан чиқиб кетгач, Вячеслав Халимовадан шу ерда ётиб қолай, деб илтимос қилди. У рози бўлди. Хан ярим кечагача кўз юммади. Уй эгаларининг дори таъсирида қаттиқ уйқуга кетганларига ишонч ҳосил қилгач, «ишга» киришди: тилла тақинчоқ ва бошқа қимматбаҳо буюмларни чўнтагига жойлади. Жиноятини яшириш

мақсадида газни бураб очди, деразаларни маҳкамлади. Одеядли тутатиб, болалар хонасига ирғитди...

Халимов ярим кечада газ ва тутун ҳидидан уйғониб кетди. Зудлик билан газни беркитиб, деразаларни очди. Эр-хотин «меҳмон» уларни лақиллатиб кетганлигини сезишди.

Ким билади, Хан қимматбаҳо буюмларни йиғиштираётган пайтда уй эгаларидан бирортаси уйғониб қолганда даҳшатли фожиа рўй берармиди? Чунки ашаддий қотил ҳеч нарсадан қайтмас, оила аъзоларининг ҳаммасини ўлдириб кетишдан ҳам тоймас эди.

Муттаҳам

Халқимизда «Қозонга яқин юрсанг қораси юқар, ёмонга яқин юрсанг балоси», деган нақл бор. Кабан ҳам ёмонлардан барча иллатларни юқтириб улгурган эди. Дўстлари билан учрашганда фақат бир нарсани маслаҳатлашарди: қандай қилиб кўпроқ пул топиш мумкин?

Баъзан биз жиноятчиларни қоралаймизу лекин уларни шу йўлга бошлаган, рағбатлантирган кишиларни унутиб қўямиз. Бундай одамлар ўзларини мусичадек беозор кўрсатишади, турмуш қийинчиликларини айтиб, обидийда қилишади.

«Шимоли-шарқ» мавзеидаги 25-уйда турувчи Ф. Дафина ҳам ана шундай содда муғомбирлардан эди. У Игорнинг уйига келиб, меҳмон бўлди. Ичкиликдан тортиб, «қизишиб» олгач, шундай деди:

– Мен сизларга янги иш топиб келдим. Уйимдаги ижарачиларни тунайсизлар...

– Талабалардан нима ҳам чиқарди, – шубҳаланди Игорь.

Ф. Дафина талабаларда қимматбаҳо буюмлар кўплигини айтиб, ўғриларни қизиқтирди, унинг улушини ҳам унутмасликларини эслатиб қўйди.

Қирқма милтиқ ва пичоқ билан қуролланган Игорь ва Байрам белгиланган соатда келишди. Олдиндан огоҳлантирилган Ф. Дафинанинг қизи ўғрилари ичкарига киритди. Улар талабалар хонасига тўсатдан бостириб киришиб, Х. Қувондиқовнинг оёқ-қўлини боғлашди.

– Бор пул-буюмларингни айт? – ўдағайлади Игорь.

Байрам таржимонлик қилиб турди. Шундан кейин босқинчилар Қувондиқов, Йўлдошев, Худойбердиевга тегишли пул, буюмларни олиб, кўздан ғойиб бўлишди. Худди шу пайтда Игорнинг хотини В. Сон ва С. Чеглакова пастда, йўлак ёнида суҳбатлашиб ўтиришарди. Шериклар Светлананинг квартирасида ўз «улуш»ларини ажратиб олишди.

Сўзимиз аввалида Игорь Кабанны хавфли жиноятчилардан дегандик. Ҳа, у шундай разил, муттаҳам одам эдики, бировнинг яхшилигига фақат ёмонлик билан жавоб қайтарарди. Аслида инсоф, ор-номус деган тушунчаларни умуман тан олмасди. У қўшниси В. Ларкинанинг уйини «капитал тозалаш»дан ўтказаетганда шериклари билан қўлга тушдилар.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Вячеслав Хан, Игорь Кабан ва шерикларининг ишини кўриб чиқди. Улар ва бошқа жиноятчилар ҳам қилмишларига яраша турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

Шайтон васвасасига тушган жиноий тўданинг фаолияти ана шу тарзда барҳам топди.



БЕНЗОКОЛОНКАДАГИ ОЛИШУВ

Шу куни «Фунча» кўчасидаги ёқилғи қуйиш шохобчаси одатдагидан гавжумлашиб кетди. Машиналар сигнали, ҳайдовчиларнинг бақир-чақиригидан қулоқлар қоматга келади. Баъзилар безбетлик билан навбатга суқилади. Навбатда турган С. Мирбобоев ҳам кутишдан обдон чарчади шекилли, дам-бадам соатига қараб «уф» тортади. Навбати келгач, «пистолет» жўмрагини чаққонлик билан қўлига олиб, машинасининг баки оғзига тутди. Тирбандликдан асаби таранглашган одамларнинг шовқин-сурони орасида бензиннинг бак тубига қуйилаётгани эшитила бошлади. Сўнг Мирбобоев бир неча кунлик ташвишдан қутулгани учун атрофга боқиб, навбатда турган машиналарга кўз қирини ташлади. Орқароқда турган рақамсиз қизил «Жигули»га кўзи тушди-ю, безовталаниб қолди.

Бензобакнинг қопқоғини ёпиб, кабинага ўтирар экан, гумони янада кучайди. Машинасини шоҳобчанинг четроқ жойига олиб боргач, рақамсиз қизил «Жигули»га яна бир бор кўз ташлади. «Худди ўша, – деди энди у қатъий. – Бошлиғимиз Қодир Саҳобовнинг йўқолган «Жигулиси»-ку!».

Мирбобоевни қандайдир бир куч машинага яқинлаштирди.

– Йигитлар, бу машинанинг ҳужжатлари борми? Бўлса, бир кўрсак, – дея эшикдан бошини ичкарига суқди.

– Нима, жинни-пинними бу одам, – деб зўрма-зўраки тиржайишди машинадагилар.

– Очиғини айтсам, бу машинани бир дўстим қидириб юрибди, жон йигитлар, ташлаб кетинглар! – деб ялинишга тушди Мирбобоев.

– Бор, йўқол, тошингни тер, – деб ғижинди машинадагилардан бири.

Безориларга гап кор қилмаслигини сезган С. Мирбобоев эпчиллик билан машинанинг чамбараги остидаги панелга уланган симлардан бир нечтасини юлиб ташлади. Машинадагилар худди шуни кутиб тургандек ғазаб билан унга ташландилар. Пастга тушиб, Мирбобоевни роса дўппослашди. У зўрға бензин қуювчилар хонасига қочиб, яширинди. Мирбобоевга ёрдам беришга ҳеч кимнинг юраги бетламади.

Безорилардан биттаси қўлига пичоқ ушлаб олган эди. У шерикларига бақирди:

– Майли, юринглар, дўстининг машинаси унга сийлов, уники эса бизга... Қани кетдик. Машина ўғрилари айтганларини қилдилар. Рақамсиз қизил «Жигули»ни қолдириб, С. Мирбобоевнинг чеккада турган «ВАЗ-2101» маркали машинасига ўтирдилару кўздан ғойиб бўлдилар...

Эрталаб жиноят қидирув бўлими хоналаридан бирида телефон жиринглади. Ўрта бўй, қотмадан келган йигит гўшакни кўтарди.

– Катта инспектор навбатчи Ҳайдаров эшитади.

– Киноконцерт зали орқасидаги Мадраса яқинида бир «Жигули» ёниб ётганмиш...

– Тушунарли. Ҳозир оператив гуруҳ етиб боради.

Ҳайдаров гўшакни қўйгач, инспектор Аҳмаджон Шукуровни чақирди.

– Навбатчи қисмдан қўнғироқ қилишди. Киноконцерт зали яқинида бир машина ёнаётганмиш. Эгасиз экан...

Ҳозироқ милиция мактабидан малака оширишга келган икки йигитни олиб, зудлик билан ўша жойга етиб боринг!

Катта инспектор тез ёрдам гуруҳини жўнатгач, автомобиль олиб қочишга оид материалларни кўздан кечира бошлади. Бирдан хаёлига чақмоқдек фикр урилди. «Қизиқ, кечаги олиб қочилган машина шу эмасмикан?». У шундай деб ўйлаши билан телефон жиринглаб қолди.

– Уртоқ катта инспектор, етиб келдик, – гўшақдан Шукуровнинг овози эшитилди. – Машинани атайин ёқиб юборишганга ўхшайди. Аниқлашимча, «ВАЗ-2101» маркали ҳаворанг «Жигули» экан.

– Автомобиль у ерда қачон пайдо бўлганини аниқланг. Кўрганлар бордир. Атрофдаги хонадонлардан суриштириш керак. Мен ҳозир етиб бораман.

Ҳайдаров ҳодиса рўй берган жойга етиб борганида қоп-қорайиб кетган «скелет машина»нинг атрофини одамлар ўраб олишганди.

– Томоша бўлса бас, буларга, – Ҳайдаров одамларни тарқата бошлади.

Кўп ўтмай ёнган машинанинг дарагини эшитган Мирбобоев ҳам етиб келди. У ўз «Жигули»сини таниди. Кечагина тойчоқдек миниб юрган машинасининг шу аҳволга тушганидан ўксиниб, ранжиб, ўзини койиб, қорайиб кетган кузов атрофида гир айланарди.

Ҳайдаров уни аста четга тортди. Кеча машинани олиб қочишда нечта киши қатнашганини, улардан бирортасини илгари кўрган-кўрмаганини суриштирди.

– Уларнинг иккитасини «Халқлар дўстлиги» кўчасидаги метронинг устки бекати олдида кўргандайман.

– Кўринишларини эслай оласизми?

– Бири ўрта бўйли, оқ-сарикдан келган. Иккинчиси – қорамағиз, новча, кўзлари ўйнаб туради...

Ҳайдаров учун бу маълумот айтиш муддао бўлди. У ҳамкасби Шукуровнинг ёнига келиб: «Бу ерда биз қиладиган иш қолмади, метро бекатига кетдик», деди.

Улар бекат атрофида бир неча соат айланиб юришиб, ҳеч бир шубҳали одамга дуч келишмагач, ноилож орқага қайтишди.

Лекин ўздан ҳеч қандай из қолдирмаган ўғриларни топиш учун бу ердаги кузатувни давом эттириш керак эди. Эртаси куни улар катта йўлни кесиб ўтиб, енгил автомобиллар сотиладиган дўкон ёнига юришди. Бино соясида ўтириб, ўтган-кетганга бежо кўз билан қараб қўяётган икки кишига эътибор беришди. Булар гумон қилинаётган жиноятчиларга жуда ўхшаб кетар эди. Уларни чўчитиб юбормасдан, бўлимга олиб бориш керак эди. Йигитлар «ҳийла» ишлатиб, бунинг уддасидан чиқишди. Шубҳали икки йигитни туман ички ишлар бўлимига олиб боришди. Жиноят қидирув бўлими бошлиғининг ўринбосари ҳам шу ерда экан. У бошчилигида ўтказилган дастлабки сўроқдан бирор натижа чиқмади. Қўлга олинган Равил Гумондинов ҳам, Баҳром Бозоров ҳам машинани олиб қочишда қатнашганликларини инкор этдилар.

Катта инспектор туман ички ишлар бўлими ходимларидан жабрланувчи С. Мирбобоевни чақириб келишни сўради. Қўлга олинганларни у билан юзлаштириш лозим эди.

Мирбобоев куни кеча бензин қуйиш шохобчасида ўзини дўппослаб, машинасини олиб қочган Р. Гумондинов билан Б. Бозоровни дарҳол таниди.

Жиноят қидирув бўлими ходимлари вақтни ўтказмай, уларнинг уйларини тинтув қилдилар. Тинтув пайтида дастлабки далилий ашёлар топилди. Р. Гумондиновнинг уйдан ёқиб юборилган автомобиль эгаси С. Мирбобоевнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси ва машинанинг техник паспорти чиқди.

Катта инспектор Ҳайдаров бошқарма бошлиғига қўнғироқ қилиб, калаванинг учи топилганини айтди.

– Далилий ашёни топганингиз яхши бўлибди. Сўроқни давом эттиринг, – деди полковник. – Лекин ишни тезлаш-

тириш керак. Гуруҳингизга нима ёрдам зарур бўлса, тортинманг...

Бошлиқнинг маслаҳати, айниқса, «ёрдам зарур бўлса, тортинманг» дейиши Ҳайдаровни руҳлантириб юборди. Жабрланувчи билан юзлаштириш ва топилган далилий ашёлар ишнинг бир оз силжишига сабаб бўлди.

– Қизил «Жигули» кимники эди? – деб Гумондиновдан сўради Ҳайдаров.

– Узимизники.

– 30 май куни 15-шаҳар касалхонаси ёнидан ўғирлаб кетгансиз... Шундай эмасми?.. Бензин қуйиш шохобчасига келганингизда уч киши эдингиз. Хўш, учинчингиз ким, ҳозир у қаерда?

– Унинг бунга алоқаси йўқ, – деб гапни бурмоқчи бўлди Р. Гумондинов.

– Майли, алоқаси бўлмаса ҳам исмини айтинг, – деди Ҳайдаров унга диққат билан тикиларкан.

– У бизга сал-пал таниш. Йўлда у бизни кўриб қолди, машинага чиқариб олгандик.

– Исми?

– Бизга ўзини «Қозоқ» деб таништирган, асли исмини билмаймиз.

– Чалғитманг, Гумондинов? Яхшиси, «Қозоқ»нинг манзилини айтинг.

– «Паркент» бозори яқинидаги тор кўчада Акронинг опаси яшайди. Манзилини аниқ билмаймиз.

– Қайси Акроннинг?

– «Қозоқ»нингда.

Бу савол-жавобдан маълум бўлдики, учинчи безорининг исми «Қозоқ» ҳам, «Акром» ҳам эмас. Қўлга тушганлар ўз шерикларини айёрлик билан яширмоқдалар. Булар биргаликда бошқа жиноятлар ҳам қилишган бўлишса ажаб эмас. Улар бошқа жиноятларининг очилиб қолишидан чўчишяпти. «Акром» дегани балки «Икром»дир?..

«Ҳар ҳолда «Ақром» ёки «Иқром» исмли йигитнинг опасини излаб топиш керак», деб хулоса чиқарди Б. Ҳайдаров.

Ички ишлар бўлими ходими М. Жалилов Ҳайдаровга ёрдам берди.

– Биз укангизнинг яқин ўртоқларимиз, – деди у «Ақром»нинг опасига. – Унда зарур ишимиз бор эди.

Фуқаро кийимидаги милиция ходимларининг укасининг ўртоқлари эканига тўла ишонган аёл бирдан сайрай кетди:

– Укажоним, топармон-тутармон бўлиб кетган, энди мени кам йўқлайди. Хуршид кўчасида яшайди. Ҳа, борсанглар, мендан салом айтинглар.

Ҳайдаровнинг тахмини тўғри чиқди. Қидирилаётган учинчи йигитнинг янги исми пайдо бўлди «Иқром». Лекин унинг асли исми Бакирхўжа экан. Ҳайдаров шундай хулосага келди: «Демак, Бакирхўжа илгари ҳам жиноий ишлар билан шуғулланган. Опасиникида яшириниб юрган. Бугун уникида йўқ. Балки уйига келгандир. Шошилиш керак».

Ҳайдаров участка инспектори, милиция майори Ҳ. Муҳаммедов ва яна бир ҳамкасбини олиб, Бакирхўжанинг уйига борди. Соат кечки ўн бир эди. Онаси чиқди. У ўғли кечки соат тўққизда поезд билан Қаршига кетганини айтди.

«Наҳотки, қочишга улгурган бўлса? Балки поездга кечиккандир. Мингдан бир имконият – бахтли имконият, дейдилар-ку! Ҳар эҳтимолга қарши, вокзални айланиб чиқиш керак».

Ҳайдаров хаёлига келган фикрни ҳамроҳларига айтди. Улар маъқулладилар. Вокзалга етиб боришганда поезд аллақачон кетиб қолган, «шаҳар дарвозаси» бу ерга келаётган ва кетаётганлар билан одатдагидек гавжум эди. Кириш залидаги ўриндиқларда бўш жой йўқ. Ҳайдаров билан Муҳаммедов поездни кутиб, мудраб

ўтирган йўловчиларга ҳорғинлик билан назар ташлашди. Кун бўйи из қувиб юриш уларни толиқтирган эди. Энди бу ердан чиқиб кетишмоқчи бўлиб орқага бурилишган эди ҳамки, Муҳаммедов шеригининг биқинига тирсаги билан оҳиста туртиб, бурчакка ишора қилди:

– Чеккадаги устунга суяниб мудраётган йигит Бакирхўжа.

Ҳайдаров ялт этиб ўша томонга қаради: «Ўша». Бир зумда ўзини енгил ҳис этди. Бакирхўжани қўлга олиб, бошқармага етиб келишганда тун яримдан оққан эди...

Вокзалдан қайтиб келгач, Ҳайдаров тонггача ишлашга аҳд қилди. Аввал туман ички ишлар бўлими билан боғланиб, улар Бакирхўжани нега қидираётганликларини сўради. Яқинда Арпапоя кўчасида босқинчилик рўй бергани, бунда Бакирхўжа ҳам қатнашганлиги гумон этилаётганини эшитиб, қошлари чимирилди.

Аслида воқеа бундай бўлганди.

Арпапоя кўчасининг «Кўсак» деб аталувчи тор кўчасида яшовчи Р. исмли кишининг ҳовлисига бир йигит кириб, «Фалончи ака шу уйда яшайдими», деб сўрайди. Уй эгасининг ҳовли супуриб юрган қизи «Йўқ», деб жавоб беради. Бироздан кейин бояги йигит яна икки-учта шериги билан кириб келиб, қизга пичоқ ўқталиб қўрқитади:

– Пул ва тилла буюмларни олиб чиқ!..

Уни судраб ичкарига олиб киришади. Қизнинг отаси залда ухлаб ётган эди. Уни ҳам уйғотиб, пичоқ тираб, қимматбаҳо буюмларини топиб беришни талаб қилишади. Ўғрилар қўлларига тушган буюмни олиб чиқиб кетадилар.

Ҳайдаров бу босқинчиликда қатнашганларнинг юз тузилишларини сўради. Хаёлан уларнинг кўринишларини ҳозирча қўлга олинган Равил, Баҳром, Бакирхўжага таққослаб кўрди. «Баҳром билан Равил ҳовлига кирган бўлиши мумкин. Бакирхўжа эса кўча эшик олдида пойлоқчилик қилиб турган бўлса ажаб эмас...»

Катта инспектор телефонда гаплашаётганда Бакирхўжа хонанинг бир бурчагидаги стулда бепарво ўтирар, инспектор А. Шукуров унинг Қаршига нима учун кетаётганини суриштирарди. У жавоб бераркан, бу ерга нима сабабдан олиб келганларини билишга қизиқиб, телефонда гаплашаётган чуваккина катта инспекторга қараб-қараб кўярди. Катта инспектор ҳам диққат билан унга разм сола бошлагач, кўзини олиб қочди. Лекин тўсатдан берилган саволни у кутмаган эди, шекилли, бир нафас жим қолди.

– Тушунмадим! – деди. Лекин у саволни яхши тушунган, нима деб жавоб қайтаришни ўйлаётганди.

– Сиз, яқинда Арпапоя кўчасининг «Кўсак» тор кўчасида бўлганмисиз? – деб саволни такрорлади катта инспектор.

Бу пайтда бошқармада ходимлар кам қолган, сўроқ бераётган ўғри буни сезиб турар, инспекторнинг кўлидаги соатга дам-бадам қараб, вақт ҳам алламаҳал бўлганлигини ҳам билиб олганди. Ҳатто бу ердан йўлини қилиб чиқиб кетиш мумкинмикан деган хаёлга ҳам борганди. Айниқса, ёнидаги қизил духоба сумкасига ҳеч ким эътибор бермаётганидан ич-ичидан қувонди. Унинг ичидан нима борлиги ҳозирча фақат ўзига аён эди-да.

«Қўлимни чўзсам оладиган жойда турибди. Сўроқ қилаётганлар чарчаган. Иккови ҳам чуваккина, самбочи бўлишса керак ёки каратэчимикан... Алпомиш бўлганда ҳам, барибир, чарчаган. Икки кундан бери ухлашмаган кўринади. Ҳа, бизни қидиришган. Йўлини қилиб чиқиб кетишга уриниб кўрсаммикан? Бунинг учун уларнинг саволларига тўғри жавоб қайтариш керак. Шунда ҳеч нарсадан шубҳаланмай, ҳушёрликни йўқотишади».

Унинг ҳаёлини яна инспекторнинг босиқ овози бўлди:

– Саволни яна қайтарайми?

– Йўқ, йўқ. Сизни тушундим. Ҳа, уйга кирганмиз, лекин ҳеч нарса олмагандик.

– Кимлар билан?
– Равил, Баҳром бор эди, – деб лўнда жавоб қилди у.
– Ўтган куни «Фунча» кўчасидаги бензоколонкада-чи? Бакирхўжа шундай савол беришларини кутган бўлса ҳам, бироз иккиланди. Кейин «Ким айтди?» деб сўради.

– Равил билан Баҳром айтди.

– Улар ҳам шу ердами?

– Албатта...

– Ундай бўлса, гапдан тонишнинг фойдаси йўқ. Ҳаммасини айтиб бераман. Аввал сумкамдан сигарета олиб, чекиб олсам майлими?

Ҳайдаров шундагина унинг ёнида турган қизил духоба сумкага эътибор берди. Ҳа, вокзалда ҳам шу сумка унинг ёнида турган эди. Ўшанда «Бу сумка кимники?» дейишганда «Меники!» деганди.

– Сигарета дейсизми? Ўзим олиб бераман, Ҳайдаров духоба сумка томон юрди. Сумка эгасининг ўрнидан қўзғалаётганини кўриб давом этди:

– Ўтиринг. Сигаретани ўзим олиб бераман. Ўтиринг, ўтиринг, уринманг! У духоба сумкани очди-ю, ҳаяжон билан унинг эгасига боқди.

– Ўҳ-у, бунга қаердан олгансиз?! – инспекторнинг қўлида узун ўткир тигли пичоқ ярқирарди.

У жавоб бермади. Шум нияти охири барбод бўлгач, унинг дадиллигидан асар ҳам қолмади. Сигарета беришди. У ножўя иш қилиб қўйиб, дакки еган боладек тундлашган, қўллари, лаблари титрар эди. Кўп нарсани айтиб қўйганини сезиб, ўзини ич-ичидан койиди. Демак, энди суд бўлади... У суднинг қора курсисини кўз олдига келтирди-ю, тамом дегандек, икки қўли билан бошини чангаллади...



ХОНАКИ ТАБИБНИНГ ҚИЛМИШИ

Чиқиндихонадан мурда чиқди. Даҳшатдан ўтакаси ёрилаёзган ишчи жон ҳолатда ҳайдовчини чақирди... Милиция ҳам тезда етиб келди. Ковлаб олишди. Хушрўйгина жувон экан. Қулоғида тилла зираги ҳам бор. Аммо ёнидан бошқа нарса чиқмади. Шундай аянчли ўлим топган аёл ким бўлдикин? Унинг шахсини қандай қилиб аниқлаш мумкин? Дастлаб милиция ходимлари олдида ана шу савол кўндаланг турарди...

Туман ички ишлар бўлими ва прокуратураси иш юзасидан жиноий иш қўзғади. Тахминлар кўп эди. Бироқ, энг муҳими, мурданинг шахсини аниқлаш эди.

Бу иш юзасидан прокуратурага борганимда туман прокурори ва терговчилар калаванинг учини топиш режасини тузиб ўтиришарди...

– Хабар йўқми? – аста сўрадим...

– Йўқ, – деди прокурор. – Лекин калаванинг учи шу яқин ўртада турибди. Аммо мурданинг шахсини аниқлаш қийин бўляпти. Телевидениеда суратини кўрсатдик, рўзномаларда эълон қилинди. Ҳамма ички ишлар бўлимларига маълумот берилган...

– Топилиб қолади, – дедим уларга далда бериб. – Ахир ҳеч бир жиноят ер қаърига кириб кетмаган-ку! Мана кўрасиз эртагаёқ топилади. Балки телевидениеда яна бир бор эълон қилиш керакдир...

– Тўғри, ахир мурда суратда анча ўзгарган, балки қариндош-уруғлари кўрмагандир... Эртасига терговчи кўнғироқ қилиб қолди:

– Топдик, шахси аниқланди... Тергов давом этяпти...

* * *

Бир донишманддан энг кучли нарса нима деб сўрашганида, у «бу – номус» деб жавоб берган экан. Инсонда орият шу қадар кучлики, у ҳатто шармандалиқдан ўлимни афзал кўради. Саодат ҳам (исмлар ўзгартирилган) ёшлигидан ориятли қиз эди. Унинг ёшлик чоғлари Тошкентга туташ тоғли туманларнинг биридаги қишлоқда ўтди. Тоғнинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб ўсди. Қалби ҳам, муҳаббати ҳам ана шу тоғ ҳавосидек мусаффо эди. Мактабни тугаллаб, боғчада ишлай бошлади. Қалбидаги муҳаббатини ҳаммадан яширди. Гарчи у тоғ шалоласидек туғён урса-да, ички бир ҳис, андиша ундан устун турарди... Аммо, кунларнинг бирида у алданиб қолди. Севган, меҳр қўйган кишиси номард бўлиб чиқди, кўксига сиғмаган муҳаббати кулга айланди, қизлик номуси ерга букилди... Кунлар уйқусиз, оромсиз ўтарди... «Нима деган одам бўлдим, ота-онамнинг юзига қандай қарайман», деб оху нола чекарди. Гоҳо алданган муҳаббат нишонасига қўли тегиб кетса, даҳшатга тушарди. У эса, борган сари катта бўлиб борарди...

Нима қилиш керак? Боши қотиб қолган қиз охири дугонасига ёрилди... У эса, ҳеч кимга айтмасликка қасам ичди.

– Бизга Тошкентдан келиб ишлаб юрган Баҳром ака бор-ку, ўшаларнинг таниши бўлиши мумкин, – деб қолди дугонаси Фарида.

– Ҳа-я, тўғри айтасан... Икки дугона унга не хижолат билан ёрилди.

– Э, бўлмасамчи, – деди Баҳром – Тошкентда таниш врачим бор, беш минутда олиб ташлайди. Фақат пул керак-да...

– Э, майли қанча бўлса ҳам. Ҳозир гап пул устида эмас...

– Қанча керак?

– Эллик минг сўм.

– Бўпти. Кетдик бўлмаса...

* * *

Кечки пайт пойтахт кўчалари янада гавжумлашиб кетади. Ҳар бир йўловчига синчиклаб боқсангиз, юрагида бир дарди бор. Ҳозирда дардсиз одамни учратиш қийин. Мана, Эски Жўва бўйлаб уч киши боряпти. Саодатнинг ранги оқарган, заъфарон. Тезроқ ортиқча юқдан халос бўлишни истайди. Кимдир эса, унга ҳавас билан боқади, тирноққа зор. Яна бири унга эзгу тилак билдиради: «Омон-эсон қутулиб олсин-ей, бояқиш...» У эса, сўнгги кучларини тўплаб одимлайди. Эсон-омон тушириб олса, бас... Шармандалиқдан қутулади. У ёғи бир гап бўлар... Лекин у ўлимга бораётганини сезмайди, бу ҳақда ўйламайди ҳам... Инсон ўзининг хатти-ҳаракати, қилмиши билан ҳаёт чизиғига ўзи нуқта қўйишини биз фoфил бандалар ҳар доим ҳам ўйлайвермаймиз. Саодат ҳам шу ҳолатда борарди, ўлимга тик қараб бораётганини сезмасди ҳам, ҳали дунёга келиб «инга» дейишни истаб, ёруғ дунёга талпинаётган гўдаги ҳам кўзига кўринмасди...

– Мана, етиб келдик, – деди Баҳром. – Танишим шу уйнинг 35-хонадонида яшайди. Исми Ширин опа, доктор аввал қўнғироқ қиламиз. Уйдамикан?!

– Алло, Ширин опа, бу мен Баҳромман, бир иш билан келгандим.

– Тинчликми?

– Ҳа, эсингиздами, бирорта эри йўқ қизлар ҳомиладор бўлиб қолса, аборт қилишга ёрдам бераман, деган эдингиз, шунга бир танишимизни олиб келгандим...

Ширин бу борада, Саодат билан дугонасини қизи орқали уйга чақиртириб, аборт қилиш ҳақида гаплашиб олади. «Кечроқ телефон қилинглар, тўғирлаймиз», деб телефон рақамини беради. Шундан сўнг улар бир-икки қўнғироқ қилишади, у эса, «Бироздан кейин қўнғироқ қилинглар» дея галга солади. Бу орада кеч ҳам бўлиб қолганди. Саодатнинг дугонаси уйимда ёш болаларим қолган эди, мен кетдим, дея қишлоққа жўнаворилади. Иложсиз қолган Саодат ва Баҳром «хонаки табиб» Ширин опа билан сўнгги гаплашганида, «синглим 3–4 кундан кейин келинглар» деб жавоб беради. Шундан сўнг, яна Тошкентга келишиб, Ширин опани тополмагач, танишлари Тамараникида икки кун тунаб қолишади. Тамара Баҳромнинг опасининг қизи бўлиб, врач-гинеколог бўлиб ишларди...

* * *

У терговда гувоҳ сифатида қатнашди. Шундай ҳикоя қилади:

– Қиз менга ўзини Саодат деб таништирди. Ҳомилангиз қанча десам 3–3,5 ойлик деди. Кечаси бир хонада ётдик. Ечинаётганида ҳомиласига кўзим тушди. Иккита бандаж тақиб олган экан. Менга тахминан 6–7 ойлик бўлиб кўринди. Эртасига акушер-гинеколог врачга кўрсатдик. У тиббиётдан хабари бўлган киши эмасми, сизни аборт қилмайди, деб айтди ва махсус аппаратга тушиш учун йўлланма ёзиб берди. Аммо Саодат бизнинг гапга кирмади. Ширин опанинг уйига кетди. Эртасига кечки пайт Саодат менга телефон қилиб:

– Мен Ширин опанинг уйидаман, дориси ёмон экан, оғирлашиб кетяпман, – деди аранг. – Ширин опа дорига чиқиб кетган эди, – дея гўшакни қўйди. Мен «у ердан чиқиб кетинг» деганимча қолдим.

* * *

Аёл киши ҳомиладор бўлганида, айниқса, кўзи ёриётганда икки ўт орасида туради. У ўлим билан олишади. Аммо ҳозир Саодат ўлим билан эмас, балки номус, таҳқирланган номуси билан курашаётган эди... Лекин у она бўлишдек бахтга муяссар бўлолмади. У буни ўзи истамади...

Аммо тиббиётдан бутунлай хабари йўқ Ширин опа-чи?! Балки у ёлвориб келган қизга ёрдам бергиси келгандир... Балки пулга муҳтождир... Балки...

Келинг, яхсиси шошилмайлик... Суд ҳукми вожиб. Ҳамма ўз қилмишига яраша жазо топади.

* * *

Терговчига юзландим. – Сиз шу соҳада кўп йиллардан буён ишлайсиз. Бундай ишни биринчи бор учратаётган бўлсангиз керак. Эсласам, юрак эзиляпти.

Рустам ака оқ оралаган сочларини икки қўли билан бир силаб олди-да, ҳикоя қила бошлади:

– Аввало Ширин опанинг ҳам маънавий, ҳам расмий аборт қилишга ҳеч ҳаққи йўқ. У ҳеч қандай тиббий маълумотга эга эмас экан. Бор-йўғи 8-синфни тугатган. Ҳеч қаерда ишламайди. 5 та боласи бор. Муқаддам судланмаган.

Лекин нафс балоси бор экан, инсон ўзини ўтга-чўққа урар экан. Ширин опа ҳам ўз нафсининг бандаси. 50000 сўмга келишгач, Саодат Баҳром билан Ширин опанинг уйига келади. Ўша куни кинотеатрга кинога ҳам тушишади. Баҳром Саодатни ташлаб кетаётганида опандан бир литр ароқ келтиришни сўрайди.

– Ароқ нима учун керак? – деганида, абортга керак деб айтади. – Икки-уч кундан сўнг хабар оласан, – деб таъкидлайди Ширин опа Баҳром чиқиб кетаётганда.

У шундай деди-ю, бир хўрсиниб қўйди. Биламан. Терговчи бу мудҳиш воқеа тафсилотидан ич-ичидан эзи-

лаётган эди. Одатда, ҳуқуқшуносларнинг сочи барвақт оқариши ҳам шундан бўлса ажаб эмас...

Хонаки табиб ишга киришади. Суд тиббий экспертизасининг хулосасига кўра, жабрланувчи Саодатни ғайриқонуний аборт қилишга уриниб, заҳарли модда ишлатади. Натижада Саодатнинг соғлиги оғирлашади... Азобга чидай олмай оламдан кўз юмади.

Ҳа, бир «хонаки табиб»нинг қўлида икки киши – она ва бола ҳалок бўлди. Улар ҳали яшаши мумкин эди... Аммо тақдири, қисмати шу экан... Ножўя босилган бир қадам мудҳиш воқеага сабаб бўлди. Саодатнинг ушалмаган орзулари бу дунёда эгасиз қолди.

Мен шу ерда ҳикоямга нуқта қўймоқчи эдим. Лекин ички бир нидо азиз китобхонларга воқеанинг кейинги тафсилотини ҳам айт деяётгандек.

Келинг, яхшиси, гувоҳ – Саодатнинг таниши, воқеа иштирокчиси Баҳромнинг гапини эшитайлик:

– Мен Саодатни ташлаб кетган куним эртасига Ширин опага телефон қилдим. У эса, «Қаерларда юрибсан, тез кел» деди. Борсам, «Олиб келган қизингнинг соғлиғи яхшимиди?» – деди. Дориларни кўтаролмай ўлиб қолди. Бизни тез дугонасиникига олиб бор, уни огоҳлантириш керак, акс ҳолда ҳаммамиз тамом бўламиз, деб ёлворди.

Сўнг қишлоққа йўл олдик. Дугонасини топиб, Саодат сирка ичиб ўлди, деб айтдик. Ширин опанинг акаси «Агар бирор кишига айтсаларинг кўрасанлар, мен 15 йил ўтириб чиққанман, менга ҳаётнинг қизиғи йўқ», деди. Сўнг қайтиб келдик. Мен Ширин опаникида қолдим. Кечаси бир «Москвич»ни топиб келишди. Ширин опанинг эри билан жасадни унга ортиб гаражлар олдидаги ахлатхонага ташлаб кетдик. Ширин опа менга Саодатнинг кийимларини бериб, ёқиб ташлашимни айтди. Мен Ширин опанинг онасини уйда кийимларини ўчоққа ёқиб ташладим. Сумка ва оёқ

кийимларини ахлатхонага ташладим. Бу ер нонвойлар тандирнинг қўрини ташлайдиган жой эди. Улар ҳам ёниб кетган. Кейин, бир оз вақт ўтгач, мени милиция бўлимига чақиртиришди... Бор гап шу...

Сўнг суд бўлди. Судья бу жиноий ишни бир неча кун миридан сиригача кўриб чиқди. Ўнлаб гувоҳлардан воқеа ҳақида сўралди. Ҳамманинг айби адолат таразусига солинди. Суд «хонаки табиб»ни қилмишига яраша жазолади...



АДАШГАНЛАР

*ёхуд бойлик деб ўзини «қулликка» топшираётган
кимсалар ўзга юртда султон бўлолмайди...*

Ҳозирда чет элга иш истаб, пул, бойлик қидириб кетаётганларни кўриб, хаёлимдан яна бир гап ўтади: «Инсон учун на давлат, на салтанат, на тожу тахт, ҳеч бир нарса ватанга, эл-юрт меҳрига тенг келолмайди».

Инсон ўз Ватанида ҳам бойиши, яхши яшаши мумкин. Бунинг учун астойдил меҳнат қилмоқ, ўз касбини ардоқламоқ лозим. Ўткинчи қийинчиликларни рўқач қилиб, енгил ҳис-туйғу, саробдек орзу-ҳавасларга берилиб яшаш охир-оқибат яхшиликка олиб келмайди. Ватандан жудо бўлиш инсон учун энг катта бахтсизликдир. Инсон истаган жойда бир парча нонга қорнини тўйғазиши мумкин. Ватаннинг ўрнини эса, ҳеч нарса босолмайди.

Агар тарихга назар ташласак, одамларни хўрлаб, қул қилиб ишлатиш, улардан худди буюм каби фойдаланиш, эрк ва инсоний ҳуқуқларини поймол этиш, уларни ёллаб, пул топиш, бойлик орттириш ҳоллари мавжуд. Кўпгина Европа мамлакатларида одамларни ёллаш, ўғирлаш жинояти эса, азалдан маълум. Ушбу жиноят тури орқали катта маблағлар ишлаб топилади. Сўнги йилларда ҳою-ҳавасга берилган, айрим

енгилтак, хом фикрлаб, хом ўйловчи ҳамюртларимизнинг хорижда меҳнат қилишлари ҳам одатий бир ҳолга айланиб қолди. Бироқ, унинг юзага келиши миллат қайғуси ва аянчли аламдир. Ўзига хос маданиятимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз шаклланган давлатда ушбу жинойт турининг мавжудлиги одамларимиз ўртасидаги қадр-қимматга, инсонийликка, оқибатга путур етказди. Минг афсуски, «узоқдаги қуйруқ» яхши деб, ана шу туйғуларни оёқости қилаётган юртдошларимизнинг борлиги ғоят ачинарли, албатта. Одамларни ноқонуний ишга ёллаш жинойти республика-мизда расман тан олингандан сўнг унинг илдизига болта уриш, юртдошларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб масалага айланди.

Бироқ у ёки бу кишининг Россия, Қозоғистон, Туркия, араб давлатлари, Жанубий Корея ва ҳатто АҚШда ишлаётганлиги ҳеч кимни ажаблантирмай қўйди. Сўнгги йилларда меҳнат миграцияси амалга оширилаётганлиги ва унинг натижасида ижобий жараёнлар ҳам кечаётгани сир эмас. Бироқ, минг афсуски, мазкур босқичдан инсонлар савдоси билан шуғулланувчилар «унумли» фойдаланишмоқда. Ўз ҳуқуқини билмаган айрим ватандошларимиз бундай «одамфурушлар»нинг тузоғига осонгина илинмоқдалар.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Андижон шаҳрида яшовчи А.К. 15 нафар фуқарони иш билан таъминлаш мақсадида Россиянинг Находка шаҳрига олиб бориб, ўз юртдошларини 25000 АҚШ долларига пуллаб юборган. Фуқаро Ж.К. эса, 5 нафар фуқарони Қозоғистон Республикасида 1800 АҚШ долларига сотиб юборди.

Косонсойлик Н.А. Россия фабрикаларида тикувчилар жуда зурур эканлигини, ойига 500 АҚШ доллари миқдорида маош тўлашларини айтиб, бир неча кишини ишга жалб қилади.

– Мени ва косонсойлик тикувчиларни аввал Москва шаҳрига олиб борди, – деб ҳикоя қилади ёлланганлар-

дан бири Т.С. – Ташландиқ бир бинонинг ертўласида ўзимизнинг севган касбимиз – тикувчилик билан шуғуллана бошладик. Кейинроқ билсак, бу ертўладаги фабрика ҳам ноқонуний бўлиб, бизлар фабрика эгалари бўлган украиналик ишбилармонларга қул сифатида сотилган эканмиз. Яширин «цех» эгаларининг айтишича, биз қачон бўйнимиздаги «қарз»ни узсак, шундан сўнг озодлик беришар экан. Қарздан қутуламиз деб, кунига 14 соат ишлаймиз, бемаза овқатлар, зах жойлар, ифлос ётоқлар, зўравонликлар... Хуллас, мен тўрт ой ишлаб қарзимдан қутила олмадим, охири бир амаллаб қочдим... Акс ҳолда тобутимни Россиядан олиб келишарди...

«Одамфуруш»лар тузоғига, асосан, хотин-қизларнинг илинаётгани ачинарлидир. Уларни официантлик, сартарошлик, фаррошлик каби ишларга жойлаш ваъдаси билан олиб кетиб, хориждаги фоҳишахоналарга пуллаб юборяптилар.

Бир жаҳон орзулар билан кетган қизалоқлар бир дунё қайғулар билан қайтиб келишмоқда. Улар кимларнингдир ёлғон сўзларига, пуч ваъдаларига учиб, ўз ҳаётларини барбод қилишгача бормоқдалар.

Бу ўринда дўстим айтиб берган бир воқеани эслаш кифоя.

Хориж аэропортларидан бирида қизларни Феруза исмли бир аёл кутиб олди. Меҳрибонлик кўрсатиб уларни уйига олиб кетди. Эртасига катта бир дўконга бошлаб бориб, хоҳлаган кийимларини олишлари мумкинлигини, пулини шахсан ўзи тўлашини айтади.

– Агар сиз қанчалик чиройли, хушбичим бўлсангиз, шунчалик тез ишга кирасиз, – деб таъкидларди Феруза «онахон» ҳар қадамда.

Бир кун ўтгач, Феруза – «онахон» бу ерда иш қолмаганини айтиб, қизларни Малайзияга кузатди. У ерда қизларни хитойлик Чангу деган одам кутиб олди. Қизларни шаҳарнинг кўримсизгина бир меҳмонхонасига жойлаштирди.

– Фаррошлик қиламизми? – дея сўрашди қизлар чуғурлашиб.

– Йўқ, – деди хитойлик қатъий. – Энди сизлар у ерда йигитларга «хизмат» кўрсатасизлар..

Бир жаҳон умидлар билан четга кетган қизлар бир олам қайғу-аламга ботдилар. Икки ой Малайзияда, бир ой Таиландда, яна аллақерда қайсидир исқирт кишиларнинг кўнглини олишга, шаҳвоний ҳирсини қондиришга мажбур бўдилар..

Инсон савдоси бугун глобал муаммога айланаётган бир пайтда, мўмай даромад истаб, саробдек туюлган орзу-ҳаваслар кетидан ўзга давлатларга бориб, «саёҳатроҳат»ни истаётганлар наҳотки ўз ғурурини топтаётганликларини, ўз халқи, миллатини иснодга қўяётганликларини билишмаса?!. Гоҳ Қозоғистон, гоҳ Россия, гоҳ бошқа чет элларга ноқонуний йўллар билан кетаётганлар Ватанларидан қадамлари узилиши билан ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳам қонуний кучини йўқотишини билмасми-канлар?!. Узоқ-яқин юртларга келганига минг пушаймон бўлиб, сарсон-саргардонликда юрганларни ҳукуматимиз мамлакатимизга қайтаришга уринаётганини наҳотки уларнинг бу сўқир кўзлари кўрмаса, билишмаса?!.

Ушбу ҳуқуқий очеркда ўз Ватанини тарк этиб, сароб орзуларни ният қилган кимсаларнинг аянчли аҳволлари тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш имкониятига эга эдим. Лекин гапни узоқ чўзмасдан, шу ниятда юрганларга бир лўнда гапни айтишни лозим топдим.

Буюк инглиз шоири Байрон шундай деган: «Кимки ўз Ватанини севмас экан, у бошқа ҳеч нарсани сева олмайди». Одамзод икки нарсани, яъни Ватанни ва ота-онани танлаш ҳуқуқига эга эмас. Бир Ватан, бир юрт ва халққа мансублик эса кишига умр бўйи масъулият юклаб бораверади. Шу Ватанда, киндик қони тўкилган юртда ҳам яшаш, ишлаш, бойиш, пул топиш мумкин. Бунинг учун шу жойни севиш ва ардоқлай билиш керак.

Буюк француз драматурги П. Карнел Ватан тўғрисида шундай бир ибратли гапни айтганки, бундан менинг этларим жимирлаб кетади. Мана ўша гап: «Кимки Ватанини хор қилса, у оиласидан ҳам, бор-будидан ҳам айрилади».



*Бир дамлик жаҳолат – девоналикдир.
ГОРАЦИЙ.*

...Суднинг қора курсисида 24 ёшли навқирон йигит ўтирибди. У қотилликда айбланыпти. Ўзи тенги икки дўстининг умрига завол бўлган. Уни тегишли жазо кутмоқда...

Залда қотилнинг бу ҳолга тушганига гоҳ ачиниб, гоҳ нафрат билан термулиб ўтирганларнинг ҳаёлидан нималар кечяпти экан?! Бир бурда мурғак гўдакни суйиб, ардоқлаб, вояга етказган ота-онанинг аҳволи не кечяпти?.. Шубҳасиз, бу саволлар суд ҳайъатини ҳам ўйлантириб қўйганди. Улар олдида биргина қотил устидан ҳукм чиқариб қўйишгина эмас, балки бу жиноятнинг илдизини, унинг моҳиятини батамом очиб ташлаш вазифаси ҳам турарди. Токи, бу даҳшатли фожеа бошқаларга сабоқ бўлсин...

Кейинги пайтда айрим ёшлар ўртасида турли жиноятлар содир бўлаётгани кўпчиликни ташвишга соляпти. Хўш, бу шунчаки тўқликка шўхликми? Ёки ёмон

тарбия оқибатими? Нима учун айрим ёшлар енгил ҳаётга берилаяптилар? Нима учун улар бойликка, маишатга ружу қўйяптилар?

Бу каби саволларга бирдан жавоб топиш мушкул. Келинг, яхшиси, мазкур суд очерки давомида бу муаммоларга биргалашиб жавоб излайлик.

Гапни бироз узоқдан бошлашга тўғри келади. Ҳикоямиз уч нарса – пул, дўстлик ва ниҳоят, жиноят – қотиллик ҳақида.

Улуғ мутафаккирлар бойликка интилишни маънавий пучлик, деб билганлар. Юнон файласуфи Платон буни жуда тўғри изоҳлаб берган эди: «Олтин ва саховат тарозининг икки палласига ўхшайди, булардан бири кўтарилмай туриб, иккинчиси пастга тушолмайди. Инсонда олтин қанча кўпайса, саховат шунча камаяди».

Ҳа, юнон файласуфининг бу фикрларида жон бор. Тарихдан бизга маълумки, бойлик, олтин дея қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг қони тўкилган... Ҳозир-чи?

Мана, Тоҳир Эшқобулов... (исм-шарифлар ўзгартирилган). Бир миллион сўм пул дея икки ёш йигитнинг умрига зомин бўлди. Уни дўст деб билган, унга ишонган йигитларни ваҳшийларча ўлдирди. Хўш, Тоҳирга шунча пул нима учун керак бўлиб қолди? У оч қолганмиди? Йўқ, албатта. Оиласи ўзига тўқ, маҳаллада обрў-эътиборли хонадон. Ўзи эса Тошкент олийгоҳида талаба. Стипендия оларди. Ҳадемай, дипломли бўлиб, катта ҳаётга қадам қўярди. Лекин бундай бўлмади. У қабих қилмиши билан ўзининг келажагига болта урди, ота-онасининг юзини ерга қаратди, инсон деган буюк номга доғ туширди.

... Тоҳир табиатан чайир, мақсадга интилувчан йигит эди. Аммо сўнги пайтларда ўзгариб қолди. Туппа-тузук ўртоқларидан воз кечди. Янгиларини топди. Нималарнидир ўйлайдиган бўлди. Унга доимо нимадир етишмас, ҳеч нарсадан кўнгли тўлмас, гоҳида ўзидан-ўзи ранжирди ҳам. Бунинг боиси бор экан. Кейинги пайтда унинг онгида

«пул кўп нарсага қодир» деган тушунча пайдо бўлганди. Баъзи енгилтак ёшлар каби яхши юриб, яхши кийгиси, бар, кафе, дискотека, ресторанма-ресторан қизлар билан маишат қилгиси келди. Ахир биргина «жинси» шимнинг ўзи фалон сўм турса!.. Нафақадаги ота-онасидан ҳадеб пул сўрайверишни ўзига ор деб билди, шекилли. Бир-икки «пул топар» йигитлардан «дўст» орттирди. Кечалари санғиди... Енгил ҳаёт, маишат эса уни пулга ўргатди. Миясида фақат «бебилиска» пул ишлаш фикри чарх урди...

Гоҳида узоқ-яқиндан келган қариндош-уруғ, ошна-оғайни ёки меҳмон билан ресторанларга кириб қоласан. Оқшом пайтлари ресторан залида асосан ёшлар ўтиришади. Уларнинг баъзилари доимий мижоз. Ахир ресторанга кириш учун анча-мунча пул керак. Очиқ гап, бир кишининг маоши ҳар куни ресторанга кириш учун камлик қилади. Ахир «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди», деб бекорга айтмайдилар. Хўш, бу ёшлар пулни қаердан оладилар?

Саховатли ота-оналариданми? Шундай ҳам дейлик. Лекин улар бу билан ўз боласини енгил ҳаётга, қолаверса Тоҳир каби жиноят кўчасига «ковушини тўғирлаб» қўяётганликларини билармиканлар? Табиийки, ресторанга кирган киши «қиттак-қиттак» отади. «Қиттак-қиттак» гоҳида авж олиши, турли беъманиликларга олиб келиши мумкин. Бу ҳақда бир донишманд шундай деганди: шароб кишини тўрт куйга солади, ичган замон киши гердайиб, товусга ўхшаб саллона-саллона қадам ташлайди. Бир оздан кейин маймун бўлиб, ҳаммани кулдиради. Кейинроқ шер бўлиб, атрофидагиларга ҳамла қилади. Охири чўчқа бўлиб, ботқоққа беланиб ётади...

Бу гапларнинг тагида олам-олам маъно бор. Аксарият жиноятлар ана шу «қиттак-қиттак»лар оқибатида содир бўлмоқда.

...Ўша куни ҳам шундай бўлди. Уч дўст кўришганлари учун «қиттак-қиттак» отдилар. Оқибат... Агар ичмаганларида... Балки...

Шариф Қутлимурадov эндигина 28 баҳорни қаршилаган эди. У Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир туманида истиқомат қилар ва шу ердаги автобазада катта товаршунос бўлиб ишларди. У хизмат тақозоси билан Тошкентга тез-тез ташриф буюриб, тегишли моддий-техника таъминоти бошқармаси базасидан эҳтиёт қисмлар олиб кетарди. Шариф шаҳар кезган йигит эмасми, табиатан дилкаш, ҳожатбарор эди. Шунинг учун ошно-оғайнилари ҳам кўп эди. Ҳар гал сафарга отланганида таниш-билишлари уни ўраб олишиб, турли буюртмалар беришарди.

– Ма, пулни ол, баллон опкеб бер.

– Шариф, ма, дўстим, қанча пул бўлсаям битта расpredваль топиб кел. Тошкентда ҳар нарса топилади.

Шу тариқа Шарифнинг белидаги белбоғи қаппайиб қоларди.

– Ҳарна-да, чой пули чиқиб турар, – деб ўйларди у ҳам ўзича. Бу сафар ҳам давлат буюртмасидан ташқари шахсий буюртмалар битилган узун рўйхат билан Тошкентга қанот боғлаб учди. «Бел бақувват» эмасми, Шарифнинг ҳам кайфияти баланд, ўзини қушдек енгил ҳис этарди.

У тезда ишларини битирди. Базадаги сахий кишилар Қутлимурадovга «саховат» кўрсатишди. Шариф қарасаки, ҳожатбарорлиги натижасида тоғ бўлиб кетган эҳтиёт қисмлар битта кичик машинага сиғмади. У зудлик билан Тахтақўпир туманидаги автобазага телеграмма йўллайди: «Тезда КамАЗ жўнатинглар». Орадан кўп ўтмай, шофёр Жўра Эшбоев «КамАЗ» машинасини Тошкентга учириб келади. Товари машинага ортишгач, аввалдан Шарифга таниш бўлган «Йигирувчилик» кўчасида истиқомат қилувчи «дўсти» Тоҳир Эшқобуловнинг суҳбатини олиб, бир пиёла чойини ичиб, «отамлашиб» қайтмоқчи бўладилар. Мезбон меҳмонларни тунд қарши олади. Гап орасида меҳмонлар бир миллион сўм пул билан келганликларини, бозордан эҳтиёт қисмлар олмоқчи эканликларини ўз оғизларидан «гуллаб» қўйишади.

Бу гапдан сўнг Тоҳир анча сергак тортади. Кўпдан ўйлаб юрган режаси – мўмай пул орттириш жазаваси тутади. Меҳмонлар кўча айлангани чиқиб кетишгач, Тоҳир операция режасини тузади...

Икки ўртоқ қош қорайганда Эшқобуловникига кириб келишади. «Дўстлар» обдон мириқиб «отамлашадилар». Сўнг Эшқобулов кун кеч бўлиб қолганини айтиб, бу кеча уларни ётиб қолишга кўндиради.

Ётиш олдидан ўйлаган режасини амалга оширишга киришади.

– Сизларга атаб 95 чойдан дамладим. Ўзиям жуда зўрда, қурғур. Кайфни тарқатади. Чанқовни босади, – у шундай дея ухлатадиган дори қўшилган чойдан «дўстлари»га бир пиёладан узатади. Кўп ўтмай шаҳар кезиб чарчаган йигитлар бамайлихотир уйқуга кетадилар.

Эшқобулов меҳмонларга атайлаб болохонадан жой қилиб беради. Ҳарна бўлса-да кўз-қулоқдан йироқроқ. Меҳмонлар уйқуга кетгач, у ўзини қўярга жой тополмайди. Фурсатни бой берса, мўмай пулдан ажралиб қолгудай бўлаверади. Кўз ўнгида бир миллион сўм пул жилва қилади. Ҳў, бир миллион сўм-а! Хоҳлаган нарсани сотиб олиши, истаган ресторанга хоҳлаган жазманини, ўртоқларини таклиф қилиши, уларга бир «ўтказиб» қўйиши ҳам мумкин. Ҳадемай, «Тоҳир бойвачча» деган ном чиқариши турган гап. Нима қилса ҳам меҳмонларнинг ёнидаги пулни олиши керак. Кўз ўнгида икки ёш йигитнинг ҳаёти эмас, пачка-пачка пуллар ўйнай бошлайди. Бирдан кўзига қон тўлади. Шартта оғир вазнли болғани рўмолга ўраб, зинадан тепага кўтарилади. Кун бўйи елиб-югурган ва уйқу дорининг кучидан сархуш бўлган икки йигит бемалол хуррак отарди. Тоҳир секин уларга яқинлашади. Аввал чўнтақларини титкилайди. Лекин ҳеч нарса тополмайди. Қоронғида кимдир оғир хўрсиниб, чалқанчасига ўгирилади. Шу тобда Тоҳирга меҳмонлардан бири бақрайиб қараб тургандек туюла-

ди. Миясига даҳшатли фикр яшиндек урилади. Тоҳирни кўрқув ва жаҳолат босади. Жон ҳолатда уйқусираётган дўстининг миясига болға билан туширади. Бир марта... Икки марта...

Тўсатдан уйқудаги иккинчи йигит сапчиб туриб, саросимага тушади. Тоҳир шу заҳоти унинг ҳам миясига болға билан уриб тинчитади. Қотил бир дам ҳушдан айрилади. Сўнг оёғига игна санчилгандек сапчиб тушади ва апилтапил икки мурданинг чўнтақларини яна титкилай бошлайди. Ҳозиргина жон берган йигитларнинг ёнидан борйўғи уч юз ўн икки минг сўм пул чиқади. Қотил бошини чангаллаганча тошдек қотиб қолади...

Ўтмиш мутаффакирлари одамлар ўртасидаги дўстликни жуда қадрлаганлар. Чунончи, Абу Али ибн Сино дўстликни уч тоифага бўлади. 1. Ҳақиқий дўстлик. 2. Бойлик, амал, мартаба туфайли боғланган дўстлик. 3. Ягона мақсад ва ғоявий бирлик асосидаги дўстлик. Булардан биринчи ва учинчиси мустаҳкам, ҳақиқий, доимий ҳамда бузилмас, иккинчиси эса, вақтли ва мустаҳкам бўлмаган, сохта дўстлик эканини таъкидлайди.

Тоҳир Эшқобуловнинг Шариф Қутлимуродовга бўлган дўстлиги ҳам иккинчи тоифадаги, сохта дўстлик бўлиб чиқди. Ваҳоланки, улар бир неча йиллардан буён ўзаро борди-келди қилардилар. Тоҳирнинг қўйнида тош яшириб юрганлигини Шариф билмас, ўртадаги муносабатни дўстлик деб тушунарди. Қўй терисидаги бўри – Эшқобулов эса, дўстликдек муқаддас нарсага хиёнат қилди, ўз дўстига қўл кўтарди. У виждонини, орномусини пулга сотди.

Қутлимуродов ва Эшбоев ҳадеганда уйларига қайтаверишмагач, автобаза раҳбарлари, ота-оналар хавотир ола бошлайдилар. Милицияга хабар қилишади. Қутлимуродовнинг акаси Тошкентга йўл олади. У тўғри укасининг «дўсти» Эшқобуловга учрашади. Қотил ҳеч нарса билмагандек, пинагини бузмай жавоб қилади:

– Укангиз бизникида меҳмон бўлиб, аллақачон жўнаб кетган...

Шундан сўнг ноилож қолган Қутлимуродовнинг акаси Тошкент шаҳар милициясига мурожаат қилади. Бу орада Бўржар ёқасидан жасаднинг бир бўлаги – одам оёғи топилади. Тезда оператив гуруҳ тузилади. Оператив гуруҳ ўта зийраклик ва синчковлик билан иш олиб боради. Жиноят ипи келиб Эшқобуловга тақалади. Шубҳа остига олинган Эшқобуловнинг уйи кўздан кечирилади. Экспертиза деворда одам қони доғи қолганлигини аниқлайди. Қотил терговда сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлиб, ўзини ҳар хил кўйга солади. Ёлғон-яшиқларни қалаштириб ташлайди. Лекин у сувдан қуруқ чиқолмади. Стационар суд-психатрия экспертизаси Эшқобуловнинг ақли-ҳуши жойида, деб топади. Фактлар жиноятчини қора курсига михлаб қўяди. Унинг кўрсатмасига кўра мурдалар кўмилган жойлардан топилади...

... Суд кетаяпти. Қотилнинг боши ҳам. Унинг пул дея қонга тўлган кўзлари энди тик боқолмайди, фақат ҳар замонда жикқа ёшга тўлган бу қаҳрли кўзлар залга жовдираб боқади, кимдандир нажот излайди. Балки бу кўзлар оқ сут бериб, ялаб-юлқаб, асраб-авайлаб, ўпиб-ардоқлаб катта қилган ота-онани, меҳрибонларини излаётгандир. Улардан нажот кутаётгандир. Йўқ, у нури дийдаларининг ишончини оқламади. Ваҳшийлик қилди. Уларнинг юзини ерга қаратди. Ота-онанинг кўз ёши тинмайди. Ичичидан ёнади. Қанийди ҳаммаси тушга айланса... Лекин минг афсус... Улар ўз фарзандларини вақтида назорат қилолмадилар. Эрта кетиб, кеч қайтдилар. Бундан фойдаланган фарзанд эса қинғир кўчага кирди...

Ҳеч бир ота-она фарзанди тақдирига бефарқ қаролмайди. Залда бошларини ҳам қилиб ўтирган ота-оналар, қариндош-уруғлар шу боисдан ҳам юм-юм йиғлайди. Ўз фарзандига нотўғри тарбия берганидан, пулга ўргатганидан, ўз вақтида назорат қилолмаганидан,

ошна-оғайнисини, бемаҳал юрганини суриштирмаганидан пушаймон ейди. Лекин, энди кеч...

Суд ашаддий жиноятчи Т. Эшқобуловни қилмишига яраша жазолади.

Келажак кишилари бўлган фарзандларни комил инсон этиб тарбиялаш – эртанги кунни яратиш демакдир. Жамият кишисини вояга етказиш фақатгина ақлий камолот, кенг ва чуқур маълумот, ижтимоий фаоллик билан чекланиб қолмай, балки ҳис-туйғуни ҳар томонлама шакллантиришни ҳам ўз ичига олади. Айни болаликда инсон қалбига эзгулик уруғи ташланади. Ана шу уруғнинг қай даражада униб чиқишида ота-онанинг роли бениҳоя каттадир. Биз бола тарбиясида, уни камолга етказишда боғчага, мактабга, кенг жамоатчиликка суянамиз. Аммо баъзан тарбияда бирон-бир нуқсон сезсак, ҳамма айбни уларга тўнкаймиз, таъна тошларини отамиз. Бизнингча, бола тарбиясида асосий ролни ота-она ўйнайди. Ахир «қуш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтилмаган. Жамиятимиз учун ёт бўлган ҳар қандай чиркин иллатлардан болаларни эҳтиёт қилмоғимиз даркор. Ҳа, дунёда инсондан фақат эзгулик қолади.

Бас, шундай экан, инсон ўз муқаддас номига муносиб иш тутмоғи лозим. Ана шундагина орамизда разолат ботқоғи ва гирдобига ботувчи кимсалар бўлмайди.



Республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан уюшган жиноятчиликка қарши кескин кураш бошланди. Бу хайрли ишда кўплаб милиция ходимлари жонбозлик кўрсатдилар, талайгина жинорий гуруҳлар иши фoш этилиб, қилмишига яраша жазога тортилдилар. Аммо бу осонликча кечмади, албатта...

«...Шу кеча фуқаро Шокировнинг уйига ниқобланган аллақандай кишилар бостириб киришган. Жабрланувчининг айтишича, улар тўрт киши бўлиб, тўппонча, қирқма милтиқ ва пичоқ билан қуролланган. Босқинчилар унинг уйдан 500 минг сўм пул, 4 та гилам, турли тилла тақинчоқлар, жами 10 миллион сўмлик қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб кетишган..»

(Оператив маълумотдан)

Бу маълумот шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлимига топширилди. Милиция майори Адҳам Раҳматуллаев бошлиқ тезкор гуруҳ зудлик билан йўлга отланди. Вақт анча кеч бўлиб қолган эди. Шаҳар тун оғушига чўмган. Пойтахт кўчаларида транспорт қатнови сусайиб бораётган маҳал. Неон чироқлари шуъласида

йўллар, хиёбонлар ўзига хос фусункор бўлиб кўзга ташланади.

Бир парча этга сут бериб, жон бағишлаб, катта қилгунча онаизорнинг неча-неча тунлари бедор ўтади, фарзандига гирён бўлиб, сочларига оқ тушади, кўз нури кетиб, билак қуввати, юрак меҳру муҳаббати бахшида этилади. Фарзанд улғайиб, вояга етгунча, ҳаётда ўз ўрнини топиб олгунича қанчадан-қанча кишиларнинг умри бағишланиб, асаб торлари чертилмоғи лозим. Биргина, ҳа, биргина ўрни топиб айтилган сўз ўғил-қизининг тақдирида бахтли инсонийликни, инсоний фазилатларни, меҳр-муҳаббат, меҳнат сурурини уйғотиши сир эмас. Биргина хато, ўринсиз айтилган сўз, ортиқча меҳр ҳам инсонни тамоман йўлдан чиқариши, унинг ҳаётини энг тубан ботқоққа олиб кириши мумкин. Маънавий гўзал, пок кишилар ҳам, ахлоқан тубан, юзсизлик, текинхўрлик гирдобида умр кечиришга иштиёқманд одамлар ҳам ҳеч қачон она қорнидан шундай туғилмайдилар. Улар орамизда, сиз билан биз нафас олиб ишлаётган, яшаётган жамиятда, ҳаётда улғаядилар, тарбия топадилар, вояга етадилар. Ҳамма иллат шундаки, фарзандлар қалбида эрта уйғониб келаётган маънавий поклик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳам, эгриқўллик, бошқалар турмушига ғайир кўз билан қарашдек тубанлик, нопоклик иллатларини ҳам ўз вақтида пайқамай қоламиз. Биздаги лоқайдлик эътиборсизлик, айниқса, ўғил-қизларимиз тарбиясига бир томонлама ёндошиш, уларни ҳаётга фақат моддий манфаатдорлик нуқтаи назари билан қарашга ўргатиш келгусида талай тузатиб бўлмас хатоликларга олиб келиши хаёлимизга ҳам келмайди. Ҳар хил жиноятларга йўл қўяётган йигитлар ҳам ана шундай лоқайдлик мевалари эди.

Майор Раҳматуллаев оператив машинада ўз гуруҳи билан бораркан, ана шуларни хаёлидан ўтказарди.

Эҳтимол, айрим ёшларнинг жиноят кўчасига киришида уларнинг ота-оналари кўпроқ сабабчи бўлишаёт-

гандир. Эҳтимол, уларни фақат моддий бойликка ҳирс қўйиш, қандай бўлмасин бойлик, текин пул топиш руҳида тарбиялашгани учун ҳам бу йигитлар бора-бора маишатга кўнгили қўядиган, бунинг учун эса жуда кўп пул кераклигидан ўғрилиқ, талончилик кўчасига киришгандир. Киши ёшлигидан енгил ҳаётга кўнгили қўйса, бир жойда ёлчителиб ишламай, текин пул топиш дардида ўртанса, бу иллат бора-бора уни ўғирликка етаклайди. Ҳалолликка ўрганмаган инсон боласи ҳеч қачон меҳнат завқига, покликнинг маъносига тушунмаслиги мумкин. Лекин буни тушуниб турган атрофдаги кишилар-чи? Улар бу жиноят ботқоғига ботиб бораётган йигитларнинг ҳаётдан муносиб ўрнини топиб олишларига нима учун ёрдам беришмади экан?!

...Машина манзилга етиб тўхтаганида, майорнинг хаёллари тўзиб кетди. Эшик тагида Шокиров хомуш ўтирарди. Қўрқувдан ранги қув учган, оёқлари титрайди. У жўяли бир гап айтолмади. Ўғрилар ниқобланган эди. Излари эса зимистон тун бағрига аллақачон сингиб кетган. Шундай бўлса ҳам зарур маълумотлар «суғириб» олинди.

Машаққатли изланиш давом этарди. Кунлар тунга уланди. Майорнинг назарида калаванинг учи оёғи тагида тургандек. Ниқоб, пичоқ, қирқма милтиқ. Бир ҳафта илгари содир бўлган қотилликда ҳам қирқма милтиқ ва ниқоблардан фойдаланишган. Балки кеча қўлга олинган икки жиноятчи шуларнинг шеригидир?! Бу шубҳа майор Раҳматуллаевга тинчлик бермай қўйди. Беихтиёр бир ҳафта илгари бўлган қотиллик тафсилотини ҳаёлидан ўткази бошлади.

... Кеч соат саккизлар. Пойтахтнинг эски Бешёғоч даҳаси ҳар галгидек машина-ю, одамлар билан гавжум. Катта йўл ёнидаги «Чучварахона»нинг бурчагидаги столда беш нафар улфат «базми жамшид» қурмоқда. Жиноий гуруҳ «шефи» ароқ аралашган шундай давраларда шер бўлиб кетади.

– Ҳозир, – дерди у дудуқланиб, – шартта кўчага чиқамиз, тўғри келган машинани ўғирлаб, Жиззах вилоятига жўнаймиз. Бир «кент» бор, унга «лой»лаймиз.

Шериклар «шеф»га бир овоздан қўшилишди. Қўшилмай иложлари қанча. Ахир, бир кемада анчадан буён сузишади.

Қора ният билан «Муқимий» театри ёнига келишди. Аммо турган машиналардан бирортасига яқинлашиб бўлмади. Энди уларнинг кайфлари анча қочган, аммо қалбларидаги шум нияти бутун вужудларини ўртаётган эди. Баҳор эмасми, ёмғир ҳам шивалаб берди. Нияти нопоклар эса қисқа «шивир-шивир»дан сўнг барбод бўлган «операция»ни бошқа йўл билан бажаришга киришдилар. Улардан бири якка ҳолда бечораҳол қиёфага кириб машина тўхтата бошлади.

Фурқат кўчаси бўйлаб «Жигули» елиб келарди. Афтидан унинг эгаси қаергадир шошаётгандай эди. Аммо ёмғирда ивиб турган йигитчани кўриб раҳми келди, шекилли, машинани тўхтатди. Шу пайт шум ниятлилар «Жигули»га қуюндай ёпирилишди.

– Жон ака, «Кооператор» ресторанигача ташлаб қўйинг, ялингансимон сўрашди йигитлар бирваракай. Кўнгилчан ҳайдовчи эса «Ҳа, майли, ораси яқин экан, ташласам ташлаб қўяй», деб юборди. Бироқ раҳмдиллик унга қимматга тушишини ҳаёлига ҳам келтирмасди. Ўзига тўқ, яхши оилада униб-ўсган ҳайдовчи Ортиқ Нуриддинов одамларга ишонарди, уларни ҳурмат қиларди, севарди. У ана шу одамларга, инсониятга яхшилик қилиш, ҳаётга эзгулик уруғини сочиш иштиёқи билан яшарди. У илмий-текшириш институтларидан бирида аспирант, «беш минути кам» фан номзоди эди. У ҳали одамларга қанчалар яхшилик қилиши, ўз ҳалол меҳнати билан кишиларга, халқига, Ватанига қанчалар наф келтириши мумкин эди. Унинг ҳали вояга етмаган икки ёш гўдаги ҳам бор, орзулари мўл эди.

Машина чироқлар ёғдусида товланган шаҳарнинг шоҳ кўчасига қайрилгач, Ортиқнинг ёнида ўтирган йигитлардан бири, «Мушук» лақабли Қодир машинани тўхтатишни талаб қилди. Машина оҳиста тўхтагач, у шерикларига буйруқ қилди.

– Орқага олларинг, – ўзи шундай дея шофёр йигитнинг томоғидан бўғди. «Қора» ва «Сўтак» ҳайдовчининг қаршилигига қарамай унга ўлжага ташланган бўридек ёпирилишди. Уни орқага олиб, жисмоний куч ишлатиб, ўриндиқ орқасига, полга, оёқлари остига олишди. «Қора» эса рулга ўтириб, машинани «Самарқанд» автостанцияси томон елдириб кетди.

Безориларнинг оёғи остида ётган ҳайдовчи бу иш яхшилик билан тугамаслигига кўзи етарди. Мени қўйворинглар, деб ёлворди. Аммо «шеф»нинг энсаси қотди.

– Жим бўл, – у шундай дея ёнидан пичоқ олиб унинг оёқ ва қўлларига бир неча маротаба санчди. Безорилар ҳам «дўст»ининг қилиғидан завқлангандай, унга галмагалдан пичоқ тиқишди. Шундан сўнг ҳайдовчи қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини тушунди. Энди унга пичоқ зарби азоб берарди.

Машина «Самарқанд» автостанциясидан ғизиллиб ўтиб кетди.

– Кирачини нима қиламиз, шеф, – деди рулда кўзлари чақнаб бораётган Қора.

Шеф пинагини бузмай шерикларига буйруқнамо таклиф қилди:

– Нима қилардик, энди уни гум қиламиз, у бизни таниб қолди. Биринчи чорраҳадаёқ сотади...

«Шеф»нинг гапи кучда қолди. Ҳеч ким миқ этмади. Сукут ризолик аломати эди.

Машина шаҳардан чиқиб, кескин поёнсиз дала томон бурилди. Катта бир ариқ бўйига келишгач, оғир аҳволда ётган шофёрни машинадан судраб тушишди.

Безориларнинг кўзларига қон тўлган, ваҳший ҳайвонга айланишган эди.

Ортиқ қараса иш чатоқ. Безорилар ҳеч нарсадан тап тортишмайди. Яна ялинишга тушди.

– Жон оғайнилар, қўворинглар, илтимос. Машина ҳам сизларга. Ахир иккита болам бор, диссертация ёқлашим керак. Тўй қиламан деб озгина пул йиғиб қўйгандим. Шунини ҳам бераман йигитлар, гўдакларим етим қолишмасин. Майли, машинани ҳам олинглар.

Аммо унинг илтимоси айни пайтда жаллод қиёфасида турган бу безориларга зиғирча ҳам таъсир этмади. Улар, аксинча, уни тепиб, ариқ бўйига судраб боришди. Шеф биринчи бўлиб қўлидаги пичоқ билан унга ташланди. Илгари қамалиб тавбасига таянмаган, қорачадан келган бу паст бўйли безори ўта раҳмсизларча шефнинг қўлидаги пичоқни юлиб олиб: «Менинг отам қассоб ўтган, одам сўйиш мана бунақа бўлади» дея раҳмсизларча қон аралаш ётган танага пичоқ санчди. Сўнгра жасадни сувга ирғитишди. Кўнгли тинчиган қотиллар шундан сўнггина машинани сотиш мақсадида Жиззахга қараб йўл олишди...

Жиззахга келиб, банклардан бирини ўмармоқчи бўлган қотилларнинг «банк операция»си ҳам амалга ошмади. Ресторанда қиттак-қиттак қилиб, хушини йўқотган маҳал қўлга олинган жиноятчилар одил суд олдида қилмишларига яраша жазо олишди. Зимистонда қолган излар топилди...



АДАШГАН ВАГОН

*ёки тўққиз қароқчининг
қилмишлари хусусида*

Пўлат Қолдибоев Тошкент юк-товар станциясига биринчи марта келганида бу ердаги манзарани кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. «Ў-ҳў, – деди у атрофга назар ташлаб, – худди катта дошқозонга ўхшайди-я! Келаётган вагонларнинг адоғи йўқ. Юк ортиш-тушириш кранлари эса бир зум тинмайди. Машиналар-ку, тинимсиз дарвозадан кирди-чиқди... Одам билан одамнинг иши йўғ-а! Худди мен излаган макон экан, бизга шунақаси керак-да!».

Шум ниятли Пўлат Қолдибоев тезда бу ишга жойлашиб олди-ю, оёғи куйган товукдай питирлаб қолди. Дилидаги қабиҳ нияти жиғилдонини қитиқларди: «Зора, бирон-бир контейнер ҳужжат-пужжатсиз келиб қолса, ўн кун дон емаган хўроздай гумдон қилардим», – дерди у ўзига-ўзи керилиб.

Станцияга контейнер тўла вагонлар оқиб келяпти. Пўлат бўлса уларга суқланиб боқади: «Қани, омад келса-ю, бирини ўмарсам. Белни анча бақувват қилиб олардим».

П. Қолдибоев ўз навбатчилигида ана шу қинғир ўйлар билан станциянинг бир кун аввал 2-боши берк

кўчасидаги 43-қаторига туширилган контейнерлар олди-га келиб қолди. Сўнги контейнер унинг кўзига «иссиқ» кўринди, шекилли, контейнернинг атрофида парвона бўла бошлади. Қисик кўзларининг бирини юмиб, контейнернинг эшиги тирқишидан ичкарига мўралади: зим-зиё. Юраги хапқира бошлади. Ўлжасини қўлга туширган бургутдай, бир зум контейнер ёнида тошдек қотиб, атрофга кўз қирини ташлаб олди. Сўнгра унинг эшигини усталик билан очди-ю, кўпдан бери орзу қилган нияти амалга ошаётгандек туюлди. Лекин у «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ кунда чиқади» деган халқ мақолини хаёлига ҳам келтирмаганди шу тобда. Контейнердаги қимматбаҳо мўйна буюмларни кўргач, нафси ҳакалак отди. Қисик кўзлари худди каттаргандай бўлди. «Ақлдан озиш мумкин, – деди у ўзига-ўзи. – Мана омад. Энди энг муҳими, шунча молни гумдон қилишда...»

«Ўйчи ўйини ўйлагунча, таваккалчи ишини битирибди», деганларидек, кечқурун учраган, Тошкент темир-бетон буюмлари заводида кранчи бўлиб ишлайдиган дўсти В. Кузовлевга дарҳол ёрилди.

– Мўмай пул хоҳлайсанми, ошна, – деди Пўлат ҳовлиқиб.

– Жинни-пинни бўлдингми, мўмай пул кимга керакмас. Айниқса, белинг оғримай топсанг...

– Мен сенга айтсам, оёғимиз тагида шундай «лой» ётибди. Фақат озгина жон куйдирсак бас, контейнердаги мўйна буюмлари бизники бўлади...

Пўлат ўз «фалсафаси»ни Валерийга сингдиролди. У жиний ишга рози бўлди. Оқшом чўкканда иккиси контейнер томон йўл олди. Декабрь ойининг изғиринли кечаларидан бири эди. Тунги икки шарпа контейнер турган йўлга пастқам девордан ошиб ўтди.

– Совуқ-ку, – деди атайлаб қишки кийимсиз келган В. Кузовлев қўлларига «куф-куф»лаб.

– Ҳозир шубани кийиб олсанг бас, исиб кетасан, – деди Пўлат Қолдибоев совуқдан тишларини тақиллатар экан.

– Ўзи қаернинг шубаси? Арзийдиганми? – сабрсизлик билан сўради яна В. Кузовлев.

– Во! – деди Пўлат Қолдибоев бош бармоғини кўрсатиб. У шундай деди-ю, контейнернинг эшигини усталик билан очди-да, иккита пўстинни олиб, бирини В. Кузовлевга узатди:

– Ма, кийиб ол...

У эшикни аввалгидек ёпди-да, ҳеч нарса билмаган-дек иккиси қоронғуликка сингиб кетди.

– Қалай иссиқми? – йўлда кетаётиб сўради бири иккинчисидан.

– Зўр, момиқдай экан. Четники шекилли, – деди В.Кузовлев пўстин ёрлиғини ёруғликка тутар экан.

– Тентак, қани буёққа ол, – Пўлат унинг қўлидан ёрлиқни юлиб олиб, ёқиб ташлади. – Из-пиз қолмаслиги керак, билдингми?!.

В. Кузовлев пўстиннинг бирини кийиб олиб, иккинчисини қўлтиғига урганча уйига хурсанд қайтди. Оила аъзоларининг сўроғига ҳамтовоғи ўргатган лўнда жавобни бериб, уларни ишонтирди. Фақатгина қўшимча қилди: – Ишхонада ойлик маош ҳисобидан берган эди. Бир ўртоғим ўзиникини олмади. Бегона бўлмасин деб уникини ҳам олиб келдим...

Икки ўғри ўлжани бир зумда нотаниш кишиларга пуллашди. Чўнтаклари бироз қаппайганидан сўнг, нафслари яна ҳуруж қилди. «Пули борнинг оғзи ўйнар, пули йўқнинг кўзи ўйнар» деганларидек, шошиб қолишди...

... Аслида адашган вагон воқеаси шундай бўлган эди. Қишли станциясининг юк қабул қилиб олувчиси Г. Салашняя мазкур контейнерни Тошкентга жўнатилиши керак бўлган – биттаси бузилган ва еттитасига юк ортилган контейнерларга қўшиб бошқа 9247454-вагонга ортиб жўнатади ва бу билан катта хатога йўл қўйиб, юкдан – 1131978-46-рақамли контейнердан унга тегишли ҳужжатларни айириб қўяди. Накладной ва йўл варақаси

қоғозини расмийлаштиришда ҳам Салашняя уни бузуқ контейнер, деб хатога йўл қўяди.

9247354-рақамли вагон 3703-рақамли поезд билан Тошкентга – Тошкент юк-товар станциясига келтирилади. Вагондаги юкларни навбатчи қабул қилиб олади. Лекин у 1131978-рақамли контейнерни тушириб олишда ўз ишига масъулиятсизлик қилиб, уни текширмайди. Ваҳоланки, тегишли қоғозда унга юк ортилгани кўрсатилган эди. Шундай қилиб, унинг хатоси ҳам П. Қолдибоевнинг кўпдан буён ўйлаб юрган «орзуси»нинг амалга оширилишига «имкон» беради.

... Энди П. Қолдибоев мўйна буюмлари тўла контейнерни бутунлай гумдон қилиш пайига тушади. У бу жиноий ишнинг ташкилотчиси сифатида, контейнерни ўғирлаш режасини – «Контейнер» операциясини ишлаб чиқади. Биринчи навбатда, унга контейнерни юк машинасига ортиш учун шу ерда ишлайдиган кранчи керак эди. Буни у ўз зиммасига олди. В. Кузовлевга эса юк машинаси топ, деб буйруқ берди. Шу ерда меҳнат қилаётган кранчи Х. Максименкони учратган П. Қолдибоев олтин топиб олган кишидай ирғишлаб кетди:

– Э, бормисан, ошна, – деди у кранчи Х. Максименкони муғомбирона бағрига босиб. – Сенга ўта муҳим бир топшириқ бор, дўстим. Эпласанг, қандингни урасан, сени «мукофот» кутаяпти...

«Мукофот» сўзини эшитган Харитон бироз жонлангандек бўлди. Қулоқларини динг қилиб, Қолдибоевнинг оғзига тутди.

– Биласанми, Харитон, – деди Пўлат шивирлаб, – бузилган, ҳужжатсиз келган бир контейнер бор, шуни машинага ортиб берсанг бас, олам гулистон. Сен ҳам хурсанд, мен ҳам...

Пулга ўч Х. Максименко ҳеч иккиланмай рози бўлди.

Бу орада П. Қолдибоев хотини Тошгул Оқбоева билан ҳам жиноий тил бириктирди. Унинг таклифи билан

Тошгул станция бошлиғи номига ёлғондан уй-рўзғор буюмларини Чимкентга олиб бориш учун бузилган бир контейнер сўраб ариза ёзди.

Шу тариқа «Контейнер операцияси»ни амалга оширишга киришилди. Бир кун олдин Қолдибоев ва хотини туни билан беш-олтита катта қанор қоп тикиб чиқишди. Эртасига П. Қолдибоев Х. Максименко билан ҳамкорликдаги навбатчиликка келишди. Бу орада В. Кузовлев ҳам ўзи ишлаган заводнинг шофёри М. Тоштурдиев билан «келишиб» қўйганди. У худди келишилган вақтда «ГАЗ-52» маркали юк машинасида юк-товар станцияси дарвозаси олдида пайдо бўлди. М. Тоштурдиевнинг йўл варақасини В. Кузовлевдан олган Т. Оқбоева контейнерни олиш учун зарур ҳужжатларни станция идорасида расмийлаштиргач, уни В. Кузовлевга бериб, уйига жўнади. Сўнгра В. Кузовлев М. Тоштурдиев билан машинада контейнер турган иккинчи тор кўчага кириб келди. Бу ерда уларни П. Қолдибоев илиқ қарши олди. Бир зум ўтмай, Х. Максименко контейнерни крани билан машинага ортди. П. Қолдибоев «бузилган контейнерни» олиб кетиш учун тегишли ҳужжатларни Х. Максименкога берар экан, В. Кузовлевга қайта-қайта тайинлади.

– Максименко контейнерни дарвозадан олиб чиқишда ҳам сенга ёрдамлашади, хавотир олма. Буёғи пухта...

Назоратчи контейнер ҳужжатларини қабул қилиб олар экан, Х. Максименконинг «Ўзимизники, ҳаммаси жойида» деган гапига ишониб, зарур бўлган белгиларни қўйди-да, унинг ичини текширмади ва олиб кетишга рухсат берди.

Х. Максименконинг сигнали билан дарвозадан чиққан машина бироз юриб тўхтагач, Максименко ҳужжатларни Кузовлевга узатди.

– Ма, ол, керак бўлиб қолар, – деди кулиб.

В. Кузовлев билан М. Тоштурдиев ўғирланган контейнерни олиб тўғри шартлашилган жойга – П. Қолдибоевнинг

уйи яқинига келиб тўхташди. «Операция» етакчиси ишнинг рисоладагидек кўчганини эшитиб, дарҳол ишини ташлаб, уйига ўлжани қабул қилиш учун етиб келди.

Кундузи юкни тушириб олиш хавфли бўлиб, йўловчиларнинг диққатини тортиши мумкин эди. П. Қолдибоев бунинг ҳам уддасидан чиқди, бу ишни ниқоблашга эришди... У хотини Т. Оқбоева билан машинага яқинлашди.

Тошгул билан В. Кузовлев пўстинларни қопга солиб, бир неча марта «рейс» қилишди. Чамаси 20-30 дона ташилгач, бирдан М. Тоштурдиев бўридан қўрққан кўзичоқдек типирчилаб қолди: «Тўхтанлар, бошқа ташиниш мумкин эмас. Юрагим бир нарсани сезяпти...» – деди у ранги бўзариб.

– Энди нима қилдик, – деди П. Қолдибоев ҳам хавотирланиб ҳамтовоқларига.

– Жой топгунча мен ишлаган заводга олиб бориб кўямиз, – деди В.Кузовлев.

– Майли, вақтинча шундай қиламиз, – унинг фикрини қувватлади етакчи ўғри.

Бу иш амалга ошгач, В. Кузовлев давлат машинасини ўзининг шахсий манфаати йўлида фойдаланган М. Тоштурдиевнинг қўлига 50 минг сўм тутқазди.

– Ма, ол, лекин рози бўл, ошна. Туя кўрдингми, йўқ...

Шу кун В. Кузовлев тинч туролмади. Худди бир нарса бир томонини ўмариб кетаётгандек туюлаверди. «Бошқа жой топмасам бўлмайди», – деди у ўзига ўзи.

– Ахир «шеф» менга шунча нарсани ишониб топширган-а... Ҳа, топдим. Б. Мухторов билан гаплашиб кўриш керак.

Б. Мухторов шу заводда шофёр эди. В. Кузовлев унинг қўйнига қўл солди:

– Шунча бирга ишладик, кел Бадриддин, бир яхшилик қил. Сенга ҳам фойда бўлади... В. Кузовлевнинг «фойда» сўзини бир неча бор қайтариши Б. Мухторовни «таслим» этди. – Бўпти, қани кетдик.

Кечқурун улар қимматбаҳо мўйна буюмлари тўла контейнерни «КРАЗ» машинасига ортиб, шаҳардан 30 километр нарида жойлашган Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги бир қишлоққа, аниқроғи Б. Мухторовнинг уйига олиб келдилар. Улар пўстинларни уй ҳаммомига жойлаштиришди.

– Ҳўш, контейнерни нима қиламиз, – деди Б. Мухторов. – Ахир у бу ерда турса, қилмишимиз сезилиб қолади-ку!

– Тўғри, айтасан, Қорасув дарёсига чўктириш керак. Чуқурроқ жойини биласанми?

– Биладан.

Улар контейнерни Б. Мухторовнинг уйдан 11 километр нарига – Қорасув дарёсига чўктириб юбордилар...

– Энди ўғирланган молларни сотиб, чўнтакни қаппайтириш керак, – деди П. Қолдибоев ҳамтовоқларига муғомбирона тикилиб.

– Бўлмасам-чи, – деди улар бир овоздан худди оч мушуклардек ғалати овозда.

Шу куни «режа» ишлаб чиқилди. Операцияга янги «ходим»лар – шофёр Иосиф Халетич, Анас Аҳадов, Суюмбека Фуломова жалб этилди. Уларнинг ёрдамида ўғирланган пўстинлар тезда ортиғи билан «реализация» қилинди. Шундай қилиб, улар жуда катта нархдаги мўйна буюмларини шахсий манфаатлари йўлида ўзлаштириб юбордилар. Чунончи, Пўлат Қолдибоев ўзига дарҳол янги машина сотиб олди. Қолган пулларни эса ҳамтовоқларига бўлиб берди. Улар тўйгунларича маишат қилдилар ва ўз шахсий манфаатлари йўлида текин пулни совурдилар.

Лекин, қароқчилар узоқ «ўйнолмадилар». Орадан 14 ой ўтгач, сир очилди. Контейнерга тегишли ҳужжатлар топилгач, жинойий иш қўзғалди. Жинойий ишни очиш анча мушкул эди. Тошкент транспорт прокуратураси ходимлари ва бошқа ҳуқуқ-тарғибот идоралари хо-

димларидан иборат жиноят-қидирув гуруҳи фидо-йилик кўрсатди. Ниҳоят, «Контейнер операцияси»нинг сири очилди. Қароқчилар тумшуқларидан илиндилар. Суд ҳукмига кўра улар турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

Алқисса шуки, ҳамма замонларда қайси бир инсоннинг назари тўқ бўлса, мурод-мақсадига етган. Аксинча, кимнинг назари оч бўлса, косаси оқармаган. Иззат Султоннинг «Иймон» пьесасида бу масала хўб меъёрига етказиб таърифланади: «Эй бойлик, бойлик! Агар сен келадиган бўлсанг-у, менинг уйимдан иймон кетадиган бўлса, сендек бойликка ўт қўяман, ўт!».

Очкўзлик ҳар доим ана шундай ғурбатга олиб келади. Ҳа, ҳар бир инсоннинг назари тўқ бўлсин!



**МЕН
«ҚАЛҚОН»
СТУДИЯСИ-
ДАНМАН!**

*ёхуд
уяли телефонларни
қўлга киритишга
«ихтисослашган»
фирибгарнинг
қилмишлари*

Дунёда фирибгарликнинг турлари кўп, аммо барчасида мақсад битта – алдов! Ана шу мақсад йўлида отни қамчилаган фирибгарларнинг алдовига чув тушадиган, жабрдийдага айланадиган содда одамлар эса ўзимиз.

Нуқсон, иллат сифатида таърифланадиган фирибгарликнинг, фирибгарларнинг бошқалардан устун томонлари ҳам борлигини тан олиш керак. Бу – уларнинг устамонлиги, актёрлик маҳорати, таъбир жоиз бўлса, ақллилиги. Ҳа, улар жуда ақлли бўладилар, аммо ушбу хислатларидан ғаразли мақсадда фойдаланадилар.

Танишинг, фирибгар: Муҳамедов Азизхон Равшанович, 1982 йили Украинада туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, уйланмаган, маълумоти ўрта, Тошкент вилояти, Қибрай туманида истиқомат қилади, вақтинча ишламайди, фаолияти – фирибгарлик!

Агар жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Олмазор туман судида кўрилган иш ва шундан сўнг чиқарилган ҳукм бўйича Азизхон содир этган жиноятларнинг тафсилотларини тўлиқ келтирадиган бўлсак, китобнинг саҳифалари камлик қилади. Шунинг учун айрим эпизод-

ларни қисқача баён этиб, сизнинг эътиборингизга ҳавола этишни маъқул топдик.

Фирибгарликда илк фаолиятининг хамирдан қил су-
фургандек осон битиши Азизхоннинг иштаҳасини очиб
юборди. Ушанда 2007 йилнинг февраль ойи эди. Қибрай
тумани, Байтқўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи тани-
ши Хуршид Салимовга яширинча турмушидан туғилган
фарзанди касаллигини айтиб, касалхонада операция қи-
линиши лозимлиги важи билан ўзини бечораҳол қилиб
кўрсатган Азизхон 65 минг сўмни олиб, пулни албатта
қайтаришини таъкидлаб, жуфтакни ростлади. Хуршид-
нинг ишонувчанлиги, ёрдам беришга, яхшилик қилишга
мойиллигидан фойдаланган Азиз орадан бир ҳафта ўтиб
уни такрор чув туширишнинг яна уддасидан чиқди. Ка-
салхонада даволанаётган фарзанди билан онасини гап-
лаштирмоқчи эканини айтиб, Хуршиддан уяли телефо-
нини бериб туришни илтимос қилади. Баҳоси 600 минг
сўмлик бўлган Sony Ericson K800 русумидаги «сотка»ни
қўлга киритган Азизхонни Хуршид бошқа кўрмайди.

Ҳаммаси ана шу Sony Ericson K800 телефонидан
бошланди. Қилаётган ишидан завқланиб кетган фириб-
гар янги-янги режалар устида бош қотира бошлади.
Таниши Моҳира Пахраддинованинг инглиз тилини би-
лиши, таржима билан шуғулланишидан фойдаланиб
қолишни режалаштирди.

– Менда учта дискка ёзилган учта китоб бор, – дей-
ди М. Пахраддиновани топиб учрашган Азизхон. – Улар-
ни инглиз тилига таржима қилиб берасангиз, ҳар бири-
дан 600 000 сўмдан ишлаб оласиз. Фақат бунинг учун
WAP дастурини телефонингизга ёзиб олишимиз керак.

Бундай катта пул ишлаб олиш «имкони» туғилганидан
суюниб кетган қиз 300 минг сўмлик телефонини қўш-
қўллаб фирибгарнинг ихтиёрига топширади. Табиийки,
уни бутунлай йўқотганини кеч англаб етади.

Энди хаммани ҳам инглиз тилидаги дарсликлар би-
лан алдаб бўлмаслигини тушунган Азизхон янги режа

ишлаб чиқади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, фирибгарлар ақлли бўладилар ва ақлни ғараз мақсадларга йўналтирадилар. А. Муҳамедов компьютерни, интернетни яхши тушунадиган мутахассис. Шунинг учун ҳам интернетдан Ўзбекистондаги коллеж ва лицейларнинг рўйхатини, манзили ва йўналишлари ҳақидаги маълумотларни топиш унга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмади. У бир пайтлар академик лицейда сабоқ олаётган вақтда электрон китоблар, электрон таржима дастурлари ишлаб чиққан, уларга муаллифлик қилган эди. Ана шу билими навбатдаги режасини амалга оширишда жуда қўл келди. Ушбу режага кўра, интернетдан олган рўйхати бўйича интернет, ахборот технологиялари соҳасидан узоқ мутахассислар тайёрлайдиган коллеж ва лицейлар, уларнинг ўқитувчи ва талабалари унинг қурбони бўлишлари керак эди. Шундай бўлди ҳам.

Қилмишларини ниқоблаш учун ўзига ўзи «лавозим» ўйлаб топди. Ўзини гўёки пойтахтда фаолият юритаётган «Қалқон» студиясининг ходими деб таништириб янги жабрдийдаларни овлашга киришди.

– Мен «Қалқон» студиясиданман. Мен ҳукуматнинг мавжуд фармон ва қарорлари электрон дастурини ишлаб чиқяпман. Истасангиз уни сизга тақдим қиламан, истасангиз ҳаммуаллиф бўлишингиз мумкин. Агар ишимизни муваффақиятли тугаллаб, сизни ёки коллежни номидан тақдим қилсак, биринчидан машҳурликка эришилади, иккинчидан, катта миқдорда грант ютиб олишимиз эҳтимоли пайдо бўлади.

Шу гапларни у жуда кўп талабаларга, ўқув муассасаларининг мутасаддиларига такрорлайдиган бўлди. Ишонтириш, янги дастурнинг афзаллиги ва имкониятларини исботлаш учун актёрлик маҳоратини ишлатиб, қоғозқалам билан унинг хомаки шаклини чизиб кўрсатадиган, унинг орқасидан келадиган обрў ва рағбатлар ҳақида чиройли ваъзлар айтадиган бўлди.

Гаплари дадил, ўзига ишонган, билимли экани кўриниб турган, бунинг устига «Қалқон» студиясидан келган йигитчанинг юқоридаги гапларига ишониб, чув тушганларнинг ҳаммаси суд жараёнида гувоҳлик беришди.

Фирибгарликнинг сценарийси бир хил эди: мўлжалга олинган объект унинг гапларига ишонганидан кейин дастур компьютерда ёзилгани, аммо махсус пароль, серия коди билан ҳимоялангани, фақат уяли телефонга ўтказиб (ёзиб) олингачгина фойдаланиш имкони туғилишини таъкидлаб, бирин-кетин қимматбаҳо телефонларни қўлга кирита бошлади. Телефонлар эса пойтахтдаги Навоий кўчасида жойлашган савдо расталари теварагидаги олиб-сотарларга пуллаб юборилаверди.

Фирибга учган жабрдийдаларнинг рўйхатини тўлиқ келтириш шарт эмас, бунинг имкони йўқ, улар жуда кўп, фақат айримларини санаб ўтишимиз мумкин.


Юқоридаги гапларни айтиб, фириб усулини қўллаб А. Муҳамедов талаба Т. Зуфаровдан 312500 сўмлик, Ў. Турганбаевдан 130 минг сўмлик, Ҳ. Турғуновдан 375 минг сўмлик, А. Ражабовдан 120000 сўмлик, У. Ўроқовдан 350 минг сўмлик, коллеж ўқитувчиси С. Исроиловдан 200 минг сўмлик, технолог У. Аҳмедовдан 250 минг сўмлик, А. Ишимовдан 250000 сўмлик, С. Мавлоновдан 150 минг сўмлик уяли телефон аппаратларини алдов йўли билан қўлга киритиб, сотиб юборади.

Фақат 2007 йилнинг 18 апрелига келиб фирибгарнинг йўли тўсилди. Навбатдаги операциясини амалга ошираётганида «Буюк Ипак йўли» метроси ҳудудида ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан қўлга олинди. Фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суистеъмол қилиб, ўзганинг мулкани қўлга киритиш билан шуғулланиб келган А. Муҳамедов суд ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» бандига кўра айбдор деб топилиб, тегишли жазосини олди.

Шу ўринда битта мулоҳаза. Хўп, майли, Азиз Муҳамедов фирибгарлик йўлини танлаган экан, аммо унинг жабрдийдалари нега ҳушёрликни йўқотдилар? Ахир чув тушганларнинг аксарияти ақл-ҳуши жойида, ўқимишли, саводли одамлар-ку?! Наҳотки, фирибгарни йўлнинг бошида ёки ўртасида ҳеч ким тўхтата олмади?

Нега вазият шу даражага бориши учун шароит яратиб берилди?

Саволлар кўп. Аммо Азизхон Муҳамедов сўнги фирибгар эмас. У жазосини олди дегани орамизда бошқа Азизхонлар қолмади дегани эмас. Эҳтиёт бўлайлик, ҳушёр бўлайлик! Фирибгарларнинг фирибига учрашдан ўзимизни ва атрофимиздагиларни ҳимоя қилайлик.



Бир яхши, бир ёмон гап тез тарқалади. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

– Ҳой, эшитдингизми, шаҳримизда ниқобли ўғрилар пайдо бўлганмиш. Улар қоқ ярим кечада таппа-тап босармиш-у, лаҳзада уйни шип-шийдон қилиб, хонадон эгаларининг оёқ-қўлларини боғлаганича, жуфтакни ростлаб қолармиш...

Хўш, маъмурчилик, тўкин-сочин замонда фаровон ҳаётимизга доғ тушираётган бу безорилар кимлар, улар қаердан пайдо бўлишган? Улар ҳам биз билан ёнма-ён яшашади. Биз нафас олаётган ҳаводан нафас олишади. Давлатимиз томонидан яратилган барча қулайликлардан ҳамма қатори баҳраманд бўлишади. Амалдаги қонун-қоидалар уларга ҳам тааллуқли. Қолаверса, бу кимсалар ҳам инсон фарзанди. Улар ўғри бўлиб туғилишмаган. Уларни ота-оналари яхши ният билан катта қилишган. «Фарзандим улғайиб, оғиримни енгил қилармикин, халққа хизмат қилиб раҳмат келтирармикин», деган умидда бўлишган. Минг афсуски, ота-она орзуси рўёбга

чиқмади. Ноқобил фарзандлар қабиҳ ишлари билан оналарига лаънат келтиришди.

Агар бу текинтомоқлар фаолиятига нуқта қўйган ўша сўнги воқеа содир бўлмаганида, билмадик, улар яна қанча-қанча хонадонлар тинчини бузишарди, яна қанча соддадил кишиларнинг қалбига озор етказишарди.

Қоқ ярим кечада Олмазор туманидаги Парвариш кўчаси бошида «Москвич» машинаси пайдо бўлди. Машина кабинасидан бирин-кетин беш киши бамайлихотир тушди. Уларнинг ширакайфлиги сўзларидан, юриш-турушларидан шундоққина билиниб турарди.

– Йигитлар, – деди тўда бошлиғи, – қани зудлик билан ишга киришайлик.

Тунги шарпалардан бири бир сакрашдаёқ уй деворига миниб олди. Лозим бўлган дақиқада ишга солиш мақсадида белбоғига катта темир қистириб олган эди. Эшик оҳиста очилиши билан шарпалар дарҳол ўзларини ҳовлига олишди. Олдиндан белгиланганидек, улардан бири ички хонага, қолганлари бошқа хоналарга тарқаб кетишди.

Уй эгаси Нозил ака чўчиб уйғонди. Қаддини ростламоқчи бўлди-ю, лекин тўсатдан бошига тушган темир зарбидан беихтиёр бақриб юборди. Отанинг алам-ли овозидан уйғониб кетган ўғиллари – Баҳодир ва Фахриддинлар дарҳол ҳовлига отилишди.

– Жонингдан умидинг бўлса, яқинлашма.

Қоронғида писиб турган уч кўланканинг биридан шундай овоз чиқди. Бироқ ака-ука ўзини йўқотмади. Дадил уларга ташланди. Ўғрилар қўлларидаги қуролларини ишга солишди. Санчилган тиғ зарбидан Баҳодир ҳушидан кетди. Бу сафар омади келмаганига ишонч ҳосил қилган ўғрилар бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.

Отаси ва акаси беҳол ётганини кўрган Фахриддин ёрдамга онасини чақирди. Бироқ онаси ётган уйдан

садо чиқмасди. У ичкарига югурди. Кирди-ю, бирдан қотиб қолди. Нафаси тобора бўғилиб бораётган она-си хириллар, унинг ёнига ўтириб олган кимса эса овоз чиқмаслиги учун баттар бўғарди. Руҳий азобдан ўзини тута олмаган Фахриддин онасининг рақибига ташланди. Жон ширин экан. Ўғри Фахриддиннинг чангалидан зўр-базўр қутулиб чиқди-ю, ташқарига ўзини отди. Хонада унинг кўйлаги, шофёрлик гувоҳномаси, оёқ кийими ва қўл фонари қолиб кетди. «Тунги меҳмонлар» ҳали тонг отмасданоқ қўлга олинди.

Биз бу фожеа тафсилоти ҳақида дастлаб одамлар оғзидан бир неча бор эшитган эдик. Кейин туман ички ишлар бўлими билан боғланиб, шу безориларнинг суд жараёнида қатнашиш ниятида эканлигимизни билдирдик.

...Зал одамлар билан тўла. Ҳамманинг нигоҳи қора курсида ўтирган йигитларга қаратилган. Уларга тикилиб туриб, хаёлингда беихтиёр бир савол туғилади: – Хўш, авжи кучга тўлган, жазм этса, тоғни талқон қилишга қурби етадиган бу ёшларни жиноятга нима бошлади экан? Тўқликка шўхликми? Ёки тарбиясизлик оқибатими?

Олдинги қаторда ўтирган ўрта ёшлардаги бир аёл тўсатдан йиғлаб юборди. «Ҳаммасига мен айбдорман, мен» дея бошини чангаллаб қолди.

Ички бир туғён билан айтилган бу гап бошқа оналарни ҳам сергаклантирди. Улар бир-бирларига маъноли тикилиб қолишди. Хўш, бундай бўлишини уларнинг қайси бири ўйлабди? Агар билганида қаттиқ турмасмиди? Ўғлининг ҳар бир босган қадамидан хабардор бўлмасмиди? Фарзандининг ҳар куни ёки кунора тонгга яқин уйга келиши сабабини сўраб-суриштурмасмиди? Ўғли топиб келаётган мўмай пуллардан бир улуши унга текканида фарзандининг топганига барака тиламай, ўша ҳаром пуллар билан унинг юзига туширмасмиди? Афсуски, вақт ўтди. Онанинг дарди ичида қолди.

Қора курсида ўтирган қолган жинойтчиларнинг ота-оналари хаёлида ҳам ҳар хил ўйлар кезар, лекин уларнинг биронтаси тутқич бермасди. Лекин шу дамда умид билан ўстирган ўғиллари боши берк кўчага кириб қолганини қалбан ҳис этишар, эътиборсизликлари учун ўзларини лаънатлашарди.

Келинг, ҳурматли ўқувчи, залдагилар ўйлагунларича, биз жинойтчиларнинг қилмишларидан бир бошдан сизни огоҳ этайлик.

Тунги ресторан одатдагидан гавжум. Официанткаларнинг кўли-қўлига тегмайди. Башанг кийинган уч йигит эшиқдан кира солиб, кимнидир ахтара бошлади. Улардан бири таниш официанткага яқинлашди. Официантка йигитни кўриши билан гўё йўқотган қимматбаҳо буюмини фавқулодда топиб олган кишидек хурсанд бўлиб кетди.

– Яхшимисан, Алик. Нега кўринмай кетдинг?

– Ҳозир савол-жавобнинг мавриди эмас. Яхшиси, бизни тезда ўтқаз-да, овқатлантир.

Йигитлар ўзларига қулай жойдан ўрин олишди. Официантка столни дарҳол турли хил таому ичкиликларга тўлдириб юборди.

– Чакки эмас-ку, – деди йигитлардан бири официанткага ишора қилиб, шеригига.

– Пул гадоси-да.

Ўртада енгил кулги кўтарилди.

Худди шу пайт «Марказ – 13» даҳасидаги 25-уйдан бир йигит чиқиб келди. У ҳовлида турган «Жигули»га шошиб ўтирди-да, уни ўқдек учириб кетди. Машина кўп ўтмай, Тошкентнинг бир қанча марказий кўчаларини ортда қолдириб, таниш ресторан ёнига етиб келди. У шошилганидан машина эшиklarини қулфлашни ҳам унутиб, ичкарига кирди. Кучли мусиқа оҳанги, ширакайф хўрандалар ғовур-ғувури ва бутун зални қоплаб олган папирос тутунидан бир зум талмовсираб қолди. Сўнг шериклари томон дадил қадам ташлади.

– Қани, бўлақолинглар, – деди у ҳамтовоқлари ёнидан жой оларкан. – Анча вақт бўлиб қолди. Борадиган жойимиз эса олис.

– Сафар олдидан яна биттадан отайлик.

Йигитлар баравар ароқдан симиришди. Кейин ёнларида сузилиб турган официанткага нақд 15 минг сўм бериб, ташқарига чиқишди. Машина кабинасига жойлашиб олишгач, шофёр гап отди:

– Арзимаган харажат учун 15 минг сўм қанот қоқишидан кеча мўмай даромад қўлга кирганга ўхшади.

Йигитлар бир-бирларига маъноли қараб олишди.

– Ёмон эмас. 200 минг сўм тўрт киши ўртасида тақсимланди.

Катта сумманинг номини эшитган шофёр ичидан зил кетди. Кечаги операцияда қатнашмагани учун ўзини койиди.

– Қаерга борган эдинглар, – сўради зўр-базўр ҳасадини сездирмаслик учун.

– Қорақамишга, – йигитлардан бири шундай деди-ю, бир нарсадан таъсирланди шекилли, хохолаб кулиб юборди.

– Ўзиям ўлгудек қўрқоқ одамлар экан. Шунча пулни ўз қўллари билан топширишди. Бунинг устига Алик уй эгасини мажбурлаб оғзидаги тилла тишини суғуриб олди. Қўрқувдан дағ-дағ титраб турган хотин бечора эса, қулоғидан тилла зираклари юлиб олинса ҳам миқ этмай тураверди.

Ёнидаги ҳамроҳи кечаги ўғирлик ҳақида сайрагани сари шофёр ҳасаддан ёниб, алаmidан баттар машинани учирарди.

Тонгги соат учларда машина Келесдаги бир хонадон олдида тўхтади. Бир зумда юзларига ниқоб тортиб олган йигитлар ишга киришиб кетишди. Хонадон эгалари уйғониб улгуришмай, кетма-кет тушган калтак зарбидан

хушларидан кетишди. «Тунги меҳмонлар» бу уйдан жами 5,576 минг сўмлик тилла ва турли-туман буюмларни ўмаришиб, кўздан ғойиб бўлишди.

* * *

Болани эркалатиш унинг истакларини бекаму кўст бажаравериш хунук оқибатларга олиб келиши турган гап. Фарзанд тарбияси ниҳоятда мураккаб бўлганлиги учун унда ирода ва характер ҳисларини тарбиялашда меъёрни билиш лозим. Бола тарбиясида оиладаги муҳит катта аҳамиятга эга. Агар ота-она нопок бўлса, сўзсиз бу «фазилатлар» бола характериға кўчади. «Қуш уясида кўрганини қилади» деганларидек, бола ҳам шу йўлдан боради. Эрка фарзанд меҳнатға буй тобламайди. У оғирнинг усти, енгилнинг таги билан юришға, маишатға берилади, маънавий бузилади. Бунинг учун нопок йўл билан пул топишға киришади. Аста-секин қўли эгри бўла бошлайди. Ва ниҳоят жиноят содир қилади. Ўғри деган хунук ва жирканч ном олади...

Биз ҳикоя қилаётган безориларнинг ота-оналари ҳам одоб-ахлоқ бобида ўз фарзандларига ибрат бўлганларида, улар тарбияси устида жиддий шуғулланганларида ва уларни назоратсиз қолдирмаганларида, балки улар жиноят кўчасига киришмаган, бундай бемаъниликларни қилишмаган, ота-оналарининг юзларини ерга қаратишмаган бўлардилар.

Эндиликда, ота-она ёрдамиға муҳтож бўлмай қолган ҳаромтомоқларни қабих йўл билан топилган бойлик кун сайин қутиртирарди. Пуллар асосан ресторан ва суюқоёқ аёллар учун сарф этиларди. Бўлажак операциялар режаси ҳам худди ана шу ресторанларда тузилар эди. Бу хотамтой хўрандалардан талайгина ортиқча пул олаётган официантқалар ҳам уларнинг баъзи қилмишларидан хабардор бўлсалар-да, бу ҳақда ҳеч кимға оғиз очишмасди.

Қоқ ярим кечада Олмазор туманидаги Фаробий кўчасида яшовчилар қўшнилари эр-хотинларнинг бақирӣқ-чақирӣқларидан уйғониб кетишди. Ҳамма ёрдамга шошилди. Улар воқеа содир бўлган жойга етиб келганларида ҳушсиз ётган уй эгаси ва қўрқувдан эс-ҳушини йўқотаёзган унинг хотинини кўриб, ҳангу манг бўлиб қолишди.

Маълум бўлишича, тўрт нафар нотаниш киши девордан ошиб, ҳовлига тушишган ва эр-хотин ухлаб ётган хонага кириб, уларга пичоқ ўқталиб, уларни уйғотишган.

– Чурқ этсанг, бошинг кетади.

Шундоққина тепасида турган тўрт кишидан бирининг хирилдоқ овозини эшитиб, эр-хотин бир зум қотиб қолишади. Эркак ҳаёлини йиғиб, уларга ташланмоқчи бўлади. Лекин кетма-кет темир зарбидан ҳушини йўқотади. Номаълум шахслар бу оиладан 1,819 минг сўм пул ва тилла буюмларни олиб чиқиб кетадилар.

Эрталаб бу уйга милиция ходимлари етиб келишади. Лекин Собировлар қўрқувдан жиноятчилардан биронтасининг гавда тузилиши ва белгиларини билиб қолишмаганди. Бунинг устига ўғрилар юзига ниқоб тортилган бўлиб, улар ашёвий далил бўладиган бирор из қолдиришмаганди.

Бу жиноий иш юзасидан қидирув давом этаётган бир пайтда Озод кўчасида яна бир жиноят содир бўлади. Ўғрилар тўрт киши бўлишган. Кечаси соат учларда девордан ошиб, ҳовлига киришади. Улар хонадон бекаси Сиддиқовага пичоқ ўқталиб, тилла буюмлар ва бор пулини олиб беришни талаб қилишган. Қўрқиб кетган аёл нотаниш кишиларнинг истагини бажо келтиришга мажбур бўлган.

Ишёқмас такасалтанглардан ташкил топган бу гуруҳ пайти келганда якка ҳолда ҳам одамларни талаган, туш-

ки пайтлари ён-атрофда яшовчилар ва таниш-билишларининг уйларида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, улар хонадонига кириб, бор бисотларини шилиб кетган. Қимматбаҳо тилла буюм ва гиламларни арзимаган пулга сотиб юборган.

Шу ерда яна бир савол туғилади. Хўш, ўша буюмларни сотиб олаётган харидорлар нима учун бу мол-мулклар арзон-гаров сотилаётганини суриштиришмадийкин? Ахир қимматбаҳо мол икки-уч ҳисса паст нарҳда сотилса-ю, ўша харидор тушмагур наҳот бунинг замирида қинғир иш ётганлигини билмаса? Албатта, билган. Лекин индамай сотиб олаверган. Ўз манфаатини кўзлаган. Ахир бировлар пешона тери билан топган жиҳозларни кўтарасига сотаётган бу «танти савдогарлар» вақтида жиловланмаса, бир кунмас, бир кун уларнинг мол-мулкига ҳам кўз олайтиришларини ҳаёлларига ҳам келтиришмаган.

...Ўша кеча Чилонзордаги «Яккабоғ» кўчасидаги бир уйда аллавақтгача чироқ ўчмади. Оила аъзолари узоқ гурунги қуришди. Кейин Холида опа эрига кечаги кўрган тушини айтиб берди.

– Хўп қизиқсан-да, хотин, – деди эри, – бирам ваҳима қиласанки, ахир тушга нималар кирмайди, ўзи...

Онасига тасалли бераётиб Мавлуда ҳам дадасининг фикрига қўшилди. Она юраги сезувчан бўлади деганлари рост экан. Чиндан ҳам шу куни қоқ ярим кечада бошларида пичоқ ялтиратиб турган, юзи дока билан боғланган тўрт номаълум кишини кўрганда Одиловлар қўрқувдан қотиб қолишди.

– Безорилар жароҳатланган эр-хотиннинг устига бутун кўрпа ёстиқларни уюб ташлашди. Хоналар бир зумда тит-пит бўлиб кетди. Барча қимматбаҳо буюмларни ташқаридаги машинага юклашди. Талончилар бу оилага катта миқдорда моддий зарар етказдилар.

Милиция хизматчилари қанчалик сергак туришмасин, тўда иштирокчилари уларга ҳамон чап беришарди. Орган ходимлари қўлида эса безорилардан лоақал биронтасининг характерини белгиловчи маълумот йўқ эди. Мана шуниси қидирув ишини орқага сурарди.

Биз мақола бошида келтирган воқеа рўй бермаганида эди, улар яна қанча-қанча оилаларга зарар етказишарди, яна неча-неча кишиларни қон қақшатишарди...

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди бу безорилар фаолиятига сўнги нуқтани қўйди. Тўда аъзолари турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

Ҳозиргина одил суд жазолаган йигитлар ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаб, ўғрилик, босқинчилик йўли билан тинч аҳолининг ҳаловатини бузиб, шахсий мулкани ўғирлаб, ҳаромтовоқларга айланишган эди. Ўғрилар гуруҳининг қарийб икки йиллик «фаолияти»нинг давом этишига ҳам айрим кишиларнинг қўрқоқлиги, фақат ўзини ўйлаб, ўзгаларни ўйламаслиги, худбинлиги сабаб бўлган. Биз гуруҳ жиноий ишлари билан танишганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик.

Айтайлик, агар кўп қаватли «дом»да турган бирор киши эшикка чиқса, қўшнисининг эшигини кимдир бузаётганини кўрса-да, «миқ» этмай, бирон-бир хавфдан чўчиб, бўйнини ичига тортиб олган типратикондек уйига кириб кетади. Унга ўғирлик қилиш учун шароит яратиб беради. Ҳатто, уйида турган телефон орқали милицияга хабар қилишни ҳам лозим топмайди.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишга тўғри келади. Кишилар кўп нарсага эътиборсиз қарайдилар. Нима учун биз яшаётган уй йўлаклариде (подъездларида) шубҳали, бегона кишилар пайдо бўлса, биз уларга бефарқ қараймиз?! Нима учун бегона кишилар уймау юриб ўғирланган ноёб молларни сотсалар, хурсанд бўлиб арзон нархига олишга шошиламиз? Нима учун бу

ким, қаердан олдийкин, кимники экан, нима учун арзон-гаровга сотаяпти, деб ўйламаймиз?! Нима учун бунга виждонимиз йўл қўяди?

Биз одамларни мардликка, эътиборли, синчков, огоҳ бўлишликка чақирамиз! Зотан, бу жамият учун ҳам, инсоннинг шахсий ҳаёти учун ҳам зарурдир!



ЧАҚИРИЛМАГАН «МЕҲМОНЛАР»

...Шаҳар кўчалари одатдагидек гавжум, кўпчилик ишда. Лекин сокин маҳаллаларнинг тинчи бузилди-қолди. Нотаниш шарпалар куппа-кундузи шаҳарнинг гоҳ у бурчагида, гоҳ бу бурчагида пайдо бўлиб, кимсасиз қолган хонадонларни шип-шийдон қилиб кетадиган бўлиб қолишди.

– Ҳой, овсин, эшитдингизми! Бугун куппа-кундузи қўшнимизнинг уйини уриб кетишибди.

– Вой, ҳалигина шу ерда бир совуқ башарани кўрувдим-а, ўша бўлмасин тағин... Нимасини олибди?

– Ҳеч вақоси қолмабди. Гилами-ю, биллуригача, магнитафону рангли телевизоригача кўтариб кетишибди...

Кўни-қўшнилари бундай гап-сўзлари тез-тез кулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Ўн саккиз кишидан иборат ўғрилар тўдаси жуда усталик билан иш кўрарди. Улар совуқ қуроллар ва турли ниқоблардан фойдаланишарди.

Одатдагидек, ўғрилар «шеф»и О. Есипов (айрим мулоҳазаларни ҳисобга олиб, жиноятчи ва жабрланувчиларнинг исми-шарифлари ўзгартирилди) шериклари

3. Карковский, В. Ключев ва А. Солодовни ўз «қароргоҳи»га чақирда:

– Гап бор, – деди бошлиқ ҳамтовоқларига чап кўзини қисиб. – Солодовнинг айтишича, унинг такси саройида бирга ишлайдиган Г. Попов деган «бойвачча» таниши бормиш. Солодов уникага борганда уйининг жиҳозларини кўриб, кўзининг пахтаси чиқаёзиди. «Разведка»миз маълумотларига қараганда, бугун уйда ҳеч ким йўқ экан.

Улар А. Солодов бошқараётган такси саройига қарашли ГАЗ–24 «Волга» машинасига ўтирдилар. Биқинига шахмат катакчалари шакли туширилган машина тезда Г. Попов яшайдиган «2-Қорасув» мавзесидаги керакли уйга етиб борди.

– Ҳу анави йўлакдаги хонадон Поповники, – дея ишора қилди Солодов уйни кўз қири билан кўрсатиб. – Бемалол бораверинглар. Мен сизларни машинада кутиб тураман. Япон магнитофони эсларингдан чиқмасин. Жуда зўр магнитофон!

Шарпалар бир зумда уй йўлагида пайдо бўлдилар. Солодов эса, такси эшигини очиб қўйиб, хотиржам «мижоз» кута бошлади.

Қулф бузишда устаси фаранг О. Есипов кўз очиб-юмгунча Поповнинг эшигини «тинчитди». 3. Карковский билан В. Ключев хонага ўқдек отилиб кирдилар. Бироқ улар ичкарида кутилмаган мезбонга дуч келдилар. Буни кутмаган ўғрилар бир зум довдираб қолишди. Ўз навбатида, ҳали балоғатга етмаган 15 ёшли С. Попов ҳам чақирилмаган меҳмонларнинг турқи-тароватини кўриб, эс-ҳушидан ажрала ёзди. Есипов қўлида ялтираган болтасини, Карковский эса, бир қарич келадиган ўткир тиғли пичоғини ялтиратганича пишқириб, болага ўқталди:

– Қани, жонингдан умидинг бўлса, шкафга кир! Акс ҳолда!..

Ўғрилар болани туртиб-суртиб шифоньерга қамаб қўйишди, кейин шоша-пиша тинтувга тушиб кетди-

лар. Уйдаги жиҳозларни кўриб, кўзлари ўйнаб кетган босқинчилар, нима яхши кўринса, шуни ола бошладилар...

Пастда ҳамтовоқлари кечикаётганидан безовталаниб турган Солодов уларнинг юк билан чиқаётганликларини кўриб, тиржайиб қўйди. Такси «мўъжизалар»ни олгач, қутирган туядек, пишқирганича жойидан кўзғалди.

Ўғрилар шу куни «ўлжа»ни тинчитдилар. Текин пул ҳисобига бўлган яхшигина маишатдан сўнг Есипов иккинчи «операция» режасини ўртага ташлади.

– 2-Шимоли-шарқ даҳасидаги 71-уйнинг бир шинам хонадонида С. Тугова деган аёл яшайди. Билишимча, топиш-тутиши тузук экан. Шомда иш бошлаймиз...

Қош қорайиши билан бу «операция» ҳам ими-жимидан амалга оширилди. Кечқурун ишдан қайтиб келган Тугова уйига кириб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Шинам хоналар худди эгаси кўчиб кетгандек, ҳувиллаб қолган эди.

Орадан бир кун ўтмай, Юнусобод туманининг Шаҳристон кўчаси, 83-«а» уй хонадонида истиқомат қилувчи Л. Мляренко ҳам шундай аҳволга тушди.

– Шундай эшикка яқинлашганимни биламан, – дея ҳикоя қилди аёл, – ичкаридан уч киши отилиб чиқиб, томоғимдан ғиппа бўғишди. Қўрққанимдан дамим чиқмай қолди. «Овозингни чиқарсанг, ўласан» деган товушдан эс-ҳушимни йўқотдим. Улар мендан хонадаги қимматбаҳо буюмларимни ўз қўлим билан олиб чиқиб беришимни талаб қилишди...

Ниқобли ўғриларнинг фаолияти жадаллашиб борарди. Улар куппа-кундузлари одамларнинг уйларида йўқлигидан фойдаланишиб, уй эгаларининг бор-будларини шипириб кетавердилар. Кечқурунлари эса, ресторанларда ўтиришиб, «бойвачча»ни қидиришар, улар билан «умумий тил» топишишга ҳаракат қилишар, бир умрлик қадрдон бўлиб қолиш учун қадаҳ кўтаришар, «бойваччалар»нинг топиш-тутишларини ўрганишар,

борди-келди қилишга ваъда берардилар. Агар «бойвачча» бўлса, эртасигаёқ меҳмонга боришларини изҳор этишарди. Меҳмонда бўлишгач, орадан бир-икки кун ўтар-ўтмас, таниш уй эгалари уйларининг шип-шийдамлигидан хангу манг бўлиб қолаверардилар.

Кун сайин ўғирлик билан тўпланаётган бойлик нафс бандаларини қутуртирарди, кунига бир эмас, икки «операция»ни амалга оширадиган бўлишди. Энди улар ҳеч нарсадан чўчимай, очикдан-очик ҳаракат қилишарди.

Тунлари ресторанларда маишат қилишар экан, лақма, содда кишиларга ўзларини ҳамма нарсанинг уддасидан чиқадиган устаси фаранг қилиб кўрсатишар, керак бўлса, барча масалаларда ҳар қачон ёрдамга тайёр эканликларини айтардилар. Одатдагидек, ресторандан чиқилгач, Есипов бошчилигида навбатдаги «хонадон операцияси» режаси тузиларди.

...Ўша куни Чилонзор даҳаси 23-мавзе 57-уйда яшовчи уй эгаси А.С. Кашинцкач ва унинг қизи Марина ҳамда меҳмон Лисенкони эшикнинг тарақ-туруқ очилганидан ўтакаси ёрилай деди. Қўрққанларидан улар худди сувга тушган мушукдек жимиб қолдилар. Юзларига аёлларнинг пайпоғини ниқоб қилиб кийиб олган ўғриларнинг қўлида ялтираган болта ва пичоқларни кўриб мезбонлар дағ-дағ титрардилар. Устига-устак Есипов уларга дўқ урарди:

– Финг десаларинг, каллаларингни сапчадек узиб ташлаймиз. Тушундиларингми?

Ўғрилар уй эгасидан жавоб ҳам кутиб ўтирмай, уларнинг бармоқларидаги узукларни, қулоқларидаги зиракларини юлқиб олишди. Бу уйдан жами миллион сўмлик молни ўмаришиб, «қуён» бўлдилар.

Бундай разилликка қўл урган ўғрилар эрта-индин тишлари тошга тегишини бутунлай унутгандилар. Улар ҳеч нарсадан қўрқмас, «пулинг бўлса – чангалда шўрва» қабилида иш тутардилар.

Шаҳар милиция органлари қошида тузилган оператив гуруҳ эрта-ю кеч ишлар эди. Улар бир изни ўрганишга, содир этилган ўғрилиқни синчиклаб таҳлил қилишга киришган эдилар. Текширишлар натижасида шаҳардаги ўғриликларни фақат битта тўда амалга ошираётганлиги тезда уларга сир бўлмай қолди.

Чилонзор тумани ички ишлар бўлимининг оператив қисм бошлиғи ўринбосари А. Шестак, жиноят қидирув бўлими бошлиғи Х. Алимов, катта инспектор Т. Болтаев, жиноят қидирув бўлими инспектори А. Дадабоев, Юнусобод тумани Ички ишлар бўлими оператив бўлинма бошлиғи ўринбосари М. Муродов, жиноят қидирув бўлими бошлиғи ўрибосари А. Рустамов, катта инспектор Г. Аршалуйсян ва бошқа милиция ходимлари, кунни тонгга улаб, астойдил ўғрилар изига тушдилар... Тез кунда ўғриларнинг топган ҳаром луқмалари тишларини синдирди.

Таҳририятга бир аёл кириб келди. Унинг қўлида газета бор эди. Салом-аликсиз бизга ўшқира кетди:

– Манавини ким ёзди, – деди у газетанинг тўртинчи бетида босилган суд метариалларини кўрсатиб. Биз оғиз очишга улгурмай, бобиллаб кетди:

– Менга буни ёзган одамни кўрсатасиз, тамом-васалом!

– Нима, эътирозингиз бормиди?

– Бошдан-оёқ нотўғри. Менинг болам жиноятчи эмас. Бекордан бекорга қамалиб кетди.

Ҳайрат билан бу аёлга термулдик. Ё тавба, узил-кесил ҳал этилган суд ҳукми нотўғри бўлса-я? Унинг «беғуноҳ» ўғли наҳот кимларнингдир айби билан қамалган бўлса? Ростдан ҳам суд шу масалада ноодиллик қилган бўлса? У ҳолда...

Тўғри, аёлнинг ўз ўғлига ён босиши табиий. Ахир, қайси она ўз фарзандининг ёмон отлиқ бўлишини, қўниқўшни, қариндош-уруғ олдида шарманда-ю, шармисор

бўлишини истайди? Лекин, мени бир нарса таажжубга солди. Наҳот, жигарбандини юракдан севган, унинг жиноятчи эканлигини тан олмаётган мана шу она ўғлининг қилмишида шахсан ўзининг ҳам улуши борлигини ҳамон тушунмаётган бўлса? Ҳа, назаримизда у тушунмаяпти. Агар тушунганида бировлардан ўпкалиб юрмасди. Агар тушунганида, ўзини оқ, ўзгаларни қора қилмасди, ўз айбига иқрор бўларди. Ўғлининг босар-тусаридан беҳабар қолгани учун ўзини лаънатларди.

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни эндиликда ҳаммага аён. Бу борада халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади» деб, доно гап айтган. Бас, ишонч билан айта оламизки, агар бу жанжалкаш аёл оиласида ҳам тотувлик, ширинсуханлик бўлганида, балки ўғли жиноят кўчасига кирмасди, ичкиликбозликка берилмасди. Бегуноҳ кишиларга озор етказиб, қанчадан-қанча одамларга ташвиш солмасди.

Яхшиямки, ўғил вақтида жиловланди. Уни нотўғри йўлдан қайтариш бегона кишилар зиммасига тушди.

Биз китобхонларга ҳикоя қилаётган жиноятчиларнинг энг каттаси 29 ёшга борган, қолганлари эса 19-20 ёшда. Кўпчилиги аввал қамалиб чиқиб, тавбасига таянмаган. Суднинг қора курсисида ўтирган бу 18 нафар йигитнинг ҳам ота-оналари бор. Эндиликда уларнинг бошлари эгик. Тўғри-да, фарзанди жиноятчи деган ном олган ота-она теварак-атрофдан боқиб турган жабрдийда одамлар кўзига қандай қарай олади?

Ота-она меҳр-муҳаббати – муқаддас туйғу. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин фарзандини ортиқча эркалатиш, кўр-кўрона муҳаббат туйғуси кўпинча манфаат-парастлик, ёлғончилик, шафқатсизлик каби иллатларнинг рўёбга чиқишига сабаб бўлади. Кўр-кўрона севилган фарзанд ота-она учун бамисоли кўғирчоққа айланади. Ҳолбуки, болани кўғирчоқ қилиб эмас, балки ҳақиқий инсон қилиб тарбиялаш керак. Бундай инсон ҳақиқий меҳр-муҳаббатга лойиқдир.

Бу ўринда яна бир нарсани унутмаслик керак. Бола ҳақида ғамхўрлик уни кийинтириш, тўғри ва соғлом ўстириш билангина белгиланмайди. Албатта, бола-ни жисмоний бақувват қилиб ўстириш яхши. Лекин у ахлоқан баркамол бўлса, нур устига нур. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун бола тарбиясига унинг ёшлигидан қайғуриш лозим. «Болам ҳали ёш, катта бўлганда яхши бўлиб кетади» дегувчи ота-оналар кўпинча бармоқларини тишлаб қолишган.

...Мана, залда сукунат. Ҳамма суд ҳукмини кутмоқда. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани судида судья ҳукмини ўқиб эшиттирди. Жиноятчилар тўдаси, яъни ҳеч қаерда ишламай, ўғирлик ҳисобига яшаб келаётган «хавфли ошнолар»нинг 18 нафари турли муддатларга қатъий режимли қамоқ билан жазоландилар.

Хотима ўрнида шуни айтиш керакки, текин томоқ барибир тешиб чиқади, ўғирлик ош баданга сингмайди. Бунга бефарқ қараганлар бир кун эмас, бир кун боши «тақ» этиб деворга текканда, кўзлари мошдек очилади.

ЛАЙЛОНИНГ ҚОТИЛЛАРИ



Уни ўзи билан бирга ижодий фаолият юритиб келган «Ал-вакил» эстрада гуруҳининг солистлари ваҳшиёна ўлдирганига ишониш қийин...

Ва лекин нақадар аччиқ бўлса ҳам – бу ҳақиқат. Таниқли хонанда Лайло Алиева саҳналару тўй-ҳашамларда завқ-шавқ билан куйлаганида қўшиқларидан маст бўлиб, куй чалиб турган созандалари унинг жонига қасд қилишди. Нега? Ахир санъат инсонни гўзалликка муҳаббат руҳида ва аксинча жоҳиллик, золимлик, ваҳшийлик, қўйингчи, барча қабоҳату разолатга нафрат руҳида тарбиялаши лозим эмасми? Нега «Ал-вакил»нинг мазкур қотилликка алоқадор аъзоларига келганда бундай бўлмади? Ё уларнинг қалби қўшиғу мусиқа таъсир этмайдиган тошданми? Йўқ, йўқ, ундай дейишга ҳам тил бормайди! Сабаби уларни санъатнинг сеҳрию мўъжизакор оламига етаклаган, бу касбнинг этагидан ушлатган шу эҳтиросли қалблари эмасми?

Афсус, минг афсус шундай ҳам эмас экан. Аксинча, улар бу қадар тубан кетиб, ўз гуруҳларидаги обрў-

эътиборли хонандага тиғ санчиб, бойлигини талон-тарож қилмаган бўлардилар!..

Лайло гуруҳнинг кўзга кўринган хонандаси бўлиб, қўшиқларининг мухлислари ҳам оз эмасди. Уни тўй-ҳашаму саҳналарга тез-тез таклиф этишар ва табиийки, хонанда бунинг эвазига тузуккина хизмат ҳақи ҳам оларди (ҳалоли бўлсин!).

Лайло ҳам аксарият аёллар каби яхши кийиниш, қимматбаҳо тақинчоқлар тақишни суяр ва топганини шунга сарфларди. Бироқ, қулоқларидаги қимматбаҳо зираклар, қўлларидаги узуклару бўйнидаги олтин занжирлар бир куни ўзининг жонига қасд қилишларига сабаб бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаган чоғи. Нима ҳам дердик. Дунё бевафо экан. Унинг ял-ял товланиб турадиган (айниқса, саҳнада) тақинчоқларию либосларига томошабинлар ҳавас қилса, ўз чолғувчиси бўлмиш Арсен Арутюнян ҳасад билан боқар, уларни юлқиб олиб, мўмайгина «якан»га айлантиришни режалаштирар эди. Кунларнинг бирида у бу шум режасини Рустам Шоакбаровга айтиб «ҳамкорлик»ка таклиф қилди. Аммо Рустам бу қабоҳатга тўла ваҳшийликдан бош тортди. Пул деб, бойлик деб бир бегуноҳнинг жонига қасд қилишни ўта кетган пасткашлик деб тушунтирди...

Лекин Арсенга унинг жон куйдириб айтган гаплари, насиҳатлари заррача бўлса-да кор қилмади. У ниятидан қайтмади. Ҳамкасби – солист Данис Сирожевнинг қулоғига астагина шивирлади:

– Оғайни, мабодо осонгина бой бўлиб олишни хоҳламайсанми?

– Э, бу саволингнинг сўнггисидаги «ми»сини олиб қўйиб гапиравер.

– Унда Лайлони ўлдириб, тақинчоқларини ўмарамиз. Қарабсанки, сен ҳам, мен ҳам миллионер!

– Тўғрику-я, лекин охири бахайр бўлармикан?

– Э, чумчуқдан қўрққан тариқ экармиди, таваккал қилмаган миллионер бўлармиди?!

Шундай қилиб, бири эндигина 19, иккинчиси 23 ёшга тўлган икки йигит ўзаро тил бириктириб олишди-да, йўловчи машинага ўтириб, Лайлонинг Афросиёб кўчасида жойлашган уйига йўл олишди. Икковлон қўйниларига чилвир ва кнопкали пичоқни яшириб олганди...

Шу ўринда аввал жиноятга қўл урмоқчи бўлганлар билан танишиб олайлик.

Рутюнян Арсен Альбертович 1979 йилда, Латвиянинг Рига шаҳрида туғилган. Миллати арман. Ўзбекистон фуқароси. Маълумоти ўрта. Бўйдоқ. Партиясиз. «Ал-вакил» эстрада гуруҳи солисти. Яккасарой туманидаги Бобур кўчасининг 69-уйи 42-хонадонида яшаган...

Сирожев Данис Владимирович 1975 йилда Тошкентда туғилган. Миллати татар. Ўзбекистон фуқароси. Маълумоти ўрта. Бўйдоқ. Партиясиз. «Ал-вакил» эстрада гуруҳининг солисти. Ҳамза туманидаги Лисунов-2 кўчасида жойлашган 43-уйнинг 20-хонадонида яшаган...

Ниҳоят икки шум ният Лайло яшайдиган 9 қаватли уйга етиб келиб, унинг 6-қаватидаги кўзда тутилган хонадоннинг деразасини кузатишди. Чироқ ўчиқ. Демак, Лайло ҳали уйига келмаган.

– Хўш, нима қиламиз?

– Албатта кутамиз-да!

– Сезиб қолса-чи?

– Унда анави 9 қаватли уйнинг тепасига чиқиб кузатамиз. Лайло келиб, уйига киргач...

Улар шундай қилишди ҳам: қўшни уйнинг томига чиқиб, Лайлонинг келишини кутишди. Орадан кўп ўтмай қизил рангли «Тико» машинаси тўхтаб, ундан Лайло тушиб келди. Ёнида 3 ёшли ўғли ҳам бор эди. Негадир ҳайдовчи ҳам улар билан бирга юқорига кўтарилди. Ана, Лайлонинг уйида чироқ ёнди. Демак, иш кўнгилдагидек бўляпти. Аммо ҳайдовчининг бу қилиғи қанақа бўлди. У энди қачон кетади? Йўқ, у «кузатувчи»ларни кўп илҳақ қилмади. Тезда ортига қайтиб, машинасига ўтирдию кўздан ғойиб бўлди.

Шундан кейингина томдан узун-қисқа бўлиб тушиб келган ношуд кимсалар Лайлонинг эшиги қўнғироғини босишди. Эшикни атлас халат кийиб олган Лайлонинг ўзи очиб, меҳмонларни ичкарига таклиф этди, ошхонага ўтишди, Лайло меҳмонларга «нескафе» идишига «кока-кола» қуйиб узатди. Улар саҳналардаги биргаликдаги чиқишлари-ю, режалари хусусида суҳбатлашишди. Гўё ҳамма нарса рисоладагидек эди. Меҳмонларнинг ташрифлари боисидан беҳабар Лайло дастурхонга ноз-неъматларни келтириб, чой дамлаб келиш учун ортига қайтган эди ҳамки, Арутюнян унинг ортидан туриб бўйнига чилвирни ташлаб, бўға бошлади. Кутилмаган бу «ҳужум»дан эсанкираб қолган мезбон жон ҳолатда чилвирни қўли билан тортгани, узилиб кетди. Негаки, сабил қолгур чилвир ҳам анча эски экан-да! Аммо Лайло бу билан қутулолмади. Унинг ҳар икки қўлидан Арутюнян ушлаб турди. Сирожев эса, кнопкали пичоғини ёнидан олиб, ожизанинг кўкрак қисмига санчди. Кейин яна ва яна қонли пичоғини жабрдийданинг кўкрак қисмига қараб ураверди. Қон фаввора бўлиб отилаверди. Қотил эса, пичоқ санчишни бас қилмади.

Онасининг фарёди-ю, қонга беланишини кўрган норасида ётоқхонага қочиб кириб, шартта ўриндиққа ётганча кўзларини юмиб олди. Бола бечора «ўзимни уйқуга солсам, менга тегишмайди» деб ўйлади чоғи. Бу қонли, даҳшатли воқеани деразадан кўриб турган булутлар ҳам тоқат қилолмади. Фарёд чекиб, йиғлади гўё. Момақалди роқ гумбурлаб, ёмғир ёға бошлади. Эсаётган шаббода кучайиб ўзини деразадан ичкарига урди. Пардаларни кўтарди. Аммо золимнинг қўлидаги пичоқни учуриб кетолмай алам билан ортига қайтди...

Қонга беланган Лайло ерга қулади. Бир пайтлар қўшиқ айтиб, минг-минглаб одамлар олқишини олган бу хонанданинг оҳу-ноласи, доду фарёди ҳам тинди. У жон таслим қилган эди. Лекин шунда ҳам Сирожевнинг қутурган юраги юмшамади. У мурдага пичоқ санчишни яна анча давом эттирди...

392-сонли суд тиббий экспертизаси хулосасидан... «Лайло Алиеванинг ўлими унинг кўкрак қисмига ўткир пичоқ билан кўп бор жароҳат етказилгани, ўткир тиғли пичоқ унинг юрак ва ўпка қисмини ҳам жароҳатлагани туфайли содир бўлган. Танасининг бир неча жойига пичоқ уриб, жароҳатланган...»

Қотиллар мурданинг тепасида кўп туришмади. Аксинча, тезроқ унинг тақинчоқлари-ю, бойликларини ўмариб қочиш ҳаракатига тушишди. Икковлон худди ўлжага ташланган оч бўрилардек мурданинг бўйнидан олтин занжирини, қулоғидан зирагини, билагидан билугузугини бир зумда ечиб олишди. Аммо узугини мурданинг бармоғидан чиқаролмай анча уринишди. Натижа бўлмагач, ваннахонадан совун олиб чиқиб жасаднинг бармоғига суртишди. Шундан кейингина узук сирғалиб ўғриларнинг қўлига тушди.

Талончилар мурданинг борини талаб бўлишгач, хонама-хона изғиб, яна бойлик излашди. Қўлларига не илинса барини олишди. Улар орасида Лайло гастролга борса кўтариб юрадиган икки сумка ва ҳозиргина ҳар икковларини сийлаб «кока-кола» қуйиб берган «нескафе» ҳам бор эди. Босқинчилар унда қолган бармоқ изларини ҳам ўзлари билан олиб кетиш мақсадида шундай қилишди. Калитни олиб, уйни ташқарисидан қулфлаб, ҳеч нарсадан хабари йўқ кимсалардек астагина куён бўлишди. Йўл-йўлакай қотиллик қуроли – пичоқ, чилвир, уй калити ва «нескафе» идишларини сувга улоқтиришди-ю, кўнгиллари тинчиди. «Энди ҳеч қандай из қолдирмадик. Бизни ҳеч ким кўрмади. Демак, ишнинг бу ёғи «ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп» тарзида пинҳона қолади, деб ўйлашди.

Қотил талончилар қандай келишган бўлишса яна шундай йўловчи машинага ўтириб Сирожевнинг уйига жўнашди. У ерда уст-бошларига сачраган қонларни ювишди. Кейин Сая Браун деган танишларига телефон қилиб, унинг уйига «ҳозир етиб боришларини» айтишди. Саянинг уйида меҳмонлари бор эди. Уни ташқарига

чақириб «бор гап»ни айтишди. Сая меҳмонларни кузатиб, Сирожиевнинг кийимларида ва ўмарилган олтин бриллиантларда ҳамон сақланиб қолган қон қолдиқларини ювиб берди. Кейин Арутюнян билан Сая олтин тақинчоқлардан қимматбаҳо бриллиант тошларни чиқариб олди. Санашса ўнта экан! Қувонганларидан ароқхўрликни бошлаб юборишди. Базму жамшид тугагач эса, Сая ҳар эҳтимолга қарши ўзидан хавфсираб, олтин ва бриллиантларни шу базму жамшид иштирокчиси Татьяна Валошенкога сақлаб туриш учун берди. Бу қўшниси ҳам бор гапдан хабардор бўлди. Аммо сир сақлашга сўз берди. Босқинчилар эса қўлга киритган 2 миллион 800 минг сўмлик бойликдан керагини пулга айлантириб, еб-ичиб юраверишди. Улар жиноятларининг очилмаслигига шу қадар ишонишдики, асти қўяверасиз. Ҳатто, бир куни ўз гуруҳларида ишловчи яна бир солист Музаффар Охунжоновга ҳам ёрилишди. Лайлони қандай қилиб ўлдирганлари-ю, бойликларини қай йўсинда талаганликларини гапириб беришди. Музаффар уларнинг қилмишларини эшитаркан ваҳимага тушиш, воқеани тегишли мутасаддиларга етказиш ўрнига афсус билан қотилларга «шунга қийналиб ўтирибсанларми, овоз чиқармайдиган қурол билан осонгина отиб қўя қолмабсанлар-да» деб қўя қолди.

Қотиллар «ёпиқлик қозон ёпиқлигича» қолаётганидан мамнун эдилар. Аммо суриштирув, сўроқ навбати ўзларига ҳам аста-секин етиб келаётганидан ваҳимага тушиб, Москва шаҳрига қараб қочиб қолишди. У ерда бир мусиқали гуруҳ тузиб, яна ялло қилиб юраверишди.

Кунларнинг бирида улар ҳузурига Музаффар Охунжонов ҳам етиб бориб, ўз гуруҳларига ишга олишларини сўради. Улар рад қилишганида эса, «Агар илтимосимни қондирмасаларинг Лайлони ўлдирганларингни милицияга сотаман», деб шантаж қилди. Айби борнинг тиззаси қалтирайди, деганлари рост экан. Икковлон ноилож уни ҳам ўз гуруҳларига қўшиб олишди.

Шундай қилиб, учовлон Россиядек бепоеён мамлакатнинг пойтахтида бемалол қўшиқларни айтиб, созларини чалиб, ялло қилиб юраверишди. Аммо, «бузоқнинг югургани сомонхонагача» эканлигини англаб етишмади. Республикамиз прокуратураси ходимларининг россиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликдаги ишлари ўз натижасини берди. Ҳар уччала жиноятчи қўлга олиниб, Ўзбекистонга олиб келинди.

Табиийки, бу ёғи суднинг қора курсиси. Жиноятчилар қилмишига тўла иқрор бўлишди ва тегишли жазоларга мубтало этилди.

Қотиллик ва талончилик ташкилотчиси Арсен Арутюнян ва унинг шериги Данис Сирожев олий жазога маҳкум этилди. Ваҳшиёна қотилликни эшитиб туриб, уни ҳуқуқ-тартибот органларига хабар бермаган, аксинча, бу жиноятни яшириш билан ўз муддаосига етиб, Москвада ишга жойлашган Музаффар Охунжонов ҳам, шунингдек, Татьяна Волашенко ҳам тегишли жазоларини олишди.

Энди дўппини бошдан олиб қўйиб, бўлиб ўтган даҳшатли жиноят – ваҳшиёна қотиллигу талончиликнинг илдизи хусусида бир мушоҳада қилайлик. Хўш, у нега рўй берди? Нега бир эстрада гуруҳида ишловчи санъаткорлар (санъаткор дегани ҳам тил бормаиди) бу қадар тубанлашиб кетишди? Наҳотки, уларни юқорида таъкидлаганимиздек, санъатнинг сеҳри, мўъжизакор кучи эзгүликка етаклай олмади?!

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Алвакил»нинг юқорида номлари тилга олинган жиноятчи солистлари санъат оламига меҳр ва муҳаббат туфайли эмас, енгил-елпи ҳаёт ишқида, осон пул топиш илинжида киришган эди. Улар жонларини ўртаб, санъатни юксалтириш, талабчан, дидли мухлисларни мамнун этишни эмас, кўпроқ қандай қилиб бўлмасин, ҳамён қаппайтиришни ўйлашарди ва бу мақсадлари йўлида ҳар қандай пасткашликка ҳам тайёр туришарди. Маза-матрасиз, маъни-

сиз қўшиқларни айтиб, бемаъни хатти-ҳаракатлар қилиб, ўзларига ўхшаш дидсиз, маънавияти йўқ «мухлис»ларни «мамнун» этишар ва шу йўл билан уларнинг киссаларидан пулларини қоқиб олишни мўлжаллашарди. Аммо, кейинги пайтларда бу ноахлоқий, ғирром йўл билан санъат оламида узоқ қолиб бўлмаслигини сезиб қолишди. Тўғрида, халқимизнинг санъат бўстонидаги бу шумғияларни эртами-кечми юлиб ташлаши ҳам аниқ эди-да! Ўзларини «Замонавий эстрада дасталари» деб эълон қилган қатор ношуд гуруҳларнинг матбуот, радио ва телевидениеда кетма-кет танқид қилингани (жумладан, «Ал-вакил» ҳам) бунинг исботи.

Арутюнян, Сирожев ҳам бир жиҳатдан олганда ўзлигини таниб, миллий қадриятларини тиклаётган халқимиз орасида бемаънию беҳаё, ахлоқ-одобимизга зид қўшиғу мусиқалари билан «нон» тополмасликларига кўзлари етганди. Шунинг учун ҳам улар Москвага қараб йўл олишмоқчи эди. Аммо, у ерга бориб, иш бошлаш учун анчагина пул керак эди. Улар бу пулни таниқли хонанда Лайло Алиевани ўлдириб, бойликларини талаш ҳисобига топишди. Бироқ, бу йўлнинг оқибати, албатта, жожа билан тугагани, ҳар қандай ашаддий жиноятчи ҳам мамлакатимиз қонунларини бузса, у қаерга ва қачон қочиб кетишидан қатъи назар, албатта, қўлга олинишларини, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари бунга қодир эканликларини англаб етмадилар. Оқибатда эса қилмишларига яраша жазоларини олдилар...

Бу нарса енгил-елпи ҳаёт илинжида юрган ҳар бир текин томоққа, шу жумладан, «замонавий эстрада» деган санъат оламидаги шумғияларга ҳам сабоқ бўлиши керак. Нечунким, улар аслида ўз қўшиқлари, мусиқалари билан одамларга эстетик завқ беришлари, тарбиялашлари лозим бўлгани ҳолда бўлар-бўлмас беҳаё, мантиқсиз «асар»лари билан салбий таъсир кўрсатишмоқда. Боз



устига ўз турмуш тарзлари-ю, ахлоқсизликлари билан эл-улуснинг ихлосини қайтармоқдалар. Бунга «Ал-вакил»нинг биз юқорида қилмишларини баён этган маънавиятсиз уч хонандасининг жирканч кирдикорлари мисол бўла олади.

ОДАМКУШЛАР

ёхуд саккиз нафар йигитни
ўлдириб, ўз ҳовлисини қабристон-
га айлантирган муртадлар

Қабиҳ режа

Уйга одатдагидек хуфтонга яқин қайтган Иқбол машинани ҳовлисига олиб киргач, дарвозани беркитди.

Хотини дастурхон ёзиб, овқатни унинг олдига қўйди.

– Ҳозиргина Асқар ака келиб кетди, – деди Мавжуда-хон эрига чой қуйиб узатаркан.

– Чарчаб, ўлиб келганимда пешонамга шу гапни ҳозир тақиллатишинг шартмиди, – деди эр зарда билан. – Иштаҳамни бўғдинг. – Тур, машинада ароқ бор, обке.

У ароқни очиб пиёлага тўлдириб қуйди-да, бир сипқорди. Қовурмадан бир-икки қошиқ еган бўлди. Овқатланиб бўлгач, яримлаб қолган шишани дастурхон четига суриб қўйиб, чойдан хўплади, бир оз енгил тортиб болишга ёнбошларкан барибир боши қотди. Асқар ака «мана, бугундан бошлаб машина ихтиёрингизда, келишиб олдик, ҳар ой эллик минг сўмдан берасиз. Икки йилдан кейин «Жигули»ни номингизга ўтказиб бераман», деганди.

Лекин 50 сўм айтмоққа осон экан. Дўппи айлангунча ой охири бўляпти. Бунинг устига машинанинг чиқими ҳам

эзиб қўйяпти. «Жигули»нинг «капиталний ремонт»ига пули етмай қолганда қайнотаси тўқсон мингга новвосини сотиб, пулини қўлига тутқазганда, ишқилиб сўраб қолмасин-да, деганди...

Иқбол ароқдан пиёлага яна қуйиб ичгач, чўзилиб ёстиққа бош қўйди. Бир дақиқа кўзларини юмиб, ўйга толди. «Нима қилиш керак?». Шу лаҳза кўз ўнгида шайтони лаъин хозир бўлди-ю, унга қараб тиржайди. «Нима қилиш керак, дейсанми? Эҳ, нодон банда, шуни ҳам билмайсанми? Шаҳарда нима кўп, сенга ўхшаган киракаш йигитлар кўп. Шулардан биттасини у дунёга жўнатасану машинасини «майдалаб» сотиб юборасан. Қарзлардан ҳам, ташвишдан ҳам қутиласан. Тамом-вассалом!», «Йўқ, бу тўғри келмайди». Иқбол бош чайқади. Хўп, ўлдирдим ҳам дейлик. Лекин мурдани нима қиламан? Каналга ёки дарёга ташлагунимча, йўлда тасодифан давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими тўхтатиб қолиши мумкин. Қолаверса, бегона машинани уйга миниб борсам, қўни-қўшнилар шубҳаланишади...».

«Бу гапинг тўғри, лекин ҳидини чиқармасликнинг антиқа бир йули бор». Иблис шундай дея унга йўл-йўриқ кўрсата бошлади. «Яхшиси, киракаш йигитлардан бири-ни авраб уйингга олиб келасан. Кеч кириши билан бир ёқлик қиласан-да, ҳовлингни бир четига кўмасан. Машина ўзингга қолади, майдалаб пуллайверасан. Йўқолган одамни ҳеч ким сенинг уйингдан ахтармайди».

«Мана бу бошқа гап». Иқбол бирдан хушёр тортди. «Қўни-қўшнилар машинаси билан уйимга кирган одамни киракаш ўртоқларидан бўлса керак», – деб ўйлашади. Бу маслаҳатинг чакки эмас. Лекин ишончли бир шерик бўлганда, иш осон кечарди». У бир оз ўйланиб тургач, чеҳраси ёришди. «Ие, Юнусчи, яқинда кўришганда «нонвойчилик ҳам жонга тегди», мўмай пул топишнинг осонроқ йўлини топиш керак» деганди. Эртагаёқ олдига бораман».

Иқбол эрталаб барвақт ўрнидан туриб Кичик Ганжиравот қишлоғига йўл олди.

– Пухта режа тузибсан, – деди пулсизликдан қийналиб юрган Юнусали унинг фикрини қувватлаб. – Қачон десаг мен тайёр.

Орадан бир ҳафта ўтгач – 2000 йилнинг 20 июль куни Иқбол яна Юнусалини йўқлаб борди.

– Эрталаб уйга ўтгин, иш бор, – деди сирли оҳангда.

– Тинчликми?..

– Ўтгин деяпман-ку, уйда гаплашамиз...

Биринчи қурбон

Ёз чилласи. Иқбол шаҳарни бир икки айлангач, соат иккиларда «Жигули»сини «Чархий» универмаги рўпарасидаги «стоянка»га қўйди. Сўнгра машиналарга кўз-қулоқ бўлиб турадиган йигитга «Мен кечроқ келишим мумкин, қараб турарсиз» дея унга юз сўм бериб, шаҳарнинг марказий спорт ўйингоҳига олиб борадиган катта йўлдан пиёда кетди. У қабиҳ режасини қандай амалга ошириш йўллари йўларкан, юрагини ваҳима босди. «Аҳд қилдимми, охирига етказаман, энди ортга қайтиш йўқ». Иқбол бурилишдаги ошхонага кириб дадиллик учун юз грамм отиб олгач, қўрқув, иккиланиш чекинди. Шундан кейин катта йўл четидан яёв юриб ёшиққўприкка яқинлашгач, олд ойнасига такси белгиси қўйиб олган қизил «Жигули» кўзига ўтдек кўриниб, қўл кўтарди.

– Янги бозорга ташлаб қўйинг, – деди Иқбол машинага ўтиргач хотиржам оҳангда. Сўнгра йўл-йўлакай ҳайдовчини гапга солди.

– Қаерликсиз?

– Учқўприкдан, Яккамулла қишлоғидан.

– Исмингиз...

– Акмалжон.

– Бозорда киракаш оғайнилари бор. Бирортаси билан ёз этиб Бувайда туманига ўтиб келишим керак, – деди Иқбол ёлғондан.

– Ака, ўзим ҳам олиб бориб келавераман. – Унинг кабиҳ ниятидан беҳабар содда қишлоқлик йигит мижознинг мушкулини осон қилмоқчи бўлди.

– Бўлмаса гап бундай, ука. Бувайдага етмай шундоқ Палахон қишлоғига борамизу қайтамыз. Кейин мени уйга – Соё-Шилдирга ташлаб кўясиз. Қанча бўлади?

– Уч минг берасиз.

– Йўқ, икки ярим минг. Иқбол унда шубҳа уйғотмаслик учун савдолашган бўлди. – Уйда бирор соатлик ишим бор, битириб яна сиз билан қайтаман. Мени кутиб турганингиз учун яна алоҳида тўлайман.

У Акмалжонни тузоққа илинтиргач, Палахон қишлоғи марказидаги дўконлардан бирига шунчаки кириб чиқдида, ҳайдовчи билан Соё-Шилдирга йўл олди.

– Сиз ишингизни битириб чиқаверинг, мен машинада кутиб ўтираман, – деди ҳайдовчи дарвоза рўпарасидаги йўлак бошида тўхтаб.

– Йўфе, шундай иссиқда-я! Ҳозир дарвозани очаман. Машинани ичкарига олиб кираверинг. Сиз ҳам бирор соат дам олволасиз.

Акмалжон бироз ўйланиб тургач рози бўлди.

– Майли, бўлмаса машинани ўзингиз олиб кининг, ҳавосини олгансиз. Йўлак торроқ экан, яна туртиб олмай.

Улар «Жигули»ни ҳовлига олиб кириб дарвозани беркитишгач, Иқбол йўлдан олган гўштни кўтариб ошхонага – хотинининг олдига кирди.

– Ташқарига жой қил. Ундан кейин бирор нима пишир, бўл тез.

– Ким у? Мавжудахон ҳовлига қараб қўйган олазарак, бетоқат эрига хавотирлик билан тикилди.

– Бегона, кимлиги билан ишинг бўлмасин. Шу йигитни бир ёқлик қиламан. Қарздорлик ҳиқилдоғимга келди.

– Жинни бўб қопсиз. – Хотинининг ранги оқарди.

– Кўп валдирама, ғинг десанг, сени ҳам ўлдириб бирга кўмаман, тушундингми? Бўл тез, ташқарига жой қилиб, дарров овқатга унна.

– Ўзим ҳам киракашман, – деди Иқбол чойдан меҳмонга бир пиёла қуйиб узатаркан хотиржам оҳангда гапиришга тиришиб. – Ҳозир машинам устахонада. – У шундай дея ичкари уйга кириб ароқ олиб чиқди. – Ҳозир овқат ҳам бўлади. Унгача юзта-юзта отайлик.

– Раҳмат, ўзингиз бемалол, мен рулдаман, – Акмалжон узр айтди, Иқбол пиёлага тўлдириб қуйиб бир кўтарди.

Улар маставани ичиб бўлишгач, Акмалжон анча ўтириб қолганлигини айтиб кетишга рухсат сўради.

– Хўп, ҳозир, бир минут, айтдимۇ бирга кетамиз деб. – Иқбол шундай дея ўрнидан туриб ичкари уйга, хотинининг олдига кирди.

– Менга қара, тайёр тур, чақиришим билан ғизиллаб чиқасан, тушундингми?

– Вой шўрим, – Мавжуда кўзларини катта-катта очиб қўллари билан оғзини беркитди. – Нима қилмоқчи бўлаётганингизни тушунапсизми ўзи?!

– Бўлди довдирама, гап тамом.

Иқбол шундай дея олдиндан тайёрлаб қўйган трос-сиртмоқни олиб чўнтагига солди. Сўнгра темир трубани олдида «меҳмон»нинг орқа томонидан келиб унинг бошига зарб билан туширди. Акмалжон «ух» дея бошини чангаллаши билан тросни унинг бўйнидан ўтказиб бор кучи билан бўға бошлади.

– Мавжуда! – деди у жон талвасасида типирчилаётган йигитни, уй ичига судраб бораркан.

– Йўқ боролмайман. Деразадан бу мудҳиш манзарани кузатиб турган хотинининг юраги орқасига тортиб кетди.

– Бу ёққа кел деяпман, мегажин, – Акмални бўғиб турган Иқбол хотинига ўшқирди. – Анави трубани олиб сол бошига!

Эрининг важоҳатидан ўтакаси ёрилган Мавжуда беихтиёр трубани олиб йигитнинг бошига бир икки туширгач, яна қочиб уйга кириб кетди.

«Тинчиди». Акмал бир икки дақиқадан сўнг қимир этмай қолгач, Иқбол унинг бўйнидан сиртмоқни бўшатиб,

хотинини чақирди. Иккаласи жасадни қўл-оёғини чилвир билан бойлашгач, унинг чўнтаklarини кавлади. Ундан бор-йўғи олти юз сўм пул чиқди. Шундан кейин эр-хотин ҳовли орқасига чуқур қазиб, жонсиз танани кўмишди-да, устига беш-олти боғ ғўзапоя ташлаб қўйишди.

Эртаси куни барвақт унинг уйига келган Юнусали ҳовлида турган қизил «Жигули»га кўзи тушиб, Иқболга маъноли тикилди.

– Айтганимни қилдим, – деди Иқбол унинг кўзига тик қараб.

– Эгаси-чи? – «Қаерга кўмдинг?» – дейишга Юнусалининг тили бормади.

– Шу ерда, уйнинг орқасидаги чуқурда. Бўлди, бу гапларни қўй, ишга ўтайлик.

Улар ўша куни машинани бўлакларга ажратишди. Кузовни дасткала билан қирқиб, ихчамлаштиргач, бир четга тахлаб, устига ғўзапоя ташлаб қўйишди.

– Энди гап бундай, – деди Иқбол ишни тугатишгач. – Эртага мардикор бозоридан уч-тўртта одам олиб келиб бассейн қилмоқчиман деб ҳовлининг бир четини ковлатаман. Кузовни ўша ерга кўмамиз. Қолганини «Мастона» бозорига олиб бориб пуллаймиз. Сен мен билан бирга борасан. «Запчаст»ларнинг ҳаммасини ёйиб қўйиш хатарли. Бир қисми машинада туради. Сўраган одамга секин олиб бераверамиз.

Жинойатчи-қотиллар бир ойга қолмай машина эҳтиёт қисмларини сотиб тугатишди. Иқболнинг чўнтаги қаппайди. Лекин гоҳи-гоҳида, айниқса, кечқурунлари юрагини қўрқув, ваҳима босарди. Шунда ароқдан пиёлага тўлдириб қуйиб ичарди-да, қотиллигини хаёлидан чиқариб ташлашга уринарди.

Чустга сафар

16 сентябрь куни Иқбол одатдагидек барвақт уйғонди. У шошилмай нонушта қилгач, Кўқонга бориб бир оз ай-

ланди. Сўнгра ўйлаган режасини амалга ошириш учун шаҳар шоҳбекатидан автобусга ўтириб, тўғри Чустга келди. У шаҳарни бироз кезгач, деҳқон бозори яқинига келиб жигарранг «Жигули»ни қўл кўтариб тўхтатди. Ҳайдовчи билан минг сўмга келишиб, Попга ташлаб қўйишни илтимос қилди.

– Тошкентга Чустдан мева-чева олиб бориб тураман деди, – ўзини Аюбхон деб таништирган қирқ ёшлар чамасидаги йигит. – Гоҳи-гоҳида сизга ўхшаганларнинг ҳожатини ҳам чиқариб турамиз. Тирикчиликнинг айби йўқ.

– Гапингиз тўғри, – Иқбол шундай дегач, секин унинг «қўйнига қўл солди». – Аслида Қўқонга кетяпман. Агар вақтингиз бўлса...

– Майли, келишсак ташлаб қўявераман.

– Қанча бўлади?

– Саккиз минг.

– Етти минг бераман. Гап битта. Уйда бир икки соат туриб, яна қайтамиз. Келишдикми?

Ҳайдовчи рози бўлгач, тўғри уйга келишди. Кемага тушганнинг жони бир деганларидек, тақдирга тан берган Мавжуда уйга дастурхон ёзиб, чой дамлади.

– Меҳмондорчилигингиз учун раҳмат. Энди қайтайлик, қоронғу тушиб қолди, – деди меҳмон овқатланиб бўлиб бир оз дам олишгач.

– Майли, мен ҳозир. Иқбол шундай дея ўрнидан турди-да, дахлизга ўтиб сиртмоқ-тросни чўнтагига солди. Қайтиб келиб дастурхонга фотиҳа қилишгач, Аюбхон ташқарига чиқмоқчи бўлди. Эшик дастасини ушлаган ҳам эдики орқасидан бўйнига ташланган сиртмоқ қаттиқ исканжага олди. «Болғани ол», – деди Иқбол йигитни ерга ағдараркан, хотинига. «Ўлдирманглар», – Аюбхон қўли билан бўйнидаги тросни юлқиб олишга тиришаркан хириллади. Лекин шу лаҳза бошига кетма-кет урилган болға зарбидан хушидан кетди.

Орадан ўн дақиқа ўтгач, қўш қотиллар яна бир чуқур кавлаб, жасадни кўмишди. Эртаси куни Юнусали билан машинани қисмларга ажратишгач, кузовни бассейн учун деб мардикорларга кавлатган чуқурга кўмишди.

Тишини ҳам суғуриб олишди

1 ноябрь кундуз соат ўн иккилар чамаси. Тушликни уйида Юнусали билан бирга қилаётган Иқбол яна юз граммдан олишгач мақсадга ўтди.

– Эртага тайёр бўлиб тур, «ов»га бирга чиқамиз. – У шундай дегач, бир оз ўйланиб турди-да, қўшимча қилди. – Бугун чуқур кавлаб, тайёрлаб қўйганимиз маъқул. Шошилиб қолмаймиз.

Юнусали тасдиқ ишорасини қилгач, уйнинг орқасидаги хилватроқ жойни кавлаб, тайёрлаб қўйишди. Эртаси куни эса, режага кўра, иккаласи Фарғона шаҳрига йўл олишди. Бу сафар қотиллар деҳқон бозори олдида тузоқларига фарғоналик йигит – Неъматиллони илинтиришди.

– Уйда бир-икки соатлик ишимиз бор, – деди саккиз минг сўмга келишгач, Иқбол одатдагидек. – Фарғонага яна бирга қайтамиз. Улар қишлоққа етиб келишгач, машинани ичкарига олиб киришди. Хонага дастурхон ёзилгач, Иқбол бир шиша ароқ келтириб қўйди. Орадан бирор соат ўтгач таом ҳам тайёр бўлди. Овқатланиб бўлишгач, Иқбол идиш-товоқларни йиғиштириш баҳонасида ошхонага ўтди-да, сиртмоқни чўнтагига солди. Сўнгра Юнусалига имо қилиб, бурчакда турган болғани кўрсатди. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Неъматилло биринчи бўлиб ташқарига чиқмоқчи бўлган ҳам эдики, Иқбол тросиртмоқни унинг бўйнига ташлаб ерга ағдарди. Шуни кутиб турган Юнусали чаққонлик билан болғани олиб, ҳайдовчининг бошига 3-4 марта солди. Неъматилло бир икки типирчилаб жим бўлиб қолгандан кейин хотини ёрдамида мурданинг қўл-оёғини боғлашди.

– Шошмай тур, – деди Иқбол жасадни тайёр чуқур олдига судраб келишгач. – Тилла тишларига кўзим тушувди, отвёрка обке, – У Неъматиллонинг тўрт дона тилла тишларини ҳам суғуриб олиб, ўликни кўмиб, устига беш-олти дона тахта ташлаб қўйишди. Қотиллар ўша куниеқ машинани эҳтиёт қисмларга ажратишди. Тишларни эса, эртаси куни тилла бозоридаги нотаниш бир аёлга 32 минг сўмга пуллашди...

Ухлатиб қўйиб...

Орадан кўп ўтмади. 25 ноябрь куни Иқбол машинасига Юнусалини ўтқазиб, «Чархий» деҳқон бозори рўпарасидаги «стоянка»га келиб тўхтади. Қотиллар «Жигули»ни ўша ерда қолдириб, ўзлари Кўқон деҳқон бозори томон йўл олишди. Бу сафар уларга «ВАЗ-2106» «Жигули» ҳайдовчиси – 24 ёшли кўқонлик Мадаминжон Неъматов рўбарў бўлди.

– Соё-Шилдирга бориб келамиз, – деди Иқбол машинага ўтириб олгач.

– Икки минг бўлади. – Машина эгаси гапни қисқа қилди.

– Бир ярим минг сўм берамиз, розимисиз. Лекин айтиб қўяй, уйда икки соатча тўхтаймиз, ишимиз бор.

– Кутиб турган вақтимга алоҳида тўласангиз розиман, – деди ҳайдовчи очиқчасига.

– Бўпти, келишдик, фақат Чорсуда бир-икки минут тўхтаймиз, нон-пон олволишим керак.

Улар қишлоққа олиб борадиган кенг асфальт йўлга чиқишгач, қотиллар ҳайдовчида шубҳа уйғотмаслик учун ҳазил-хузул, аския қилиб кетишди.

– Мана, етиб ҳам келдик, – деди Иқбол йўлак бошида машинани тўхтатгач. – Ҳозир дарвозани очаман.

Ҳайдовчи «Жигули»ни ҳовлига олиб киргач, учовлон уйга киришди. Кўп ўтмай ўртага дастурхон ёзилди.

– Акалар менга узр, – деди Мадаминжон овқатдан олдин унга узатилган ароқни қайтариб.

– Менга қаранг, – деди Иқбол пиёлани яна унга уза-тиб. – Кун кеч бўлиб қолди. Бугунги ишингиз тамом. Бир-икки соатдан кейин бизни шундоқ шаҳарга ташлайсизу тўғри уйингизга кетаверасиз. Бўйдоқ бўлсангиз керак-а?

– Йўқ, уйланганман, иккита болам бор.

– Ие, ота ўғил экансиз-ку, қани олинг, қайтарманг.

Иқбол билан Юнусали ҳазил-ҳузул қилиб қистаб унга ҳам ичиришди. Овқатланиб бўлишгач, Иқбол ошхонага – хотинининг олдига чиқди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас эр-хотиннинг ёнига Юнусали кирди.

– Ичишга ҳали яхши ўрганмаган экан, ухлаб қолди, – деди кўзларини ўйнатиб. – Вақт ғанимат, тинчитиб қўя қолайлик.

– Майли бир оз дамани олаверсин. Уйғониб, ташқарига чиққанида трос билан бўғаман.

– Жиннимисан? Нима қиласан туришини кутиб. Бўладиган ишнинг бўлгани маъқул. У шундай дея ташқаридан кетмонни олиб келди-да, орқаси билан ухлаб ётган Мадаминнинг чаккасига қулоғи аралаш зарб билан туширди. Иқбол эса хушидан кетган ҳайдовчининг бўйнига сиртмоқ солиб бўға бошлади. Йигит оёқ-қўлини бир-икки силкитгач жимиб қолди.

– Буниси осон бўлди-ку, – деди Иқбол жонсиз тананинг бўйнидаги тросни оларкан. – Қани, оёқ-қўлини боғлаб тезда гумдон қилайлик.

«Бу йигит синфдошим-ку!»

2001 йилнинг январь ойи. Қиш чилласи. Мавжуда ошхонадан чиқиб, ичкари уйга кирган ҳам эдики, дарвоза очилиб, ҳовлида оқ рангли «Жигули» пайдо бўлди. Шунда унинг кўзи ҳайдовчи йигитга тушди-ю, юраги «шув» этди. «Вой ўлмасам, наҳотки!».

Иқбол Юнусали билан ҳайдовчини ташқарида қолдириб, хотинининг олдига кирди.

– Ҳа, мунча рангинг оқариб кетибди, – деди саросимага тушган Мавжудага қараб.

– Кимни олиб келганингизни биласизми?
 – Ким у? – Эр хотинига хавотир билан тикилди.
 – Синфдошим Мирзараҳмонку, учкўприклик, Қўқон-бой қишлоғидан.

Иқбол бир муддат иккиланиб тургач, беўхшов тиржайди:

– Нима бўлибди, катта холангни ўғли эмас-ку! Бу ерга келган одам тирик чиқмайди. Бор, дастурхон ёз, овқат тайёрла.

Ҳаром луқма еб ҳалқуми булғанган, аёллик, инсонийлик қиёфасини бутунлай йўқотиб, шайтоннинг урғочисига айланган қотил синфдошига сир бой бермади. Мирзараҳмон билан илиқ сўрашиб, дастурхон ёзди. Уша куни собиқ синфдошининг қонга беланган жасади ҳам девор тагидаги чуқурга бекафан кўмилди.

Лекин мурда чуқурда узоқ турмади. Февраль ойларининг охирларида ҳовлидан уйга кирган Иқбол «ўликни юзароқ кўмибмиз шекилли, ҳиди чиқяпти, бирор йўлини топиш керак» дея кечқурун кавлаб олиб, ёқди. Сўнгра кул аралаш суякларни қопга солиб, Сирдарёга олиб бориб ташлади.

Машинингизни «тузатиб» бераман...

1 март. Борлиқда баҳор нафаси. Чустга зарур юмуш билан келиб ишини тезда битирган Саидикром хуш кайфият билан машинаси рулини қишлоғига – Поп туманига бурди. Шу пайт бир йигит машинасига қўл кўтарганини кўриб тўхтади.

– Ака, илтимос, Попга ташлаб қўёлмайсизми, хизмат ҳақингизни бераман, – деди «йўловчи» унинг олдида келиб.

– Майли, ўтиринг, ўзим ҳам ўша ёққа кетяпман.

– Йўловчи беш-олти дақиқа сукут сақлаб кетгач, секин эски дийдиёсини бошлади.

– Гапнинг тўғриси, Попдан Кўқонга кетишим керак. Марказдан такси бўлар.

– Ҳа машина сероб. Ўзингиз қаерликсиз? – Саид-икром йўловчининг кимлиги, касб-кори билан қизиқди.

– Сои-Шилдирдан, Қўқонга кираверишда шунақа қишлоқ бор. Ўзим машина тузатаман. Шанба, якшанба кунлари «запчасть» бозорига ҳам чиқиб тураман.

– Машинамни устага бир кўрсатишим керак ўзи. Ҳеч қўл тегмаяпти.

– Сезилиб турибди, моторнинг овози «нето». – Йўловчи шундоқ дегач, тузоқнинг ипини секин торта бошлади.

– Ака, менга қаранг, агар вақтингиз бўлса, мени уйга ташлаб қўйсангиз, хизмат ҳақингизни оласиз. Икки соатгина ҳовлимизда дам олиб турсангиз машинангизни клапан, салнигини алмаштириб, тортиб бераман. «Жигули»нгиз гижинглаган одек бўлади.

Табибнинг оёқ остидан чиққанлигини кўриб хурсанд бўлган Саидикром рози бўла қолди. «Уста» мижозини уйга олиб киргач, хотинига одатдагидек дастурхон ёзиб, овқат қилишни буурди.

– Чой-пойга овора бўлманглар, – деди ҳайдовчи астойдил. – Аввал машинани тузатайлик, вақтим зикроқ.

– Хўп майли, бўлмаса мен кийимимни алмаштириб чиқай. Уй эгаси шундай дея коржомасини кийиб, машина капотини очди. Лекин орадан уч соатча вақт ўтиб, кун ботай деганда ҳам ишнинг ниҳояси кўринмади. Шу пайт «оббо» деди «уста» жиғибийрон бўлгандек.

– Тинчликми, – деди унинг тепасига келган Саид-икром.

– Сухариги отилиб қаергадир учиб тушди. Қоронғуда топилармикан?

«Уста»нинг найрангидан беҳабар ҳайдовчи «ҳозир» деди-ю, машина тагини, атрофини энкайиб қидира бошлади.

– Фойдаси йўқ. Қоронғуда топиш қийин. – «Уста» афсуслангандек бошини сарак-сарак қилди. – Энди гап бундай, ака. Бугун бизниқда қолаверасиз. Эртага бирорта устахонадан сухарик олиб, машинангизни

қиличдек қилиб бераман. – Хонадон соҳиби шундай дегач меҳмоннинг ташвишли чехрасига бир лаҳза тикилди-да ҳазил оҳангида гапани давом эттирди.

– Келин ойимдан шунақанги қўрқасизми? Эртага ўзим уйларинга бораман. Мана, баҳонада ака-ука бўлиб қолдик. – «Уста» ҳазил мутойиба билан ҳайдовчининг кўнглини кўтаргач, ҳовлида юрган хотинига юзланди.

– Мавжу, ичкари уйга дастурхон ёз, овқатинг ҳам тайёр бўлгандир.

Мезбон ва меҳмон юз граммдан ичишиб овқатла-нишгач анчагина чақчақлашиб ўтиришди.

– Соат ҳам ўн икки бўлай деб қолибди, – деди Саид-икром ҳижолат бўлиб. – Менга бир дона ёстиқ олиб чиқиб берсаларинг бўлди, шу ерда ётавераман.

Хонадон соҳиби ҳам «меҳмонхонага киринг» деб кўп қистамади. Лекин ўша машъум кунда Поп туманининг Хўжаобод қишлоғида истиқомат қилувчи Саидикромхўжа Шарофиддинхўжаев абадий «уйқуга» кетди.

Қолгандарё йўлидаги қотиллик

13 май. Мавжуда кечки овқатдан кейин дастурхонни йиғиштириб чой дамладида, эрининг олдига қўйди.

– Шошма, бу ёққа ўтир, – деди Иқбол ошхонага чиқмоқчи бўлган хотинига буйруқ оҳангида.

– Нима дейсиз?

– Эртага Тошкентга бирга борамиз.

Эрининг ниятини сезган Мавжуданинг юрагини ваҳима босди.

– Юнусали-чи?

– У билан муросамиз қочди. Яхшилиқни билмайдиган ифлос одам экан. Бир куни у билан ҳам ҳисоб-китоб қиламан. Хуллас, тушундинг-а?

– Қизчамизни нима қиламиз?

– Бирга олволамиз. Қайтанга яхши бўлади. Биров шубҳаланмайди. Қирқма милтиқ, трос, чилвир ипни сумкага солиб устига болангни уст-бошларини ташлаб қўй.

...Тошкент. Соат кечки еттилар чамаси. Қўйлиқ бозори яқинидаги «Машиналар тўхташ жойи»дан ўн-ўн беш метр берида ҳали икки ёшга ҳам тўлмаган қизчасини кўтариб олган Мавжуда бетоқат, атрофга олазарак боқади. Шу пайт эри унинг олдига 35-40 ёшлар чамасидаги бир йигитни бошлаб келди.

– Сизлар анави сариқ «Жигули»да ўтириб туринглар, мен иккита одам топиб чиқай, – деди киракаш йигит. Орадан ярим соатча вақт ўтгач бояги ҳайдовчи машинага келиб ўтирди ва Иқболга юзланди:

– Яна озгина кутайлик, битта яримта келиб қолар, – деди.

– Агар ўзимиз кетаверсак қанча бўлади?

– Саккиз минг берсаларинг кетаверардик, – деди ҳайдовчи бир оз ўйланиб тургач.

– Олти минг. Иқбол бироз тортишган бўлди. – Балки йўлдан ҳам одам чиқиб қолар.

– Майли, жўнайверамиз. Уйга ҳам эртароқ боришим керак.

...Йўлда киракаш йигит ўзини «бешариқликман, Бах-мал қишлоғидан, исмим Рустамжон, учта фарзандим бор» деб таништирди. Улар тунги соат тўққизларда «тунел»дан ўтишгач, ҳайдовчини кузатиб келаётган Иқбол сўз қотди.

– Чарчабсиз-а?

– Ҳа энди, йўл азоби... дейишади-ку!

– Правам чўнтагимда, хўп десангиз рулни беринг, озгина дам олволасиз.

– Майли, – деди Рустамжон машинасини йўл четига олиб.

Улар Чағали постидан ўтгандан кейин «бу томондан яқинроқ» дея Иқбол рулни Қипчоқ ўрмон хўжалиги томонга бурди. Бир оз юриб Қолгандарё жамоа хўжалигига олиб борадиган йўлга чиқишди. Шунда эр-хотин кўз уриштириб олишгач, Мавжуда қизчасини тўсиб олиш баҳонасида машинани тўхтатди. Қулай фурсат келиши-

ни пойлаб кетаётган Иқбол орқадан қирқма милтиқни олди-да мудраб ўтирган ҳайдовчининг чаккасига тиради. Саросимага тушиб қолган Рустамжон беихтиёр ўздан итарди, ўқ хато кетди. Лекин ўзини йўқотмаган қотил йигитнинг бошига милтиқ қўндоғи билан 3-4 марта уриб уни ҳолсизлантирди. Сўнгра хотини иккови машина эгасининг қўл-оёғини боғлаб орқа ўриндиққа ётқизишди. Шундан сўнг Иқбол хотини билан қизчасини ёнига ўтказиб рулни уйга – Сой-Шилдир томон бурди.

Ярим йўлда қонга бўялган Рустам ўзига келди.

– Ўлдирманглар мени, қўйиб юборинглар, – деди инграб илтижо билан.

– Овозингни чиқарма, «ғинг» десанг асфаласофилинга жўнатаман. – Машинани бошқариб бораётган Иқбол унга таҳдид қилди. Бўпти, уйга борайлик, юз минг сўм олиб келиб бераман, дея тилхат ёзасан, кейин қўйвораман.

– Хўп, ёзиб бераман, ҳеч кимга айтмайман. «Мени харип деб ўйлаяпсанми, аҳмоғинг йўқ». Иқбол ичида кулиб қўяркан хаёлидан ўтказди. «Қўйворсам ўша заҳотиёқ мелисани бошлаб келарсан».

Тунги ўн иккиларга яқин уйга етиб келишгач Мавжуда машинадан тушиб, дарвозани очди.

– Менга қара, – деди Иқбол машинани ичкарига олиб киргач, Рустамга ўгирилиб, – хотин ҳозир чойнакда сув олиб келади, бетингни ювиб оласан. Билиб қўй, бақирмоқчи бўлсанг оғзинга латта тиқиб қўйман.

У шундай деб машинадан тушиб, орқа эшикни очди. Йигит чойнакда сув олиб келаётган хотинга кўзи тушиб бошини ташқарига чиқарди. Шунда қотил унинг бўйнига трос-сиртмоқни солиб қаттиқ бўғди-да, Мавжудага ўгрилди: «Дарвозага тиралган ломни олиб кел, сол бошига!..»

Сўнги «ов»

Октябрь ойининг охирлари. Кеч соат олтилар чама-си. Олтиариқ деҳқон бозоридан сабзи, пиёз харид қилган

Жўрабой машинасига ўтириб беш-олти юз метр юрган ҳам эдики, йўл четида турган бир йигит қўл кўтарди.

– Ака, қайси томонга, – сўради «Жигули» олдига келган бегона йигит.

– Риштонга.

– Етволайлик, хотиним ҳам бор.

– Ўтиринглар.

– Асли Қўқонга кетяпмиз, – деди Иқбол секин гап бошлаб. – Олтиариққа меҳмонга келган эдик кечга қолдик.

«Йўловчилар» бироз сукут сақлаб кетишгач, Иқбол ҳайдовчидан сўради:

– Балонларингизнинг биттасида манжети бор шекилли-а, лапанглапти.

– Гапингиз тўғри, янаги ҳафта Қўқонга бориб иккита янги балон олишим керак.

– Бўлмаса гап бундай, ака. Машинам бузуқ, барибир минмаяпман. Агар келишсак балонларимни ечиб бераман. Агар ҳозир вақтингиз бўлса, бизни уйга ташлаб қўйинг: хизмат ҳақингизни берамиз, баҳонада балонларни ҳам кўрасиз.

– Мен киракаш эмасман, Риштондаги «Ёшлик» жамоа хўжалигида ирригатор бўлиб ишлайман. Майли, ҳожат учун ташлаб қўяман.

Хуллас, ҳайдовчи билан «йўловчи» тўрт минг сўмга келишишгач йўлда давом этишди.

– Йўлагингиз торроқ экан, – деди Жўрабой ака дарвоза рўпарасида тўхтагач.

– Тўғри, бир-икки кирмаган одам қийналади. Ҳозир ўзим олиб кираман. – Иқбол «Жигули»ни ҳовлига олиб киргач, дарвозани беркитди.

– Балонлар мана шу. – У Жўрабой акани машина олдига олиб борди. Ҳайдовчи энкайиб уларни кўздан кечиргач маъқул келди.

– Бўлади, қанча сўрайсиз?

– Иккаласига 35 минг сўм берасиз.

- Гапнинг тўғриси, 30 мингга берсангиз оламан.
- Бўпти, келишдик.
- Бўлмаса сиз балонларни чиқариб қўйинг, мен эртага пулини бериб, олиб кетаман.
- Ака, мана, иш пишди, қани энди уйга киринг, бир пиёла чой ичиб кетасиз.

Иқбол Жўрабой аканинг «йўқ, кеч бўлиб қолди, қайтай» дейишига қарамай қистаб қўймади. У меҳмонни уйга ўтқазиб, ташқарига чиқди-да, трос-сиртмоқнинг чўнтагида турганлигига ишонч ҳосил қилгач, учига қўрғошин қуйилган темир трубани олди. Ўша куни Жўрабой ака одамкуш муртадларнинг саккизинчи қурбони бўлди...

«Отажоним, излайин қаерлардан?..»

Бир ҳафта бўлди, Жўрабой аканинг (фарзандлари, ака-укалари, қариндош-уруғларида ҳаловат йўқ. Айниқса, Умиджон бир бурда бўлиб қолди. «Дадажонимга нима бўлдийкин?». Кунда ички ишлар бўлимига боради. Бир хил жавоб: «Қидираяпмиз!».

Уйқусиз тунларнинг бирида унинг хаёлига «ярқ» этиб бир фикр келди. «Ҳа, «Мастона» бозорига бораман. Эртагаёқ».

Умиджон 3 ноябрь куни бозорга борди. У машинанинг эски эҳтиёт қисмлари сотиладиган растани айланиб юриб таниш буферга кўзи тушди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. «Бизнинг машинаники, худди ўзи». Юраги гурсиллаб ураётган йигит амакиваччаси Зухриддинни айтиб келиб, бу ҳақда бозорда юрган ички ишлар бўлими ходимларига мурожаат қилишди. Орган ходимлари улар ҳамроҳлигида эҳтиёт қисмлар билан савдо қилаётган йигит олдига боришди.

– Мана бу эшик дастаси, вакуум шланглари, тормоз суюқлиги қуйиш бачоги, ҳаммаси бизнинг машинаники, ўзим устаман, – деди Умиджон юраги орзиқиб.

Ички ишлар бўлими ходимлари шу заҳотиёқ запчаст-фуруш йигитни ички ишлар бўлимига олиб келишди. Ўша куниёқ Иқбол Усмоновнинг уйида, ҳовлисида текширув ўтказилди. Шунда газхона ичидан Жўрабой Одилов машинасига тегишли ўриндиқ, куйдирилган ғилоф, кассеталар, машина соҳибига тегишли бўлган тасбеҳ топилди. Текшириш давомида девор тагидаги чуқурдан Жўрабой аканинг мурдаси топилди. Умиджоннинг фарёди ҳовлини зир титратди.

– Одамхўрлар! Ўлдираман ҳаммангни! – у орган ходимлари қўлидан юлқиниб чиқмоқчи бўлди. – Шунчаём хор бўлдингизми, дадажоним!

Орадан кўп ўтмай гуруҳнинг бошқа аъзолари – Юнусали Раҳмонов ва Мавжуда Усмоновалар ҳам қамоққа олиндилар.

Ҳукм ўқилди

2002 йил 9 июль куни Фарғона вилояти Данғара тумани суди биносида жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд ашаддий жиноятчи қотиллар – Усмонов Иқбол Худойбердиевич ва Раҳмонов Юнусали Қодировичларни олий жазо – ўлимга ҳукм этди. Усмонова Мавжуда Баҳрамовнани 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Шу ўринда айрим фикр ва мулоҳазаларни айтиб ўтиш жоизга ўхшайди. Бир йилдан ортиқ вақт мобайнида бегона машиналарни уйига олиб келиб туни билан уларни қисмларга ажратган одамқушларнинг кирдикорларини наҳотки, қўни-қўшнилари сезишмаган бўлишса?! Одамнинг ишонгиси келмайди. Ё сезишган бўлишса ҳам, «кўрмадим дедим, қутилдим» қабилида иш тутишганмикин? Лекин шуниси аниқки, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу қабиҳлик ҳаммамизни огоҳликка, ҳушёрликка чақиради.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	5
Тундаги қотиллик	7
Бола ўғрилари	15
Шайтон васвасаси.....	22
Бензоколонкадаги олишув.....	34
Хонаки табибнинг қилмиши	43
Адашганлар	50
Разолат гирдобы	55
Зимистонда қолган излар	63
Адашган вагон.....	69
Мен «Қалқон» студиясиданман.....	77
Ниқоб тутган ўғрилари	82
Чақирилмаган «меҳмонлар»	92
Лайлонинг қотиллари	99
Одамкушлар	108

Т. Тошев

АДАШГАНЛАР ҚИСМАТИ

(Суд очерклари)

Муҳаррирлар:

А. Омонов,
Г. Ортиқхўжаева,
И. Саидов

Техник муҳаррир:
Компьютерда
саҳифаловчи:

А. Аҳмедов
Ш. Расулов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. АИ № 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.
Телефон: 0(371) 268-28-41, 268-28-57.
Факс: 0(371) 268-28-43, 268-28-56.
Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишга рухсат этилди 09.09.2015 й.
Қоғоз бичими 84x108^{1/32}. «Segoe UI» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 4,0.
Нашриёт ҳисоб табоғи 6,0. Адади 500 нусха.
-буюртма. Нархи шартнома асосида.

**«Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Чилонзор тумани,
Бунёдкор шоҳ кўч., 44-уй.**